

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАҲОДИР РАҲМОНОВ

ОЙГА ЯҚИН ЮЛДУЗЛАР
(Адабий-илмий мақолалар)

Тошкент
“Янги аср авлоди”
2010

Адабиётшунос олим Баҳодир Раҳмоновнинг ушбу китоби бадиият олами осмонида юлдуздай чараклаган ижодкорлар ҳақида. Улар нафақат ўзбек, балки турли миллат вакиллари. Юксак талант умуминсоний бўлади. қолаверса, нур барчага баробар. Шу боис ҳар қандай истеъдод ўзбек китобхонлари учун ҳам қадрли. Муаллиф улар ижодига, аввало, чуқур илмий таҳлил асосида ёндашади ва бадиийлик замиридаги мазмун ва ғояларни маҳорат билан очиб беради. Ўзига хос ўй-мушоҳада юритади. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, ҳар бир мақола содда ва таъсирчан услубда баён қилинган. Шунинг учун ҳам, айтмоқчи бўлган фикрлар мутахассислардан тортиб оддий китобхонгача бирдай тушунарли. Ўқиб ўзингиз бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университети Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев

Тақризчи: филология фанлари номзоди: Улуғбек Ҳамдам

Муқаддима

Инсон ҳеч қачон зулматда яшай олмайди. Шунинг учун ҳам у доимо нурга интилади. Бу табиий эҳтиёж. Қуёш, ой, юлдуз. Булар ҳаёт учун, тириклик учун оллоҳ томонидан берилган нур манбаларидир. Бу оламни кўз билан кўрмоқлик бахти қуёш нури, ой ёғдуси ва юлдузлар шуъласидан эмасми. Айниқса, тун осмонидаги тўлин ойнинг зиёси ҳатто қалбларни ҳам ёритиб юборади. Қалб ёруғ бўлмагунча инсон ҳатто очиқ кўз билан ҳам ўз йўлини топа олмаслиги мумкин. Лекин инсон қалби шу қадар чексиз фалакки, уни ҳатто табиий нур манбалари ҳам бутунлай ёритишга ожизлик қилади. Шу боис қодир эгам ўз бандалари орасидан шундай инсонларни яратиб қўйибдики, улар пешонасига эзгулик нурларини таратишдек буюк қисмат битилган.

Ҳар бир халқнинг маънавият осмонига кўтарилиб, чарақлай олган мана шундай юлдузлар бўлади. Улар масофа жиҳатидан эмас, балки қалбларга сочаётган нурлари билан ой даражасига етиб қолган юлдузлардир. Бошқача қилиб айтганда, ойга яқин юлдузлардир.

Китобимизни рамзий маънода мана шундай номладик. Чунки тўпламга киритилган шоиру олимлар ўзларининг нурли ижоди билан ана шундай юксак даражага кўтарила олишган. Болалигида “Ойни олиб беринг”, дея нурга интилган, ҳатто тахаллусини ҳам Ойбек деб қўйган Мусо Тошмуҳаммад ўғли, “Мен бир қора кунда туғилдим”, деган бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон сингари ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари, Доғистоннинг, яъни тоғлар ўлкасининг тоғдай шоири Расул Ҳамзатов, қозоқнинг тулпордек шиддатли шоири Ўлжас Сулаймон. “Дунёни поклай олмадим”, дея ўз халқининг дарду армонлари билан яшаб ўтган татар шоири Абдулла Тўқай, уйғур халқининг шонли фарзанди Билол Нозим... Буларнинг ҳаёти ва ижоди ўзи бир нурли дунё.

Мана шу дунёнинг сир-асрорларини очувчилар эса олимлардир. Улар ҳар бир ижод намунасидан эзгулик ахтарадилар. Топганларини халқига тақдим этадилар. Бу йўлда ҳам фидоийлик кўрсатганларгина миллатнинг ҳақиқий дардкаш зиёлиси даражасига кўтарила оладилар. Китобимиздан ўрин олган Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Иброҳим Ҳаққул, Баҳодир Саримсоқов ҳақидаги мақолалар айнан мана шу жиҳати билан ажралиб туради.

Осмонда юлдузлар кўп бўлганидек ҳар бир халқнинг эзгулик таратувчилари ҳам санокли эмас. Улар ҳақида ёзилган, ёзилапти ва келгусида янада кўпроқ ёзилади ҳам. Ушбу китоб шулар қаторидан ўрин олувчи керакли бир манба сифатида баҳолана олса, муаллиф ўзини мақсадга эришган деб ҳисоблайди.

Ойбек "оқшомлари"

Шеър руҳият оламининг маҳсулидир. Бу оламга кирмай туриб, унинг сир-асрорларини ҳис қилмай, шеърни шоир юрагидан сизиб чиққан ҳолатдагидай тушуниб бўлмайди. Шеърни тушунмаслик шоирни тушунмаслик билан баробардир. Ижодкорнинг руҳий ҳолати ҳаётнинг бир сирли парчасидир. Бу ҳаёт парчалари йиғилиб тақдирга айланади. Чинакам шоирлик - бу тақдирнинг дардлиси, ғамлиси, яъни қисматдир.

Ойбек шеърятининг руҳий дунёсига кира олган ҳар бир синчков китобхон мана шундай қисмат билан юзма-юз келади. Кўз ўнгида Ойбекнинг жонли қиёфаси намоён бўлади. "Оқшом... Ажиб бир сукунат. Шоир ёлғиз. У бутун бир борлиққа, чексиз осмонга, қоронғулик қаъридан нур таратаётган ойу юлдузларга ўйчан тикилиб турибди". Бу - шоир шеърларидан келиб чиққан ҳолат.

Ҳақиқатан ҳам, Ойбек ижодида кўп ҳолатлар, кечинмалар оқшом билан боғлаб берилган. Унда оқшом, кеча ва туннинг сирли сукунати уни ўйга толдиради. Чексиз ҳаёл оғушида юксакликка кўтарилади:

Хаёл кемасида сира чарчамай,
Кезаман жимгина мен коинотни.
Сен мени масхара қилма, гўзал ой!

Шоирлар сезади шундай ҳаётни,-

дейди шоирнинг ўзи ҳам. Бу ҳамма ижодкорлар учун табиий ҳолат эканлиги маълум. Лекин Ойбекда бунинг ҳаётий асослари борки, бу нарса бир умр шоир қалбини тарк этмайди. "Илк болалигимда ёрқин бир таассурот ҳали-ҳали эсимда: Сутдек ойдин кечада, пахса деворли уйимизнинг пастаккина томида онам билан турардим; тўлишган оппоқ ой осмон бўйлаб сузарди, у менга жуда ҳам гўзал кўринарди. Мен унга қўлларимни чўзиб интилардим ва "Ойи, оймомони олиб беринг", -деб хархаша қилардим. Ўша дамларда мени қамраб олган ҳаяжонни ҳамон ҳис этаман", -деб ёзган эди Ойбек таржимаи ҳолида. Кўнгилининг энг нозик пардаларига ҳаёт ўзининг бешафқат бармоғини босганда ўша унутилмас оқшом руҳига ҳамоҳанг мунгли бир наво таралиб турди.

Таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов шоир болалиги билан боғлиқ ўша хотирадан шундай хулоса чиқаради: "Бола ўша дақиқада ўзини қуршаган хузурбахш ҳаяжонни бутун умри давомида ҳис этиб юрди. Баъзан қандайдир самовий паҳлавон қўлидаги олтин қилич янглиғ яраклаб, баъзан эса бир коса момақаймоқдек тиникиб кўринувчи ҳамиша сеҳрли ва жозибали ой унинг севдигига айланди. Орадан бир неча йиллар ўтиб, у ўзининг илк шеърини сатрларини яратганда улар остига ана шу бекиёс севдигига пайров бўлган сўз билан имзо чекди: "Ойбек" деб".

Тахаллус шоир тақдирига босилган муҳр. Ой оқшомда кўрина бошлайди. Кечкурун ва тунда ўзининг бор нуруни таратади. У ёлғиз. Тунда баъзан итлар унга қараб увлайди. Ой гапиролмайди ва тонгга яқин ботади. Ойбек тахаллуси мана шундай рамзийликни, мана шу қисматни ҳам бизга ишора қилиб туради. Нақадар оғир қисмат.

Тош экан бошим,
Ҳеч ёрилмади-
Ёрилди минг тош.

Бу сатрларни шоир умрининг охириги йилларида ёзган. Кечган ҳаётининг қисқача хулосаси шудир. Лекин дарди ичида ўтган шоирнинг руҳига ким мадад берган экан? Ижодининг дастлабки даврида ёзилган "Яйраган онларим" шеърдан мана шу саволга қисман бўлса ҳам, жавоблардан бирини излаб топгандай бўламиз:

куёш танҳо ёнбошлар,
Енгил нозли оқшомлар,-

каби тасвирдан бошланади ва шеър шундай якунланади:

Мен кезаман шу чоқлар,
Борлиқ жонондек ётар.
Шу онларда улфатим:
Кўк, ой, юлдуз, япроқлар.

Мана шоирнинг рухий қувват олган манбалари: осмон ва табиат. Яйраган онлари эса-оқшом. қалби оппоқ туйғуларга тўлган Ойбек учун оқшом, кеча ва тун ҳамдардлик фурсати. Шу сокин лаҳзаларда у ўз хаёллари билан яшайди, орзулари билан яшайди; ой билан дардлашади, юлдузлар билан сирлашади. Бундай пайтларда "Сўзлашаман яширин кенг борлиқ билан",-дейди, "қўлимга созимни олиб, чексиз дунёларнинг куйин чаламан", - дейди.

"Кенг борлиқ", "Чексиз дунё". Инсон тафаккури ҳали бу сирли ҳилқатнинг сир-асрорларига тўлиқ етолгани йўқ.

О кўнгил, чексиздир туби йўқ жаҳон,
Сирлар ва тилсимлар конидир осмон.
Нимадир оламнинг сир фалсафаси?
Эй кўнгил, сен ҳал эт! Мушкуллим ҳамон!

Ойбек бу мушкул ишни кўнгилга ташлади. Ҳақиқатдан ҳам, ўн саккиз минг оламини мўъжизавий мавжудлиги билан, бор тилсимоти билан ақлга сиғдириб бўлмайди. Бундан фақат ҳайратланиш мумкин. Мана шу ҳайратланишгина кўнгилни сирли оламга яқинлаштиради, мукамалликка ва гўзалликка ошно қилади. Ошнолик эса инсонни рухий жиҳатдан бир қадар юксалтиради. Ойбек руҳиятининг мураккаб жиҳатлари балки шу билан боғлиқдир. Чунки рухий олам билан борлиқ олам бир-бирига тўғри келавермайди. Шунда инсон ўз рухий олами билан яшаш истагида бўлади, доимо ана шундай пайтларга интилади. Ўз руҳиятига мос, унга мадад ва малҳам берувчи ҳар бир нарсани қадрлайди.

Ойбек ижодида чуқур лиризм билан йўғрилган аксар шеърлар шоирнинг ана шу истаклари, интилишлари, қадрлашлари оқшом ҳолатларидаги ички кечинмалари асосида қоғозга тўкилган.

"Юрамен оқшомга сингади изим"

Ойбек дардларини чуқур ҳис қилиш учун унинг рухий қадами изидан борган ҳар бир ҳамдард мухлис, албатта, оқшомга юзма-юз бўлади. Бу оқшомда Самарқанддаги "минора мадрасалар сокин мудрайди", заҳардай изғирин "қишнинг оқ кафанини бурдалаб учиради". Бунда юлдузлар осмоннинг қоп-қора юзига олтин сепкил каби сочилган. "Ой-ўртада синган, зарлаган", қишда эса "Ой гўё мушукдай аста қалтирар", сиз юрсангиз, "Ой секин орқадан юрар изма-из".

Умуман, ой, юлдуз Ойбек руҳиятига доимий ёруғлик бериб турувчи тимсолдир. Бу тимсолларни шоир шеъриятида жонсиз нарса каби тасаввур қилиш қийин. Булар Ойбекка ҳамдард, ҳамсухбат, дўст, ошна.

Мен сизга, юлдузлар, интизордирман,
Ҳар оқшом кутаман соғиниб сизни.

Бу соғинч нимадан, интизорликнинг боиси нима?

Оқшом юлдузи яна
Олтин киприкларинг-ла,
Дардларимни ёза қол!

Юракдаги дардни ёзиш учун нега бу қадар илтижо?! Нега чексиз самодаги юлдузларга?! Нега "Яна!" Бу дардлар қачон ва қаерда пайдо бўлди. Нега бу заминда шу каби дардлардан бутунлай халос бўлиб бўлмайди?! Бу каби саволларнинг чеки йўқ. Лекин жавоб қисқа: дардсиз инсон инсонми? Кимнинг дарди йўқ?! Шунинг учун ҳам инсон ўзига дўст ахтаради, ёр ахтаради. Буларсиз юракдаги дардни кўтара олмайди. Шоирнинг юраги эса ҳамманинг дардини кўтариши керак. Бундай юракнинг дардини ёзиш учун бутун бир халқнинг дардини ёзиш керак бўлади. Бу жуда катта ижтимоий ҳаракат дегани. Тузум ва жамият ўзгариши дегани.

Ойбекнинг оқшом илтижолари балки шу каби ижтимоий масалаларга бориб тақалар:

Салом, эй ой,
Мунгли эски дўст!
Боқ, тагимда яна
Ўша тақир пўст.
Ўша шамшод асо,
Ўша қамиш най...
Фақат ўзга ҳижрон,
Ўзга жон ва май.
Мажҳул саҳродамен,
Ой, бўл пир ва эш,
Ғояга эришсин
Бу сўнгги дарвиш!

Ойбекнинг бу шеъри 1937 йил қатоғоннинг қиздирилган темири ҳали бутунлай совимаган даврда 40-йилларнинг бошида ёзилган. Шоирнинг ҳолати аён: "Мажҳул саҳро", "Ғоя". Бу юрак билан сиёсат орасида нима қилишини билмай қолган виждонли бир инсоннинг оғир ҳолати. Қандай йўл тутиши керак? Яна ўша ҳамдарди ойга илтижо қилади. Ўзинг йўлбошчи, ўзинг йўлдош бўл, дейди. Ой ҳам мунгли.

Ижодкор учун энг оғир фожеа ёзолмай қолишлик. Ойбекнинг қўлига қалам тутолмай қолган йиллари, тўшакка михланиб қолган йиллари, гапира олмай қолган йилларидаги юрак дардини, аламларини, армонларини, юракдан ҳис қилишликнинг ўзи оғир:

Ҳастамен... фикрга, туйғуга тўлиб-
Ой менга ҳамқадам-сокин юрамен,
Соғайсам бир куни ёзамен тўйиб,
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен,

Кечалар юрурмен телбадай ҳориб,
Бошимда ой борур, менга ҳамқадам.
Хаёллар учади машъалдай ёниб,
Тўйиб ёзажакман бир кун соғайсам.

Ойбек тўйиб ёзолмади. Айниқса, хасталик даврида. Албатта, бу адиб шеъриятига нисбатан айтилаётган фикр. Болалигида томга чиқиб ойга қўл чўзган шоир умрининг охиригача шундай қолди. Унга ой дўст бўлди, ҳамдард бўлди, ҳамқадам бўлди. Ёрқинлик,

нур таратувчилик, айниқса, тунда бу ўлмас фидойилик. Шунинг учун ҳам ой мангудир, доимо мавжуддир, тириклик манбаидир. Мана шу мавжудлик бор экан, олам зулматда қолмайди. Ойбек асарлари, унинг руҳий олами ҳам оқшомлардаги нур сочиб турган ой каби адабиётимизда мангудир.

Ойбек ижодида инсон савдоси

Умуминсоний масалалар ҳар бир адабиётнинг улуғ ижодкорлари асарларида ўзига хос шаклда ўз ифодасини топган. қуллик, эрксизлик, мутелик инсоният тарихида энг мудҳиш, энг узоқ давом этган ва бутунлай йўқолиб битмаган фожиалардан биридир. Инсоният ўз тарихида қулдорлик деб аталган алоҳида бир тузумни босиб ўтган. Шоир Усмон Носирнинг "Нил ва Рим" шеърини ўқиган ҳар бир китобхон бу тузумнинг инсон ҳаётидаги фожиали оқибатларини бир қадар тасаввур қилади:

Кимга йиғлаб, кимдан мадад кутсин бемор қул?
Эрки қулфдир, ҳаёти қулф, бор ҳудолар қулф!
Косасида сув йўқ, қуруқ халтаси-нон йўқ!
Ботаётган қуёш каби рангида қон йўқ.
Кўзида кўз йўқ, белида бел йўқ, ҳайҳот!

Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул шеърни таҳлил қилар экан, қулдорлик ривожланган Рим ҳақидаги қуйидаги фактларни қайд этиб ўтади: "Одам иш ҳайвони сифатида сотиладиган қул бозорлари юзага келган. Хўжайинлар шаҳарда ҳам, қишлоқларда ҳам қулар билан аёвсиз, кўпинча инсон чидай олмайдиган даражада ёмон муомала қилганлар. қулар сахардан то шомгача далаларда оғир меҳнат билан машғул бўлишган. Хизматдан бош тортган қулар учун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқ ва жазолар ўйлаб топилган ("Абадият фарзандлари". Т-1990. 149-б)

Бу инсониятнинг аччиқ тарихи. Лекин инсонни қул сифатида сотиш инсоният ҳаётида бутунлай барҳам топмади. Турли кўринишларда давом этиб келди. Шунинг учун ҳам адабиёт бу аянчли ҳақиқатдан кўз юмолмайди. Инсон эркини, бахтини истаган ҳар қандай виждонли ижодкорнинг юрагига бу фожа оғриқ солади. Ойбек ижоди ҳам шу каби оғриқлар маҳсули бўлганлиги билан бизни кўп ҳақиқатлардан огоҳ қилади. Адибнинг 1934 йилда ёзилган "Бахтигул ва Соғиндиқ" достонидаги қуйидаги тасвирга эътибор қилайлик:

Мана "қарқара". Шамол, чанг, шовқин.
Ясанган миқти қозоқ бойлари.
От жабдуқлари кумушдан бутун.
Чорвадор бойлар-гердайдан бари.

"қарқара" қозоқларнинг мол бозори. Бу ерда ҳайвонлар қатори инсон ҳам сотилади. Бу қулдорлик ривожланган қадимги Рим эмас. Лекин бошқа тузумдаги, бошқа ердаги, сиз билан бизга яқинроқ даврдаги бошқа кўриниш. Бахтигул худди шу бозорда Отабой томонидан чўри сифатида сотиб олинади. Унинг ҳуқуқи батамом поймол қилинади, номусли топталади. Бошқа сотиб олинган хизматкорларнинг тақдири ҳам аянчли:

қаролларида на пул, на туёқ!
Умр улар-чун азоб, машаққат...
Ҳаққин сўраган олади таёқ.
Бой ювундиси насиба фақат.

Энди ёзувчининг "қутлуғ қон" романига мурожаат этайлик. Унда ёшгина қирғиз йигити Ўрознинг тақдири ҳақида шундай ёзилган: "Бундан саккиз йил аввал у ўн етти

яшар ўспирин экан, "қарқара"га қатновчи бир қўйчи бой йилига саккиз сўмдан ёллаб Тошкентга келтирган. Бойникида уч йил ишлаган, лекин бутун махрумиятларга қўникса ҳам, таёққа чидай олмаган. Ўз юртига қайтишга бир йил қолганда, хўжайини билан аччиқлашиб, бошқа бир ер эгасига қарол ёлланган. Янги хўжайинда ҳам икки йил ишлаб ажралишга мажбур бўлган. Сўнг яна бир неча бойларда саргардон кезган. Юртига қайтишга имкон топа олмагач, ниҳоят, ўтган йил Мирзакаримбойга қарол бўлиб ёлланган".

Эътибор қилинг, дostonда ҳам, романда ҳам "қарқара" бозори-инсон савдоси. Уларнинг аччиқ қисмати шу бозордан бошланади.

Сотилган инсонда нима ҳуқуқ қолади?! На қадр-қиммат, на бахт-саодат-инсон бўлиб яшаш имкониятларидан бутунлай маҳрум. Кўргани фақат меҳнат, ҳақорат, зулм, зўравонлик, чорасизлик... Бу мутеликка доимо эркинлик истовчи инсон юраги бир умр бардош бера олармикин. Бу қадар аччиқ қисмат, бу қадар тубанлик борми инсон учун?!

Ҳаққоний ёзувчи бу каби фожиаларга кўз юмиб кетолмайди. Чунки адабиётнинг вазифаси инсонни ҳар томонлама, бор бўйича тасвирлаш. Ёмонини яшириб, яхшисини ошириб, деган гап адабиётга тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам Ойбек даврининг, инсон ҳаётининг яхши ва ёмон томонларини кўзгу каби асарларида акс эттирди. Инсон савдоси ҳам бутунлай йўқолиб кетмаган инсоният иллоти бўлиб, Ойбекнинг бадиий кўзгусида қора нуқта каби кўзга яққол ташланиб турибди. Биз бунга энди очиқ кўз билан қарамоғимиз керак бўлади. Чунки инсон савдоси деган масала бугунги, биз яшаб турган даврда ҳам ўзининг чигал муаммолари билан олдимизга оғир вазифаларни қўймоқда. Энг ачинарлиси - бу иллат инсон қонида яшаб келаётганлигидир. Бу дунёда яшаш, бойлик орттириш инсоннинг қадр-қимматини топташ ҳисобига бўлмаслиги керак. Бунинг учун инсон маънавий жиҳатдан юксалмоғи зарур. Маънавий юксак инсон бировни муте қилишни, унинг ҳисобига яшашни ўз ҳаётининг қондасига айлантира олмайди. Маънавий баркамол инсон бировга муте бўлишни, қадр-қимматининг оёқ ости қилинишини ўлим билан баробар билади. Шунинг учун у яшашнинг инсонларча йўлидан боради. Ойбек каби инсонпарвар ижодкорларнинг ўлмас бадиий мероси бизни мана шундай йўлга етаклайди.

Ойбек ва туркий халқлар адабиёти

Адабиёт инсон қалбининг илмидир. Қайси бир ижодкор мана шу илмни эгаллаш йўлида заҳмат чекса, давр учун зарур бўлган қаҳрамонларни кашф қила олади. Адабиётдаги ҳар бир кашфиёт сирли хилқат ҳисобланган инсоннинг буюклигини ҳис қилиш билан баробардир. Бу кашфиёт китобхонни ҳайратга солади. Ҳайратланиш эса инсонни тарбиялайди, юксаликка етаклайди. Инсониятнинг юксалиш учун ҳам адабиёт юксалиши зарур. Мана шу зарурият адабиётларни бирлаштиради. Ҳар бир даврда ҳар бир миллий адабиётда буни чуқур ҳис қилган ва фаолият кўрсатган жонкуяр, фидоий ижодкорлар бўлган. Улар бошқа миллат шоир ва ёзувчиларининг ижодларига бефарқ қарамаганлар. Ноёб талант эгаларига интиланлар, уларнинг ижод сирларидан баҳраманд бўлганлар ва бошқаларнинг ҳам ўрганишлари учун ижодлари ва тадқиқотлари билан имкон яратишга ҳаракат қилганлар.

Ўзбек адабиётида мана шундай фидоий, жонкуяр истеъдодлардан бири Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекдир. Адибнинг таржимаи ҳолидан шу нарса маълумки, эски мактабда форсий Хожа Ҳофиз ва Бедилларнинг ғазалларини ҳамма қатори ёддан қироат қилган. Бу билан ёш Ойбекнинг адабиётга қизиқиши ва кириб келишида дастлаб форсий адабиётнинг таъсири бўлган, деган фикр келиб чиқмаслиги керак.

"Болалигимдан Навоийни севиб қолганман. Шоир шеърларини шавқ билан, чин муҳаббат билан ўқирдим, унинг шеърятидан маст бўлардим,-деб қайд қилади. Ойбек ва давом этиб ёзади: Энг лирик шоир, Озарбайжон шоири Фузулий менда чуқур таассурот қолдирган. Мисли йўқ, тенги йўқ шоир. Мен мактабда, уйда, кўчада, косиблар олдида гоҳ китобдан, гоҳ ёддан Фузулийни ўқирдим, ўзимни йўқотиб, шеърят кучоғида яшардим.

1921 йилдан кейин шоирлик йўлига кирдим"¹. Демак, Ойбекнинг шеърият деб аталган сирли оламга кириб келишида Навоий билан бир қаторда Фузулийнинг ҳам таъсири кучли бўлган. Бунинг учун табиий ҳолат деб қабул қилинади. Чунки "Фузулий улуг бобомиз Навоийдан кўп таъсирланганидек, ўз навбатида ўзбек адабиётига зўр таъсир кўрсатган сиймо ҳисобланади. Ҳеч бир шоир ўзбек классик адабиётига Фузулийдек кучли таъсир кўрсатган эмас. Бунинг учун сабаби бор: биринчи-Фузулий тилининг ўзбек тилига яқинлиги, иккинчи-Фузулийнинг хушлафз ширин забонлиги, учинчи-Фузулий асарларининг бадиий баркамоллиги"².

Шу сабабли 20-асрнинг бошларигача, яъни Ойбек дастлабки таҳсилларни олаётган даврларда ҳам Фузулий ижоди мактаб дастурларига киритилган ва унинг асарлари севиб ўқиш келинган. Ойбек шеъриятининг гўзал намунаси ҳисобланган:

Нафис чайқалади бир туп наъматак,
Юксакда, шамолнинг беланчагида,
қуёшга кўтариб бир сават оқ гул.

Викорла ўшшайган қоя лабида-

Нафис чайқалади бир туп наъматак...

каби қуйма сатрлардан ташкил топган мафтункор ижод намунаси Фузулий шеъриятдан юккан юксак бадиийликнинг бир кўриниши бўлса ажаб эмас.

Ойбекнинг бошқа халқлар адабиётига бўлган ҳурмат-эътибори, муносабати, улардан ўрганиш, фикр-мулоҳазалари унинг адабий-танқидий мақолаларида ёритилган. Айниқса, "Адабиёт, тарих, замонавийлик", "Пушкин-рус халқининг улуг шоири", "Чехов ва ўзбек адабиёти" каби адабий-танқидий ҳамда "Менга янги дунёни кўрсатган адабиёт", "Маҳорат мактаби", "Адабиёт тўйи", "Ижод булоғингиз ҳамиша қайнасин!", "Улуг дўстимиз", "Ҳамиша яловбардор, ҳамиша устоз" сингари абадий лавҳалар шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Булар шунчаки ёзилган мақолалар эмас. Аксинча, уларда синчков адабиётшунос, холис танқидчи, изланувчи шоир ва адиб, адабиёт жонкуяри ва самимий дўст, қолаверса, Юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган Ойбекнинг мужассам қиёфаси намоён бўлган. Адиб ижодидаги ўзига хос хусусиятларнинг шаклланиш манбалари ҳам, ижодий ўсиш боришининг мураккаб жараёнлари ҳам мана шу мақолаларда маълум бир қадар аниқлашади.

Маълумки, шоир шеърларидаги соддалик Ойбекка шеърият деб айта олиш учун асосий хусусиятлардан бири саналади. Биргина мисолга эътиборни қаратайлик. Бунда шоир болалигини ва онасини хотирлаб шундай ёзади:

Еттинчи лампанинг олов тилчаси
қоронғилик бағрини аста тиларкан,...

эътибор қилинг. Нақадар бадиий мукамал, шоирона тасвир. Давом этамиз:

Тизингда бир дўппи, ё тўн жияги.
Ишлардинг тинмасдан, асло тинмасдан...
қаҳратон қиш... совуқ... титрар қўлларинг
Тутотлмас нинани... ўлик бир кеча.
Илиқ нафаслари сўнган танчага
Ётқизгач бизларни, очиб китобинг
Ўқирдинг ичингда. Мендан-да уйқу
қочарди: боқардим маъюс, жимгина,
Болалик севгим-ла-олтин сезгинг-ла...

¹ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами, 14-том, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1979. 304-305-бетлар. (Бу китобдан келтирилган кейинги парчаларнинг фақат саҳифасигина қавс ичида бериб борилади).

² Фузулий. Девон. Тошкент, 1961. 8-бет.

У онлар кўнгилдан ўчмайди мангу...

Бу мисраларда ҳеч қандай зўраки шеърий намоёиш йўқ. Шоир руҳиятининг қоғоздаги акси. Ураётган юрак ҳолатининг сўзлар воситасидаги табиий кўриниши. Бу кўриниш шу қадар соддалик билан берилганки, шеър деб аталмиш мўжизанинг сиру сеҳрига фақат ҳайратланиш мумкин, холос.

Бу соддалик, аввало, Ойбекка қон билан кирган туғма фазилят. Сўнг халқ оғзаки ижодининг таъсирини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Лекин яна қўшимча маълумотлар Ойбекнинг ўз ёзганларида мавжудки, бу эса масалани янада ойдинлаштиради.

"Янги турк поэзиясининг асарлари мени илк марта лирик соддалик йўлида изланишга ўргатди,-деб ёзади Ойбек. -Мен турк поэзияси билан техникумнинг студенти бўлган йилларимда танишдим Ўша пайтда Бокуда Яхё Камол, Ризо Товфиқ, Абдулҳақ Ҳамид ва бошқа бир неча турк шоирларининг асарлари нашр қилинганди. Бу асарлар менинг ҳам кўлимга тушиб қолди... Муҳим ва мураккаб нарсалар ҳақида соддагина қилиб сўз айтиш мумкин экан. қалбни забт этган ҳис-туйғуларни, чуқур лиризмни ифода этмоқ учун дабдабали шакл шарт эмас. Ахир кўнгил қўйган қизга "севаман" деб айтмоқ учун беқасам тўн кийиб келиш зарур эмас-ку... Шунинг учун тилдаги соддалик оддий халқ саройига йўлатилмагинидек, поэзияга ҳам йўлатилмасди. Амалда эса чинакам жозибадорлик ана шу соддаликда эди".

Айтиш мумкинки, Ойбекнинг қардош халқлар адабиёти билан танишилса ва адабиётларнинг ҳам унинг ижодий изланишидаги таъсири анча эрта-ижодининг дастлабки йиллариданоқ бошланган. Сўнг умрининг охиригача бу адабиётларнинг доираси кенгайиб, ижодий ҳамкорлик янада чуқурлашиб борган. қувончидан суюнувчи, дарду ғамидан қувонувчи икки халқнинг чин қардошлик ифодасига айланган.

Қозоқ халқининг улуғ адиби Мухтор Авезовнинг 60 йиллиги муносабати билан ёзган мақоласида ҳам айнан шу жиҳатлар яққол сезилиб туради. "Мен йигитлик вақтимдаёқ Мухтор оғани танидим ва чуқур, жуда чуқур ҳурмат қиламан, - деб ёзади Ойбек. -Драмалари чуқур мазмунли, ёрқин образли, тили тоза ва жонлидир. Мен астойдил берилиб, севиб ўқирдим, ўргандим, асарларида қозоқларнинг ёқимли, ўткир фольклорини кўрдим. Тоза, ёрқин образлари менда чуқур таъсир қолдирди. "Мен қозоқ халқининг адабиёти билан фахрланаман. Мухтор Авезов яратган ажойиб Абай образи менда чуқур таъсир қолдирди". (312-бет).

Бу таъсир, бизнингча, шундан иборатки, Ойбек аввало қозоқ халқининг аянчли тарихини жонли ҳис қилган, унда зулм ва зўравонликка қарши нафрат, оддий меҳнаткашларга меҳру муҳаббат ва ачиниш ҳисси ошган. Абай тимсолида эса халқпарварликнинг, эзгуликнинг юксак намунасини, ижодкорнинг жамиятдаги, халқ тақдиридаги ўрнини юракдан ҳис қила олган. Шунинг учун ҳам Ойбек Абай ҳақидаги фикрларини қуйидагича ҳисоблайди: "Эзилган, уқубатда ётган, занжирбанд қозоқ халқининг тақдири учун Абай йиғлаган, бутун умри халқ ғамини ташиган, жафо чеккан, қайғурган... Унинг юрагида халқ муҳаббатини, халқ ғами, халқ бахти; Абай ҳаётнинг жабру зулминини кўрди, улуғ дарё каби тўлиб оққан ҳаётини халққа бағишлади". (313-бет)

Ойбек қозоқ адабиётининг бир қанча вакиллари билан, айниқса, Собит Муқонов билан дўстлик муносабатларини ўрнатган эди. Бу дўстлик ҳақида ёзувчи Носир Фозилов ўзининг "Устозлар даврасида" номли китобида айрим лавҳаларни қайд қилган. Собит Муқонов "Туғишганимга" номли шеърида:

Янги роман ёзиш учун Ойбекка

Адиб дўсти соғ-сиҳатлик тилайди,-

деб ёзган эди.

Ойбекнинг қардош қозоқ юрти, эли ва адабиёти билан боғланиши жуда эрта бошланган. "Отам билан тез-тез бориб турадиган қозоғистонда, она юртим ва турли ерларда эшитган кўпгина кўшиқ ва афсоналар хотирамда сақланиб қолган,-деб эслайди

Ойбек. –Айниқса, қозоғистон чўлларида отда кезган вақтларимдаёқ уйғонган ҳиссиётлар мени ўзига мафтун этган, бу тўғрида ижод қилишга мени илҳомлантирган эди. Ўша вақтда эшитганим, Тошкентлик савдогар томонидан сотиб олинган гўзал қозоқ қизи ва Тошкентда ҳунармандлар ва батракларни бойга қарши оёққа турғизиб, ўз севгилисини озод қилган халқ оқини тўғрисидаги ажойиб эртак ижод булоқларимни мавжга келтирди. Бунинг натижасида 1934 йилда "Бахтигул ва Соғиндиқ" поэмаси дунёга келди". (14-бет).

Адабиётшунослигимизда бу дostonнинг "қутлуғ қон" романига айрим жиҳатлари билан асос бўлганлиги қайд этилган. Ойбек ижоди билан жиддий шуғулланган олим Ҳомил Ёқубов адиб ҳали ҳаётлигида чоп этилган китобида ёзади: "Бахтигул ва Соғиндиқ" поэмаси образлари ҳам "қутлуғ қон" романида ўзгарган ҳолда пайдо бўлади. Ҳар хил халқлардан ташкил топган Отабой қаролларида Мирзакаримбой қаролларининг баъзи хусусиятларини топиш мумкин бўлса, Отабой образи билан кўйчибой Жамол образи кўп жиҳатдан бир-бирини тўлдирди. Отабойнинг хотини Зиннат образи Мирзакаримбойнинг хотини ва қизи образларида ўстирилди ва мукаммал тип ҳолига келтирилди. Бахтигул-Гулнор, Соғиндиқ-Йўлчи ўрталарида қандайдир бир ўхшашлик борлигини инкор этиб бўлмайди"³.

Таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов ҳам бу дostonларнинг (яъни бу ерда "Ўч" дostonи ҳам назарда тутиляпти) "қутлуғ қон" романига "хамиртуруш" бўлиб хизмат қилганини тасдиқлайди. Шу ўринда "Бахтигул ва Соғиндиқ" дostonидаги қуйидаги тасвирга эътиборни қаратайлик:

Мана "қарқара". Шамол, чанг, шовқин.
Ясанган миқти қозоқ бойлари.
От жабдуқлари кумушдан бутун.
Чорвадор бойлар-гердайдан бари.

"қарқара" қозоқларнинг мол бозори. Лекин бу ерда инсон ҳам сотилади. Етимча қиз Бахтигул худди шу бозорда Отабой томонидан чўри сифатида сотиб олинади. Унинг ҳуқуқи бутунлай поймол қилинади, номуси топталади. Энди "қутлуғ қон" романидан олинган қуйидаги бир парчага диққат қилайлик: Унда ёшгина қирғиз йигити Ўрознинг тақдири ҳақида шундай ёзилган: "Бундан саккиз йил аввал, у ўн етти яшар ўспирин экан, "қарқарага" қатновчи бир кўйчи бой йилига саккиз сўмдан ёллаб, Тошкентга келтирган. Бойникида уч йил ишлаган, лекин бутун маҳрумийатларга кўниқса ҳам, таёққа чидай олмаган. Ўз юртига қайтишга бир йил қолганда хўжайини билан аччиқлашиб, бошқа бир ер эгасига қарол ёлланган. Янги хўжайинида ҳам икки йил ишлаб ажралишга мажбур бўлган. Сўнг яна бир неча бойларда саргардон кезган. Юртига қайтишга имкон топа олмагач, ниҳоят, ўтган йил Мирзакаримбойга қарол бўлиб ёлланган, уст-боши кир, увода бўлишига қарамай, чиройли, хушфёъл, ёқимтой йигит эди"⁴.

Эътибор қилинг - дostonда ҳам, романда ҳам "қарқара" бозори-инсон савдоси ҳақида гап борапти. Бу инсоннинг оёқ ости қилиниши. Бундан ортиқ ҳақорат, таҳқир, бу қадар тубанлик борми инсон учун?!

Тақдири бир бўлган қардош халқларнинг бу каби фожеаларига бефарқ қаролмаган Ойбек бу каби чиркин иллатларни адабиётга олиб кирди, ҳаётнинг ҳаққоний манзарасини бадиий бўёқларда чизиб қолдирди.

Ойбекнинг улуғ туркман адиби Берди Кербобоевга ёзган табрик мақоласида қуйидагиларни ўқиймиз:

"Азиз оға, буюк қалбингиз билан яратган асарларингизда мен туркман халқининг олижаноблиги, туркман мамлакатининг гўзаллигини, маданияти ва тараққиёти кундан-кун юксак чўққиларга кўтарилаётган туркман халқининг порлоқ ҳаётини кўраман. Тақдири бир бўлган халқимиз каби адабиётимизнинг ҳам манбаи бирдир"(337-бет).

³ Ҳ.Ёқубов. Ойбек. Тошкент, 1959. 69-бет.

⁴ Ойбек. Қутлуғ қон. Тошкент, 1975, 50-бет.

Мана шу тақдири бир бўлган, адабиётининг манбаи бир бўлган халқларни Ойбек доимо биргалик туйғуси билан қадрлаган ҳаётининг яхшиланишини истаган, адабиётининг юксалишидан қувонган.

Умуман, Ойбекнинг ўзга халқлар адабиётига бўлган самимий муносабатини ва ўзаро таъсир борасидаги фикрларини махсус ўрганиш кенг қамровли масалалардан биридир. Биз мазкур мақолада Ойбекнинг фақат туркий халқлар адабиётига бўлган қарашларининг маълум бир қисминигина ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Мақоламизнинг бошида "Инсониятнинг юксалиш учун ҳам адабиёт юксалиш зарур. Мана шу зарурият адабиётларни бирлаштиради",-деган фикрни қайд қилган эдик. Мана шу масъулятли ва эзгу йўлда Ойбекнинг ҳам ўзига хос қутлуғ қадами бор.

Ҳамид Олимжоннинг бахт фалсафаси

Бахт ҳақида қанчалик шеър кўп бўлмасин, лекин маълум бир даврнинг байроқ бўларлик ижод намунаси доимо санокли бўлиб келган. Бундай шеърлар ҳар қандай шоирга ҳам насиб қилавермайди. XX аср ўзбек шеърятига шу жиҳатдан назар ташлайдиган бўлсак, тилларда ёд бўлиб кетадиган, ғурур ва фахр туйғуси билан айтиладиган, минбарлардан доимо янграб турадиган, давр нафаси билан ураётган юракларга кўтаринки руҳ бағишлайдиган, эл орасида бирдай севимли бўлиб қоладиган ижод маҳсулининг дастлабки намуналари Ҳамид Олимжон қаламига мансуб, десак асло муболаға бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, Ҳамид Олимжоннинг “Деразамнинг олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади” сатрлари билан бошланадиган шеърини билмаган ва ундан таъсирланмаган, ҳеч бўлмаганда кўшиғини тингламаган, айниқса,

Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сиққанича ол.
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол.

мисралари оҳангида юраги гўзал ҳис-туйғулар оғушида қолмаган биронта шеърият ва санъат шайдоси топилмаса керак. Ё бўлмаса, “Бахтлар водийси” шеърини олайлик.

Kўm-kўk,
Kўm-kўk,
Kўm-kўk...
Kўklam куёшидан
кўкарган қирлар,
Пўлат яғринларни
Кўтарган ерлар
Kўm-kўk!..

Ахир бу шеър нафақат шоир ижодини, айти пайтда 30-йиллар шеърятининг байроғи даражасига кўтарилганлигини тадқиқотчилар қайд қилиб ўтишган.

Ҳамид Олимжоннинг бу каби машҳур ва севимли бўлиб кетган шеърлари ижодининг умумий ва ўзига хос хусусиятларини белгилаб берган эди. Шунинг учун ҳам атоқли адабиётшунос олим Салоҳиддин Мамажонов таъкидлаганидек “Ҳамид Олимжон ижоди тўғрисида кимки фикр юритса, шоирнинг бахт ва шодлик куйчиси эканлигини таъкидламасдан ўтмайди”. (С.Мамажонов. Шоир дунёси. Тошкент, 1974, 94-бет).

Шоир ижоди билан танишган ҳар бир китобхон, албатта, бу энг тўғри ва ҳаққоний баҳо эканлигини қалбдан ҳис қилади. Шоирга берилган бу нисбат унинг ҳаётлигидаёқ шаклланиб улгурган эди, десак ҳақиқатан йироқ бўлмайди. Чунки Ҳамид Олимжоннинг 1940 йилда чоп этилган “Бахт” номли тўплами юзасидан айтилган фикрлар, айниқса, Ойбекнинг чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб билдирган асосли мулоҳазалари бuni бир

кадар исботлайди. Қолаверса, шоир ҳаётининг сўнгги йилида нашр этилган “Танланган асарлар”и сўз бошисида (муаллифи Уйғун) Ҳамид Олимжон ижодининг умумий хусусиятига ўчмас муҳр босилгандай эди. Мақола “Шодлик ва бахт куйчиси” деб номланади. Бу, албатта, муаллиф томонидан ўша давр сиёсатига атайин мослаб қўйилган эмас. Шоир ижодидан сизиб чиққан бу ном.

Шодлик йўлга бошлади мени,
Бахтиёрлик бўлди одатим.
Шоир бўлиб шодлик ва бахтни
Куйламаклик зўр саодатим.

Шунинг учун ҳам шўро тузумининг кўз илғамас ёлғонлари рўй-рост очилган ва муносабатимиз, фикримиз бутунлай ўзгарган мустақиллик даврининг дастлабки йилларидаёқ Ҳамид Олимжон ижодига қандай ёндошиш кераклиги тўғрисидаги масаланинг ҳам келиб чиқиши табиий эди. Шоирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида тадқиқот олиб борган етук адабиётшунос олим Наим Каримовнинг кейинги изланишлари аччиқ ҳақиқат бўлса ҳам, шоир ижодини қандай қабул қилиш кераклиги тўғрисидаги энг тўғри ва асосли хулосалардан бири сифатида эътироф этилди ва дарсликларга ҳам киритилди. Ундан энг характерли жойини келтириб ўтмоқчимиз. “Адолат ҳаққи, шуни айтиш керакки, - деб ёзади олим, - бу даврда янги тузумга, коммунистлар фирқаси белгилаб берган режаларга, қолаверса, сталинча қирғин-баротнинг тўғрилигига ишонган ўзбек ёзувчилари орасида Ҳамид Олимжон ёлғиз эмас эди. Лекин ҳеч ким ижодда Ҳ.Олимжондек самимият ва изчиллик билан янги тузумга хизмат қилмаган”. (XX аср ўзбек адабиёти. 11-синф учун дарслик, Тошкент, 1995, 229-бет).

Ҳақиқатан ҳам, синчков олимимизнинг юқоридаги фикрида янги тузумга хизматнинг фақат Ҳамид Олимжонгагина хос бўлган хусусияти таъкидланганки, айнан шу хусусият билан хулоса чиқаришга ишора қилинган. “Лекин” сўзи билан урғу берилган охириги жумлани агар синчиклаб ўқиб, мағзин чақсангиз, шоир шеърини боғининг эшиги доим очиқ туришга ҳақли эканлигини ундаги биргина сўз билан англаб оласиз. У ҳам бўлса – “самимият”. Шу нарса аёнки, самимият бўлган жойда, табиийки, сохталикка ўрин қолмайди. Демак, Ҳамид Олимжон ижоди сохталикдан бутунлай йироқ. Аммо бу самимият, афсуски, сохта тузумга тўғри келди.

Ҳамид Олимжон шеърини жиндай шодликдан ҳам тўлиб-тошадиган бахтга ташна бир юракнинг шукронасидир. Бундай юрак соҳибининг руҳи албатта, кўтаринки бўлади. Руҳият эса ташки таъсир маҳсули. Шунинг учун ҳам Ҳамид Олимжон руҳиятидаги кўтаринкиликни ўша давр воқелигидаги ўзгаришлардан, ижодидаги кўтаринликни эса ўша давр оҳангининг шеърини ифодаси, деб билмоқ инкор қилиб бўлмайдиган табиий бир ҳолатдир. Ахир адабиётнинг ижтимоийлиги ҳам шунда. Лекин давр мафкураси қолипи билан шоир ижодининг айнан мана шу ижтимоий томонига урғу берилганлиги ҳаммамизга сир эмас. Бунинг оқибатида шеърининг равлонлигини, таъсирчанлигини таъминловчи, юракни сеҳрлаб эстетик завқ берувчи, шоир маҳоратини белгиловчи бадиий унсурларга ижтимоийликни ифодалаш учун кўмаклашувчи бир восита сифатида қаралганлиги маълум. Бу билан биз аслида шеърни шеър қилувчи бадиийликдир ва ҳар қандай илғор ижтимоий эзгу ғояни илғари сурувчи асар ҳам бадиий жиҳатдан етук бўлмагунча адабиёт мулкига айлана олмайди, - деган фикрни ижтимоийликка қарама-қарши қўймоқчи эмасмиз. Чунки бир дарахтнинг гуллаб яшнаши учун қуёш ва сув қанчалик зарур бўлса, ижтимоийлик ва бадиийлик ҳам асар учун айнан шу кабидир. Шунинг учун ҳам икки жиҳат бир бутун бўлгандагина шеър мукамалликка юз тутиши мумкин. Биз “юз тутати” демадик, “юз тутиши мумкин” дедик. Қачон юз тутати? Қачонки шоир туғма истеъдод ва муҳим фазилятлар соҳиби бўлсагина. Хулосага мойил бу фикрни бекорга алоҳида таъкидлаб айтмадик. Чунки айнан Ҳамид Олимжон шахси ва унинг ижоди юксак истеъдодни ва муҳим фазилятларни ўзида намоён қила олган эди.

Ҳақиқий шоир ва ҳақиқий шеърят талаби даражасига кўтарилган куйидаги таъриф эса Ҳамид Олимжондаги истеъдод ва муҳим фазилатлар меваси бўлган бахт ва шодликни тараннум этувчи шеърларининг эътиборли бир жиҳати ҳақида фикр юритишга ундайди. “Чинакам шоир, - деб ёзган эди Озод Шарафиддинов, - биринчи навбатда мутафаккирдир, ҳаёт ҳақида фикрловчи, унинг устидан ҳукм чиқарувчи файласуфдир, чинакам поэзия эса ҳамма вақт ҳис-туйғуга айланиб кетадиган фикрдан ёки фикрга айланган ҳис-туйғудан иборатдир. Чинакам поэзия ҳамиша чуқур фалсафий умумлашмаларга бой бўлади” (Озод Шарафиддинов. “Биринчи мўъжиза”. Тошкент, 1979, 174-бет).

Ҳамид Олимжоннинг “Бахт” тўплами ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган Ойбек домла айнан мана шу жиҳатини ҳам алоҳида қайд қилиб ўтган: “Бахт” китобида шоир гўё “Бахт фалсафаси” ҳақида гапиради, - деб ёзади адиб. – Эксплуатация, жабр-зулум ҳукм сурган даврларда халқ ва унинг асл фарзандлари учун бахт бўлиши мумкин эмасди. “Бахтимиз тарихига” деган шеърида шоир шуни ёзади:

Бенаво, танҳо Фузулий зор бирла оҳида,
Ўрганиб қоврилди доим қайғу оташгоҳида.
Ҳам Навоий бир умр айрилмади Фарҳодидин,
Барча оламни ўтантирди унинг ҳар додидин.

Ахтариб ўтди жаҳондин ҳеч бири бахт топмади,
Бахт баҳори ҳеч бирин устига бахмал ёпмади.

(Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами, 14-том. Фан нашриёти, Тошкент 1979, 201-бет).

“Шоирларни кўп ўқиб чиқдим” – деб бошланадиган “Шодликни куйлаганимнинг сабаби” шеърида Фузулий ва Навоийни яна бир бор тилга олади ва давом этиб ёзади:

Лермонтовни ташламадим ҳеч,
Ахир қўйиб, олдим Ҳофизни.
Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч,
Йиғлаб турган бир черкас қизни.

Шекспирдан сўрадим савол,
Жавобини келтирди Хайём:
“Чунки ғамга ошнодир ҳол,
Қайғу билан тўлиғдир айём”.

“Шоир назарича, ҳамма нарсанинг асосида Озодлик ётади, бахтнинг энг улуғи ҳам инсоннинг озод бўлишидир. Шунинг учун ҳамма нарсани у “озодлик деган зўр бахт” (“Дон чироқлари”) мезони билан ўлчайди, у билан изоҳлайди. Шундан келиб чиқиб, Ҳамид Олимжон ўтмиш ижодкорларининг асарларида кўкка кўтарилган қайғу ва фарёд тутунларини вужудга келтирган нарса халқнинг қулликда яшашидир, уларнинг хор-зор, ҳуқуқсиз ва бахтсиз ҳаёт кечиришидир, деган хулосага келади”. (С.Мамажонов. “Шоир дунёси” 97-бет).

Ҳамид Олимжоннинг “Бахт тўғрисида” шеъри ҳам ўз номи билан ҳам эътиборни тортади. Унда шундай сатрлар бор: “Кўпни кўрган қари дунёда Бахт ахтариб кўплар ўтдилар”, “Лекин кўрди фақат тобутни”, “Лекин келиб кучарди мотам”. Мана шу “лекин”ларидан келиб чиқадиган хулоса ҳам айнан юқоридаги фикрни тасдиқлайди:

Бахт топилмас ҳеч бир замонда
Эл қул бўлса, бўлса яланғоч.
Жаннатларни яратган одам
Натижада ўзи қолса оч.

Сен ўзингни бахтли дедингми?
Опа, сен ҳам одам эдингми?
Чимилдикда эрни кўрганда,
Тутқинликка бўлганда банда,
Қанча ожиз, қанчалик ҳақир,
Қанчалик кўр, қанчалик фақир
Бўлганингни билганмидинг ҳеч?

Салқин саҳарларда
 уйқудан турган,
 Булоқ сувларига
 юзини ювган,
 Мармар ҳаволарнинг
 қўйнига чўмган.
 Зилол бўшлиқларга
 кенг қулоч қўйган,
 Истиқдолнинг
 ишқи билан
 ёнган далалар

Бунда булбул китоб ўқийди,
Бунда куртлар ипак тўқийди,
Бунда ари келтиради бол,
Бунда кушлар топади икбол...

Агар биз хулоса қилиш учун очиқ кўз билан қарайдиган бўлсак, бу шеър 1939 йилда ёзилган – Ўзбекистон тарихининг бу даври катогонлар қони тўкилган тупроқ ҳали қотиб улгурмаган йиллар. Ҳамид Олимжон ишонган шахс эркинлиги, ватан озодлиги айнан шу йилларда кўпроқ жиловланган эди. Мана шундай муҳитда бу қадар кўтаринки руҳ ва илҳомни олиш учун шоир юраги ўта романтик орзуларга тўла бўлиши ҳам керак. Агар бу фикримиз ҳақиқатга яқинроқ бўлса, шоирнинг бахт ва шодликни қуйловчи шеърлари ўз давридан юқорироқ тура олишини белгилайди. Қолаверса, шоирнинг ижоди шунини

тасдиқлайдики, бахт бу – шахс эркинлиги ва ватан озодлигидир. Зеро, бу фалсафий тушунча жамиятда мавжуд экан, Ҳамид Олимжоннинг бадиий мукамал шеърлари ҳам ўз қимматини йўқотмайди ва ҳар бир даврда ўз ўрнини топиб бораверади.

Тоғлар ўлкасининг тоғдек шоири

Бир миллатнинг жаҳонга танилиши турлича кечади. Лекин илмий ва бадиий тафаккур кучи билан танилган миллатнинг пойдевори кудратли ва мустаҳкамдир. Чунки тафаккур кудрати мангуликка даҳлдор. У ҳар бир даврда ўз таъсирини кўрсатиб туради ва буюк талантлар етишиб чиқади. Шулардан бири ўз ижоди билан жаҳон бадиий тафаккури хазинасига муносиб ҳисса қўшган авар шоири Расул Ҳамзатовдир. Бу ном кичик бир ўлка Доғистонни дунёга танитди.

У 1923 йилда Хунзах районида қарашли Цада қишлоғида туғилди. Отаси Ҳамзат Цадаса халқ шоири эди. У ўғли Расулни ёшлигиданоқ тоғдаги лочиндек мардликка, мустақил ва юксак парвоз қилишга ўргатди. "Она алласи билан Расул қалбига поклик, мардлик туйғулари, юксак тоғлар меҳри, халққа садоқат, адабиётга муҳаббат ҳислари кирди, болалигиданоқ юксак қояларга, лочин парвозига ҳавас уйғонди. У ўн уч - ўн тўрт ёшларида шеър тўқий бошлади. Ўн олти ёшида ўзини шоир деб билди. Ўн саккиз ёшида Бўйноқда педагогика билим юртини битиргач, аввал ўқитувчи, сўнг актёр, мухбир сифатида фаолиятини бошлади".¹ 1943 йилда унинг "Оташин севги ва ёндирувчи ғазаб" номли илк шеърлар тўплами босилиб чиқди. 1945 йилда у Москвадаги Адабиёт институтига ўқишга кирди. Бу даргоҳда таҳсил олиш унга адабиётнинг сирли оламини чуқурроқ ўзлаштиришга, рус ва бошқа халқлар, ҳатто жаҳон адабиёти билан танишишга имкон яратди. Маҳоратини ошириб бориши, миллий адабиёт анъаналарини ўзлаштириши, халқ оғзаки ижодидан таъсирланиши, халқ руҳиятини ўзига сингдириши натижасида янги, ўзига хос овоз билан жиддий ва баракали ижод қила бошлади. Йилдан-йилга китобхонлар эътиборини торта борди ва уларнинг севимли ижодкорларига айланди. Шоирнинг "Бизнинг тоғлар", "Менинг ерим", "Тоғлиқлар ватани", "Улуғ оға қиссаси", "Доғистон баҳори", "Чегара", "Севги китоби", "Овулдан хат" каби шеърый тўпламлари авар тилида ва кўпчилиги рус тилида ҳам чоп этилиб, аввало, ўз юртининг, қолаверса, бутун қардош халқларнинг севимли китоблари қаторидан ўрин олди. Бу тўпламларга кирган шеърлар миллий оҳангнинг кучлилиги ва умуминсоний, умумбашарий ғояларнинг етакчилиги қилиши билан эътиборни тортади. Шоирнинг ҳар бир тўплами адабиётнинг навбатдаги ютуқларидан бири сифатида қабул қилинди. Шоир "Менинг қалбим тоғларда", "Зарема", "Доғистон юлдузлари", "Хиросима кўнғироқлари", "Аёл қўлларини ўпаман", "Тоғ қизи" каби достонларнинг ҳамда "Доғистоним" номли фалсафий-публицистик қиссанинг муаллифи ҳамдир. Айниқса, кейинги икки асарнинг шуҳрати кенгроқ ёйилди. Бу эпик асарларининг айримларида мавзулар миллий воқелиқдан олинган бўлса, баъзиларида барча халқлар учун аҳамиятли бўлган даврнинг муҳим масалалари ёритилади. Лекин, биз қайд қилиб ўтган лирик шеърларига хос хусусият каби достонларида ҳам умумбашарий ғоялари асар маъзига сингдириб юборилган. Умуман, шеър ва достонларида дўстлик, тинчлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, севги ва садоқат каби ғоялар юксак бадиий билан илгари сурилган. Лекин бу ғоялар ҳаёт қарама-қаршилигини тасвирлаш воситасида улуғланади. Натижада китобхон қалбида муҳаббат уйғотибгина қолмай, балки нафрат туйғуларини ҳам кўзғотади. Уларни эзгулик сари қурашчанликка чорлайди. Бу инсонларни қомиллик даражасига кўтаришга, халқларнинг тенг, тинч, дўст бўлиб яшашига, гўзал жамият қуришига, умуман олганда, инсоният келажагининг бахтли бўлишига қаратилган чорловдир. Шунинг учун Расул Ҳамзатов шеърини миллий чегараларни ёриб чиқди.

¹ Расул Ҳамзатов. Бир хонадон фарзандлари. Тошкент -1982. 5-бет

Расул Ҳамзатов ўз ижодида шоирликнинг яна бир муҳим бурчларидан бирини меҳр-муҳаббат билан адо этди. Бу эса-таржимонликдир. У рус адабиётининг А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.В.Маяковский, И.С.Тихонов каби етук шоирлардан бошлаб, барча қардош халқлар адабиётининг кўзга кўринган вакиллари ижодидан ҳамда жаҳон адабиётининг сара асарларидан таржималар қилди. Ўз халқини она тилида, яъни авар тилида бошқа халқлар бадиий тафаккури намуналаридан баҳраманд этишга муносиб ҳисса қўшди. Шунинг баробарида шоир асарлари ҳам жуда кўп тилларга таржима қилинган.

Расул Ҳамзатовнинг юксак талант билан яратилган шеърлари, уларнинг давр кишиларини ғоявий ва бадиий-эстетик жиҳатдан тарбиялашдаги таъсири ва ривожига қўшган хизматлари ўз давридаёқ муносиб тақдирлаб келинди. Шоир "Туғилган йилим" ҳамда "Юксак юлдузлар" номли шеърий тўпламлари учун 1952 ва 1963 йилларда собиқ Иттифокнинг энг юксак мукофотларига сазовор бўлган. 1974 йилда эса унга Меҳнат қаҳрамони унвони берилди.

Расул Ҳамзатов нафақат жўшқин ижоди билан, балки адабиёт жонкуяри сифатида ҳам умрининг охиригача тинимсиз фаолият кўрсатиб келди. Адабиётлар дўстлиги, халқлар дўстлиги учун қайғурди. Қардош халқларнинг ва адабиётининг тараққиёти учун бир қадар ишларни амалга оширди. Жаҳон адабиёти вакиллари билан боғланишга, улар билан бир сафда бўлишга, муаммоларни биргаликда ҳал қилишга - шу каби эзгу ишларни жонлантиришга ўз меҳнатини аямади. Шу ўринда бир фактни ҳам қайд этиб ўтиш жоиз, у "Жаҳон адабиёти кутубхонаси" туркумининг ҳайъат аъзоси сифатида муносиб ижодкорларнинг ва етук асарларининг мангуликка муҳрланиб қолиши учун ҳалол хизмат қилади.

Шоир қалби қувончларини яширолмайди, лекин ҳаётнинг ўзига кўрсатаётган жабру жафоларини эса ичига ютади. Алишер Навоий сўзлари билан айтганда:

Менга қилса минг жафо бир қатла фарёд айламам,
Элга қилса бир жафо минг қатла фарёд айларам.

Расул Ҳамзатов умрининг охириги йилларида ёзган "Кенжа набирам Шаҳрибонуга" номли шеърида шундай дейди:

Дўстларни кўрдим мен - имонсиз тақир,
Душманлар йўлимни тўсди ғов бўлиб.
Сен нега йиғлайсан? Йиғлай мен, ахир,
Ўпкам йиғиларга кетди-ку тўлиб.²

Мана шундай қалб соҳиби, адабиёт боғидаги чинордай басавлат, улкан ижодкор Расул Ҳамзатов 2005 йилда вафот этди. Лекин унинг адабий мероси ўлмасдир.

Расул Ҳамзатов шеърияти бир жиҳатдан олганда ўз ватанини, ўз миллатини улуғловчи шеъриятдир. Бу жасоратли шоирларгагина бериладиган баҳо. Чунки "ўз" деган сўз таъкидланяпти бу жумлада. Бунинг моҳиятини чуқурроқ англаб етиш учун шоир ижодига яшаган даври хусусиятларидан келиб чиқиб билдирилган фикрларга эътибор қаратишимиз керак бўлади.

"Шеърият оламига 50-йилларнинг бошида кириб келган Расул Ҳамзатов жуда қисқа муддатда шуъласи дунёнинг ҳамма бурчларида кўриниб турадиган биринчи даражали шеърият юлдузига айланди, - деб ёзади даврнинг етук танқидчиси Озод Шарафиддинов. Унинг шеърияти, эллардан, юртлардан, дарёлару тоғлардан, сарҳадлардан ва энг муҳими, улардан ҳам баландроқ қилиб қурилган темир пардалардан ошиб ўтиб, одамларнинг ташна қалбларига малҳам бўлди, юмуқ кўзларнинг очилишига, мудроқ қалбларнинг уйғонишига сабаб бўлди.

² "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси. 2003 йил, 19 сентябр.

Аввалига Расул Ҳамзатов, кейин унинг қаторига Қайсин Қулиев, Довид Кугильтинов, Мустай Каримлар келиб қўшилди. Бироз кейинроқ уларга Ўлжас Сулаймонов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов жўр бўлди. Улар шундай бир қудратли шеърият яратдиларки, бу шеърият миллионлаб одамларнинг қалбида, онгида чинакам инқилоб яратди. Уларнинг миллий ифтихор туйғуларини юксакликка кўтарди. Гап шундаки, Шўролар замонида юритиладиган миллий сиёсат энг адолатли, энг доно, энг самарали сиёсат сифатида минг кўйга солиниб мақталинса-да, аслида ғайри расмий ҳолда халқлар, миллатлар катта-кичикларга ажратиларди. қайси бир миллатлар "улуғ" ҳисобланар, бошқаларга "ака" ҳисобланар, қайси бирлари эса тўғридан-тўғри "майда миллат"- "нацмен" деб қараларди. Табиийки, "Улуғ миллатлар ҳар жиҳатдан олдин, илғор, ижодда ҳам пешқадам, "нацмен"лар эса нима десак бўларкин - ҳа, энди, шолининг кетидан сув ичиб юрган бир курмакдай гап эди. Уларни ҳар нарса қилиш мумкин эди - ҳатто иссиқ жойларини совутиб, бутун-бутун халқларни ёппасига сургун қилса ҳам бўлаверади. Мана шундай шароитда Расуллар, қайсинлар, Эркинлар ва Абдуллалар ўзлари яратган том маънодаги юксак шеърияти билан бир томонлама қарашларни чиппакка чиқардилар, "нацмен"лар ҳеч қайси жиҳатдан биронта "улуғ" миллатдан кам эмаслигини, ижод бобида энг юксак чўққиларни ҳам забт эта олишини исбот қилдилар".³

Бу каби шоирлар, аввало, ўз ватанига, ўз миллатига бўлган чексиз муҳаббатини ошкора ёздилар, улуғладилар, фахрландилар. Она ватан деган тушунчанинг моҳиятини бадиий ифодаладилар. "Ҳа, мен тоғдаги ирмоқман, - деб ёзади Расул Ҳамзатов. - Мен ўз манбаимни, ўз булоғимни, ўзимнинг тошлоқ ўзанимни яхши кўраман. Мен сувларим ўтиб келадиган дараларни, кумуш шалола билан тўкиладиган қояларни, сокин текисликларни яхши кўраман".⁴ Доғистон - тоғлар ўлкаси. Шунинг учун ҳам у ўзини тоғдаги ирмоққа ўхшатапти. Ирмоқни тоғдан ажратиш мумкинми. Яна у ўз манбаини, ўз булоғини, тошлоқ ўзанини яхши кўрса. Нима учун у ўз муҳаббатини чўллардаги қумларга кўмиб қўйиши ёки ўткинчи шамолларда учуриб юбориши керак?! Чин муҳаббатгина инсонга жасорат бағишлайди. "Доғистоним" китоби ана шундай қайноқ муҳаббат заминида яратилди. "Р.Ҳамзатовнинг бу китоби, - деб ёзади ўша даврнинг етук адабиётшуноси Георгий Ломидзе, - эҳтиросга, баҳсга, ҳаяжонга бой. Асар сарлавҳасининг ўзиёқ - "Доғистоним" - мунозаравий тусга эга... Бирор демагог одам Р.Ҳамзатовни миллий маҳдудликда айблаши ҳам мумкин. Нечук у бутун Ватан ҳақида эмас, фақат Доғистон ҳақида ёзади? Ҳа, Р.Ҳамзатов ўз туйғуларини, муҳаббатини яширмайди. У биринчи марта мурғак қалбида хавотирлик билан бўронлар ва синовлар сари кадам қўйган тупроқ, боши устида кўрган осмон, у онасининг оғзидан илк бор эшитган она тилининг оҳанглари унинг учун бениҳоя азиз ва ардоқли. Болалик, ўсмирлик, ёшлик чоғинг билан боғлиқ бўлган нарсаларни, сенга куч берган, ҳаётнинг улкан ва эзгу йўлига отлангирган нарсаларни севмаслик мумкин эмас".⁵

Шоир ижодидаги ватан ва ватанпарварлик тушунчаси муҳаббат билан йўғрилиб кетган. Бири иккинчисиз яшай олмайди. Ватанда табиийлик бор, муҳаббатда эса самимийлик. Бу икки куч "Доғистоним"ни қора булутлардан асраб қолди. Асраб қолдигина эмас, ўзига хос ҳам наср, ҳам назм, жанрлар ҳам, хусусиятлар ҳам бир-бирига қоришиб кетган яхлит ва тугал бу асар Р.Ҳамзатов шухратини янада оширди. қолаверса, шоир бутун дунё миқёсида фикрлайди, хулоса чиқаради. Шоирлик масъулияти унинг она юрти Доғистон ва жонажон халқи доирасида қолиб кетмайди. Шунинг учун ҳам у юксак минбардан туриб: "Ҳа, мен поэзияман, мен бутун сайёрага нур сочадиган куёшман, мен - ўзининг миллатини ўйламай, бутун замин устига ёғадиган ёмғирман, мен-ер шарининг ҳамма бурчакларида бирдай гуллайдиган дарахтман", - деган эди.⁶

³ Расул - шеърият элчиси. Ўша газета.

⁴ Георгий Ломидзе. Буюк муштараклик туйғуси. Тошкент-1980, 113-бет.

⁵ Георгий Ломидзе. Кўрсатилган китоб. 109-110-бетлар.

⁶ Георгий Ломидзе. Кўрсатилган китоб. 111-112-бетлар.

Шоирнинг ватан ҳақидаги шеърларида дард бор, армон бор:

Доғистоним, ахир мен сенга
Сигинмайми, севмайинми, айт.
Турналарнинг сафидан нега
Хайрлашиб кетган куш бўлай.

Одамлар не берса, Доғистон,
Барин Сен-ла кўрурман баҳам,
Этурман мен тоғингга нишон
Барча орден, медалими ҳам.

Бахш этурман жарангдор гимн
Ва шеър бўлган сўзларни сенга,
Сен берсанг бас, ўрмон чакмонин,
қорли чўкки қалпоғинг менга!⁷

Аввало, бу шеър жонлантириш санъати асосида яратилган. Ватан жонлантириляпти. Турналар - метафора, яъни истиора. Шу ватаннинг кишилари, фарзандлари. Уларнинг бари ўз ватанларини севишади. Шоир мана шу севувчиларнинг сафидан кетмай доимо сигиниб, севиб яшаш истагида. Ҳатто барча нарсани у билан баҳам кўриш. Меҳнати натижаси, шон-шухрати белгиси бўлган орден ва медалларни ҳам тоғларга тақиб қўймоқчи. Давлат рамзи бўлган гимн ва шеърларини бахш этмоқчи. Хуллас, ҳамма нарсани беришга тайёр. Буларнинг эвазига эса Ватандан ўрмон чакмонини ва қорли чўкки қалпоғини сўраяпти, холос. Шунинг ўзи унга етарли. Нега айни шу икки нарса. Чунки булар Доғистоннинг ўзига хос қиёфасини белгилайди. Бу қиёфани шоир юксак бадийлик билан бера олган. Чакмон - ёпинадиган кийим. қалпоқ - қор билан қопланган чўкки. Бу билан шоирнинг мақсади нима? Ватан билан бирлашиб кетиш, Ватан қиёфасини олишдир. Ватан қиёфасида бўлиш, бу - бахт. Лекин дардли бахт - ғам ичингда, армон ичингда.

қушқанотли, ҳой, қарвон,
қандай яшар Доғистон?
Аёл, эркак қай ҳолда,
Бола ҳақда не достон?

қушқанотли, ҳой, қарвон,
Тўхта!.. Туман-ку у ён?..
У-чи, учар, қурқурлар:
"Доғи-доғи-Доғистон..."(27)

Сезгир китобхон гап нима ҳақида кетаётганлигини дарров пайқаб олади. Фақат "туман" сўзини кўчма маънода ишлатилганлигини ва нимага ишора қилаётганлигини билиб олиш етарли.

Р.Ҳамзатов ижодида Ватани, халқи, тили, озодлик учун курашчан қаҳрамонлар ҳақидаги шеърлар кўплаб учрайди. "Ватан ҳақида", "Доғистонга", "Доғистонимга", "Кичик халқим, севаман сени", "Аймоқларим ҳақида", "Лаклар", "Тоғдан кўчган тоғликларга", "Тоғлик кексалар", "Шомил", "Ҳожимуроднинг беш кўшиғи" каби шеърлари шулар жумласидандир.

⁷ Расул Ҳамзатов. Бир хонадон фарзандлари. Тошкент-1982. 25-бет

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўз миллий қаҳрамонлари бўлади. Улар халқининг озод қолиши, келажаги учун жангга кирадилар. Бу йўлда ўлимдан ҳам қайтмайдилар. Мардлик ва жасурлик кўрсатиб афсонага айланадилар. Шомил ва Ҳожимурод Доғистон халқларининг миллий-афсонавий қаҳрамонларидир. Лекин маълум бир муддат уларнинг ҳаракати қораланди. Сиёсат шундай эди.

Яна ўртар мени эски жароҳат,
Яна юрагимни қиймалар армон,-

деб бошлайди шоир "Шомил" номли шеърини. Нега шоир юрагини эски жароҳат ўртайди, армонлар қиймалайди.

Ўлимидан аввал отам бечора
Унга бағишлади ажойиб дoston,
Лекин Шомил номини қилдилар қора,
Ёғдирдилар марднинг шаънига бўҳтон.(32)

Ҳали ёш шоир кўпчиликнинг овозига жўр бўлиб, бўҳтонларга ишониб Шомилни сотқин ва қотил деб шеър ёзган эди. Тўғри билиб-билмай ҳам оқни ҳам кўра била туриб қора деб ёзадиганлар ҳамма замонларда бўлган ва ҳозир ҳам бор. Лекин ошкор бўлганда ҳам, улар ўз айбларини тан олмайдилар, индамай юраверадилар, гўё ҳеч ким билмагандай. Энг ёмони улар яна шон-шухрат илинжида шу йўлда давом этаверадилар. Виждонли ижодкор бундай қила олмайди. Р.Ҳамзатов шеърини шундай тугатади:

У ҳам кечирмайди барибир мени,
Мен отдим орқадан, пана жойдан ўқ.
У қиличда ёзган мардлик шеърини,
Менинг бўҳтон шеърим кечирмайди, йўқ.

Майлига... лекин сен қил менга шафқат.
Халқим, кечир, сени севаман ёна,
Жон ўлкам, сен мени қарғама фақат,
Мисоли ўғилдан ранжиган она. (34)

Бу мард ижодкорнинг узри. Шахснинг виждон қийноқларидан сизиб чиққан сўзлари. Халқига бўлган ҳурматнинг бадиий ифодаси. қаҳрамон руҳи азобларидан бир қадар енгиллашиш.

Шоир шеъриятида мардлик ва жасурлик ватан ва халқ тақдири билан боғланади ва инсонлардаги муҳим ҳамда зарур фазилатлардан бири сифатида улуғланади. "Тоғдан кўчган тоғликларга" шеърида:

Тоғлик удумингиз олиб кетинглар,
Тоғ иси, мардлигу дўстлик бўлсин ёр,-

дейилади. Мардлик тоғликларга хос хусусият. Айниқса, эркак дейилганда мард ва жасуратли инсон тушунилади. Шоир хулоса қилганидай у "Ўлолгай озодлик учун ҳар қачон". Демак, кўрқоқлар эса ҳеч қачон бундай қилолмайди, аксинча, сотқин ва хиёнаткор бўладилар. Шунинг учун ҳам бу каби кимсаларга шоир ўзининг "кўрқоқ" шеърида кескин ҳукм чиқаради:

"Онажоним, мени яширгин,
Ваҳмдан муз кирди қонимга.

Нима қилай, маслаҳат бергин?
Раҳминг келсин менинг жонимга".

"Шамширни ва попокни ташла,
Мўйлабингни, ўғлим, кирдиргин,
Рўмолимни ўраб ол бошга,
Тўғри бориб қабрга киргин".(92)

Йигит учун, эркак учун бундан ортиқ жазо борми? Агар у она томонидан берилса-чи?! Бир қарашда ишончсиздай туюлади. Чунки "қабрга кирмоқ" бу - ўлимга ишора. Оналар ҳар қандай дамда, ҳатто шунга лойиқ бўлса ҳам, ўз жигар-бандининг ўлимини истамайдилар. Мана шу истамаслик - оналик меҳр-муҳаббатидир. Бу улуғ туйғуни ифодаловчи шоирнинг "Бемор ўғил бошида она айтган қўшиқ" номли шеъри бор. Унда она: Майли менга раҳминг келмасин, майли олис юртларга кет, майли менга хатлар ёзмагин, майли қайси қизга хоҳласанг уйлан ё бевалар билан билганингни қил. Майли, ич, лаънати тамакини чек, фақат тезроқ соғай, соғайгин, болам! - дейди. Она ўғлининг тирик қолиши учун ҳамма нарсага рози. Энди кўрқоқ ўғилнинг онаси-чи. Унда оналик меҳру муҳаббати йўқми?! Ёки шоир ўз мақсадини нотабиий ҳолда ифода этдимми?! Йўқ, аксинча, шоир бу она тимсолини табиий ҳолда янада юксак даражага кўтара олган. кўрқоқ ўғилнинг онаси номини олишдек иснодни у кўтара олмайди. Жигарбандига эса меҳру муҳаббати... Мана шундай драматик ҳолат - икки йўл: Биринчиси, оналик меҳри билан уни яшириш, иккинчиси, кўрқоққа - ўлим. Шоирнинг маҳорати шундаки, она икки йўлдан барабар боради. Дастлаб, шамшир ва папокни ташлаш, мўйлабни кирдириш, рўмол ўраш - эркакликдан яшириш бўлса, бу ҳам ўлим билан баробар. Сўнг қабрга яшириш - бу ҳам ўлим. Демак, шоир шеъридаги она оналигича қолади, кўрқоқнинг жазоси ҳам табиий.

Р.Ҳамзатов ижодида она ва оналарча, аёлларга бағишланган бир қатор шеърлар учрайдики, уларда самимийлик кучли, гўзал қалбнинг нозик туйғулари ифодаланади, миллий хусусиятлар очилади, умуминсоний ғоялар сингдирилади, қолаверса, фарзанднинг онага бўлган меҳри, унинг олдидаги бурчи, олам ва армонлари юракдан сўз бўлиб тўкилади. Айниқса, шоирнинг ўз онасига бағишлаб ёзган шеърларида ички кечинмалар таъсирли ифодаланади.

Иккаламиз, танҳомиз, мана,
Қалбимда йўқ ғам-ғашдан нишон.
Сенинг юмшоқ кафтингга яна
Оқсоч бошим кўяй онажон...

Ҳаёт бу дам бўлиб гирдобдай,
Олиб кетар комига солиб.
Дил сиқилур яна пайдар-пай,
Онам, сени унутдимми деб.

Сен бўлсанг-чи, қилмасдан таъна,
Кўз ташлайсан ҳавотирланиб.
Хўрсиниб гоҳ, билдирмай она,
Артасан кўз ёшинг ўртаниб.⁸

"Дурустгина сенга эътибор қилолмадим", - дейди шоир. Унинг шеърларида "Онамни ўйлайман..." деган сатрлар такрор учрайди. Бу ўйларда она айтган аллаю қўшиқлар ҳам болаликнинг меҳрга чўмилган ширин дамлари ҳам, алам, изтироб, армон,

⁸ Расул Ҳамзатов. Юксак юлдузлар. Тошкент-1964. 22-23-бетлар.

айрилиқ,... - ҳамма-ҳаммаси бор. Улар сатрларга айланиб шоир шеърятига сочилиб кетган. Менинг юрагимга жўр бўлган ашъор - Она кўшиғидан не бор гўзалроқ". "Онам деразада кўяр шам ёқиб, Адашмасин дея қайтар чоғимда". "Оҳ, тирик бўлганда мунисим, онам, Йўламас эди-ку менгайм фироқ".

Синчков китобхон яна бир жихатни илғаб олади. Шоир она билан боғланган ҳар бир нарсани муқаддас ҳисоблаб, қадрлайди. Она замин, она ватан, она қишлоқ, она халқ, она тили... Булар шоир шеърятининг ўзаги. Маълумки, ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб рус тилининг нуфузи ортиб, таъсири кучая бошлади. Бу жараён ҳам ижобий, ҳам салбий таъсири билан кечди. Ижобий томони шуки, юздан ортиқ миллат вакиллари билан бемалол мулоқотда бўлиш мумкин. Давлат ишлари рус тилида олиб борилаётган Иттифокда бу тилни билиш, албатта, фойдадан холи бўлмайди. Рус олимлари ва ижодкорларининг асарлари билан танишишга кенг йўл очилади. Ниҳоят, рус тили орқали жаҳон илмий ва бадиий тафаккури ҳазинасидан баҳраманд бўлиш имконияти туғилди. Айрим халқлар тарихида бу жараён кечган ва ўзининг ижобий натижасини берган. Бунини, албатта, давр тақозоси билан деб тушуномқ керак. Лекин бу жараённинг салбий таъсири ҳам йўқ эмас ва у жуда жиддий. Жиддийлиги шундаки, қадимдан шаклланган бир миллатнинг миллатлигини белгилаб турган, аждодлари, ота-боболари томонидан мерос бўлиб етиб келган она тили ўзга бир тилнинг соясида қолиб, секин-секин йўқолиб кетишга юз бурса. Бу йўқотишни юқорида қайд этилган ижобий ҳолатга асло алмаштириб бўлмайди. Бундай фожеаларга бефарқ туролмайдиган, халқпарвар, жонкуяр, виждони уйғоқ, ҳақиқатга тик боқувчи ва сўзини ҳар қандай сўз билан айта оладиган талантли шоир Р.Ҳамзатов ўзининг "Она тилим" шеърини ёзди ва унда ўз фарёдларини, армонларини, эзгу мақсадларини очиқ ифода этди.

Майли, ким қай тилдан завқу шавқ олса,
Менинг ўз тилимга минг жоним фидо.
Эрта она тилим агар йўқолса,
Мен бугун ўлишга бўлурман ризо.

Таниқли адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев ёзади: “Шоир билади: авар тили жаҳон тили бўла олмайди, у халқаро тил сифатида тан ҳам олинган эмас, кўп сонли миллатнинг тили бўлмаганлиги учунгина буюк деб аталадиган забонлар сирасига кира олмайди. Лекин лирик қаҳрамон учун барибир, авар тили энг суюқ, у буюк тиллигича қолаверади. Чунки у она тилидир. Чунки бу тилда унинг халқи сўзлашади. Чунки шу тилда унга алла айтилган. Шу тилдаги кўшиқларни тинглаб, эртақларни эшитиб, мақоллардан маънолар ўзлаштириб улғайган. Ўзининг энг покиза, мўътабар туйғуларини шу тилда ифодалай олади. Шу тилда баён этади севгини, нафратни. Жаҳондаги барча буюк тиллар жам бўлганда ҳам, шоир учун фикру-туйғуларни ифодалашда она тиличалик бўла олмайди. Чунки ўзга тиллар унга бегона. Ватанни танлаб бўлмаганидек, ота-онани танлаб бўлмагандек, тилни ҳам танлаб бўлмас. Чин она тилининг буюклигини исботлаш учун интилиш асл фарзанднинг бурчи”.⁹

Майли кашшоқ бўлсин, майли беҳашам,
Лекин менинг учун азиз ва суюқ.
Жаҳон минбаридан янграмаса ҳам
Она тилим менга муқаддас, буюқ.

Оташин Маҳмуднинг ёниқ шеърини,
Наҳот таржимада ўқир авлодим.

⁹ Қ.Йўлдошев. Ўқитувчи китоби. Методик қўлланма. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1997, 224-бет.

Нахот мен аварнинг сўнгги шоири,
Шуми эди менинг эзгу муродим?!

...Юртдошларим туриб қабрим олдида
Кўрсатсин аварнинг шоири шул деб.
Элим ёдга олсин она тилида
Ҳамзат Цадасининг ўғли Расул деб.(31)

Бу шеър авар тили ҳақида, кутилаётган фожеа ва унинг олдини олишга қаратилган бир шоир қалбининг дардли нидосидир. Лекин унга тақдирдош бўлган бир қатор тиллар учун ҳам бу шеър огоҳлантирувчи ҳайкирик сифатида хизмат қилиб келаяпти.

Р.Ҳамзатов шеърятни ранг-баранг товланувчи ижод маҳсулидир. Шаклий жиҳатдан олганда, ҳам насрий, ҳа шеърий; жанр хусусиятига кўра дostonлардан тортиб то байтгача: сонетлар, саккизликлар, тўртликлар, эпиграммалар, ҳатто "Битиклар" деб номланган алоҳида хусусиятга эга бўлган туркум шеърлар ҳам бор. Олинган мавзулар эса сиз ва биз илғай олмаган, лекин инсон учун муҳим қилиб қўйилиши керак бўлган кичик масалалардан бошлаб умуминсоний, умумбашарий масалаларгача тегишли. Бу ранг-барангликнинг ҳар бирида шоирнинг ўзига хос услуби ва маҳорати очиқ кўриниб туради. Масалан, сонет жанридаги шеърларига эътибор қилсак, уларда қофия йўқ. Бу авар шеърятига хос қадимий анъанавий хусусият. Шоир уни сонет жанрида давом эттирди ва янгилади. Саккизликлар ҳам шоир ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. "Расул Ҳамзатовнинг саккизликлари адиб шеърятда бир мустақил шакл бошланишига асос бўлди, - деб қайд қилади шоир Абдулла Орипов. -Тўғри, адабиётда учлик, тўртлик, бешлик, олтилик ва ҳоказолар чексиз равишда учраши мумкин. Лекин саккизликнинг кўпчилик томонидан севиб қарши олиншини Р.Ҳамзатовнинг қудратли истеъдоди тақдим этади".¹⁰ У шу кичик жанр орқали ҳам даврнинг катта муаммоларини, йирик жанрларда илгари суриладиган ғояларни, инсон қалбининг юксаклигини янги топилмалар ва такрорланмас бадиият билан намоёниш эта олди.

Ҳиндларнинг нақлига кўра энг аввал
Оламда илонлар пайдо бўлгандир.
Тоғликларга қолса, улар ҳар маҳал
Энг аввал лочинлар пайдо бўлган дер.

Мен эса ўйлайман: ушбу оламда
Одамлар бунёдга келган илгари.
Кейин қай бирлари лочин бўлган-да,
Илонга айланган қайси бирлари.(168-бет)

Нега хулоса шу қадар ёқимсиз. Оллоҳ томонидан энг олий жонзот қилиб яратилган инсонга нисбатан беҳурматлик эмасми. Йўқ. Аввало, бу нақлнинг таъсирида ёзилган. қолаверса, лочин - мағрурлик, мардлик, курашчанлик, илон эса донолик тимсоли. Буни ижобий жиҳатдан ҳам қабул қилса бўлади. Албатта, шукроналик билан. Нима учун?! Чунки оламда қанчадан-қанча йиртқич ҳайвон ва қушлар бор. Ҳинд нақлича, балки қанча йиртқичлар ҳозир ичимизда одам шаклида юргандир. қанчадан-қанча одамлар озор чекаётгандир. Агар шоир хулосасича бўлганда эди, одамлик хусусиятини йўқотган кимсалар ўзига мос бир йиртқичга айланиб борарди-да, бу дунёда фақат биз истаган яхши инсонларгина яшаб қоларди. Тасаввур қилинг, инсоният бутунлай бошқача ҳаёт кечирарди. Балки биз шоир айтмоқчи бўлган фикрдан четга чиқиб кетгандирмиз. Лекин

¹⁰ Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Тўртинчи жилд. Тошкент-2001. 69-бет.

ҳақиқий шеър китобхонларни ҳар хил фикрлашга ўргатади. Шоирнинг қуввати ҳам шундадир.

Умуман, Расул Ҳамзатов фикр уйғотувчи шеърят соҳиби. Фикр эса унинг ижодида юксак бадиият ва нозик туйғулар билан берилади. Шунинг учун ҳам шоир шеърларини ўқиганимизда, таъсирдан юрагингиз жимирлайди., гўзалликдан хайратланасиз, ақлингиз янги, кутилмаган фикр билан бойийди. Ниҳоят, юрагингиз ларзага келади. Шеърнинг кучи юракдан бошланиб, яна юракка қайтади. Бундай шеърят камдан-кам ижодкорга насиб қилади. Яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, Расул Ҳамзатов айрим адабиётшунослар ҳам таъкидлаганидек, дунё шеъриятига тоғликлар руҳиятини биринчилардан бўлиб олиб кирди. Бу чин маънодаги миллийлик дегани. Аммо умуминсоний юксакликка кўтарилган миллийликдир. Шоир шеърияти билан ошно бўлган ҳар бир миллат вакили ўзини англашга ҳаракат қилади, халқини ўйлашга, унинг дарди билан яшашни истаб қолади, ўз кадр-қимматини Доғистон тоғлари каби юксак тутишга ўрганади.

Шоир ёзган эди:

Бола эканимда сен она эдинг,
Улғайгач сен бўлдинг севимли дилдор.
Кексайсам бўларсан қиздай меҳрибон,
Ўлсам ҳоким узра қолурсан ёдгор.(89)

Ҳа Расул Ҳамзатовдан қолган бадиий ёдгорлик абадиятга юз буриб улгурди.

**Тулпори билан машҳур
диёр шоири**

"Жаҳон адабиёти" журналининг 2002 йил апрел ойи сониди Қувонч Тўламетовнинг "Ўлжас" номли мақоласи босилиб чиққан эди. Шоирнинг яқин кадрдонларидан бўлган, уни яхши билган муаллифнинг ёзганларини қайта ўқиб чиқар эканман, ундаги қуйидаги қисқа ва лўнда тавсиф менинг диққат-эътиборимга ўрнашиб қолди: "Ўлжас ҳеч қимга ўхшамайди. Унинг ҳатто қиёфаси ҳам ўзига хос." Шундан сўнг бир вақтлар кўрганим - "Ёшлик" журналининг 1990 йил 3-сониди босилган рассом Гулнора Раҳмонованинг "Таниқли қозоқ шоири Ўлжас Сулаймон" суратини қидириб топдим. Унда шоир қизил креслода ўтирибди. Албатта, бу рангда ишора бор. Эғнида эса оқ кўйлак. Хаёлга чўмган. Юзидан, кўзидан унинг ички дунёсини бир қадар уқиш мумкин. Худди юқоридаги мақолада ёзилганидек: "У хотиржам, вазмин қиёфада бўлиб, гапиришдан кўра эшитишни лозим кўрарди. Шошилмай ўйлайди, ҳамма нарсани ўлчаб кўради. суҳбатдошига кейин жавоб беради. Кам кулади, бироқ куладиган бўлса, бусиз ҳам чиройли юзи ич-ичидан нурланиб кетади. Барваста қоматли, тик боқадиган синчков нигоҳли, хуллас, тенги йўқ, қиёси йўқ йигит!"

"Тенги йўқ, қиёси йўқ" деган тавсифда муболаға ёки кўтаринкилик бордай туюлади. Бунга одатланиб қолганмиз ҳам. Лекин Ўлжас Сулаймоновга, айниқса, унинг ижодига нисбатан бу фикрнинг айнан ҳақиқат эканлигини англаймиз.

"Қозоғистон халқи кўп миллатли ва адабиёти турли элат вакиллари томонидан яратилаётир. Бироқ нима учун айнан Ўлжас Сулаймонов ўзининг поэзиядаги илк қадамлариданок қозоғистон тимсолига айланди? Ўйлайманки, деб ёзади қувонч Тўламетов, - бунда ҳеч қандай сир йўқ. Истеъдоднинг бетакрорлиги - бу аниқ, исботнинг ҳожати йўқ. Мен унинг ижодидаги байналминалликни алоҳида таъкидламоқчиман. У рус тилида ёзади, лекин ҳар бир сатрида Буюк даштни - Дашти қипчоқни, унинг кўчманчи тарихини, турк руҳи ва унинг қўшиқлари шукуҳини куйлайди".

Ҳақиқатан ҳам, Ўлжас Сулаймонов ижодининг зуваласи-тарих. Ота-боболари олдидаги маънавий бурчни адо этиш масъулияти уни ижодкор шахс сифатида шакллантирди. Аждодлари макон тутган Дашти қипчоқ-унинг бирдан-бир сиғинган, руҳий мадад олган Ватани. У шу қадар чексиз, бепоён ва улкан. Тарих илмининг етук алломаси, марҳум академик олимимиз Бўрибой Аҳмедов ўзининг "Тарихдан сабоқлар" китобида қуйидагиларни қайд қилади: Сирдарёнинг қуйи оқими ва Балхаш кўлидан то Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган ҳудуд XI асрдан бошлаб Дашти қипчоқ деб аталган... Дашти қипчоқ аҳолиси рус солномаларида келтирилган маълумотларга кўра, 1054 йили рус ерларига бостириб кирган Марквартнинг далилларига қараганда, қипчоқлар XII аср бошларида катта ҳарбий ва сиёсий кучга эга бўлган... Дашти қипчоқ икки қисмга: Шарқий ва Ғарбий қисмга бўлинган. Унинг шарқий қисми Ёйиқ (Урал) дарёси ва Сирдарёнинг қуйи оқимидан то Балхаш кўлигача бўлган ерлар ва ғарбий қисми Ёйиқ ва Волга дарёларидан то Днепргача бўлган ҳудуд (Волганинг ўрта ва қуйи оқими, Қрим ва Жанубий русия ерлари)ни ўз ичига олган".

Бу бепоён ҳудуднинг ботирлари яна қанча жойларда жанг қилишган. Дашти қипчоқ ва унинг мард ўғлонлари доврўғини янада кенгроқ ҳудудларга ёйишган. Ўлжас Сулаймон ижодида "Айтишув" номли шеър бор. Қоработир билан Ўроқботир ўртасидаги бу айтишувни қозоқ миллатининг улуғ маърифатпарвари Чўқон Валихонов 19-асрда ёзиб олган. Қоработир кокилдор нўғойлар, тоғлик гуржилар, сахройи туркманлар, манжурлар, серсоқол ўрису бошқирдлар, совуққон хитойлардан... сўйлайми, деб жангдаги қаҳрамонликларини айтади. Сўнг Ўроқботир давом эттиради:

Тўғри, қоработир, энди сен эшит,
сен кезган юртларни мен ҳам кезувдим,
туркмандан, гуржидан сўровдим сени,
чексиз ўрмонлардан роса безувдим.
Сен бўлмаган поляк даштларин кўрдим,
не-не манжурларни қонга беладим,

литвадан, ҳаттоки булғордан сўрдим,
сени суриштирдим не-не элатдан.
Тўғри, қоработир,
кезиб йўлларни,
билдим, ҳамма юртда машҳур, мақбулсан.

Шеърда қайд этилган халқлар ва жойларнинг номларидан ҳам сезилиб турибдики, отларнинг дупур-дупури ларзага келтирган, ботирларнинг қадами теккан, доврўғи етиб борган юртлар янада узоқ-узоқларда.

Ўлжас Сулаймон жангу жадаллар ва зафарларга бой, мард ва ботирлар юрти бўлган мана шундай доврўғли, улкан бир ҳудуднинг шоирига айланди. Шунинг учун ҳам юқорида қайд қилинган суратнинг орқа фонида Дашти қипчоқ тасвирининг берилганлиги бежиз эмас. Унда кўкларга туташиб кетган кенг сахро, қир-адирликлар, яйлов, бир томонда эса - ўтов. Яна бир эътиборли манзара, бу-от уюри. Улар чопиб кетаяпти. Безовта. Бўйиндаги ёллари ҳурпайган. Бу тасвир шоир ижодидан ранглар воситасида қоғозга тушган.

Тулпори билан машҳур,
Эй поёни йўқ диёр!
қара, кезар ҳов уюр,
Яшнар чўлда майсазор.
Бергин
қора тўригин,
Шамолларга келур бас,
Устида эгиб бўйин,
Парвоз этай бир нафас.
Сезгин ел алангасин
Арғумоқ ҳам ўзида;
қизғалдоқлар порласин
Унинг қора кўзида.
Маили, кураш нелигин
Билиб қўйсин арғумоқ.
Олға йўл бор-у доим,
Ортга йўл йўқдир бироқ.

Умуман, шоир ижоди билан танишган ҳар бир китобхон тасаввурида Дашти қипчоқ манзараси жонланади. Айниқса, отларнинг дупур-дупури, пишқириғи қулоғингиз остида эшитилиб тургандай бўлади. Юрагингизга аллақандай жунбушлик олиб киради. Шоир шеърларида воқеликни от билан боғлаб берилиши, тимсол даражасига кўтарилиши бежиз эмас. Унда тарихий ҳақиқат бор, руҳий ҳолатнинг бадиий ифодаси мужассам, қолаверса, армонли юракнинг изтироблари, Дашти қипчоқ юртининг, элининг дарду ғамлари ифодаланган. Ўлжас Сулаймон шеърлятидаги мана шу жиҳатга жиддий эътибор қилиш, унинг маъно-мазмун мағзини чақиш шоир шеърляридаги фикрни, ғояни англаб етишга олиб боради. Чунки шоирнинг илк ижодиданоқ бошланган эди бу тимсол. Унинг биринчи китоби ҳам "Арғумоқлар" деб номланди. Бу юқорида келтирилган шеърнинг номи. Унда шоирнинг юракда қисилиб ётган туйғулари, зиддиятлар қуршовида қолган руҳияти юксак бадиият билан берилган.

Шоир тулпорлари билан машҳур бўлган бепоён диёрига-аждодлари макон тутган қипчоқ юртига мурожаат қилади. Ундан мадад, яъни от сўрайди. У билан парвоз этишни истайди. Чунки у сўраган қора тўриқ шамолларга бас кела олади. Бу ерда шамол-замоннинг унинг мақсадларига қарши турган кучи. Мен билан ел алангасини сезсин, дейди. Аланга-ғазаб келган ҳолат. Ғазаб эса иккинчи бир кучни қарши жонлантиради.

Буни шоир "қизғалдоқлар порласин унинг қора кўзида" деб тасвирлайди. Қизғалдоқ исёнкорлик рамзи сифатида ҳам қўлланади. Бу эса курашга чорловчи ҳолат. Курашда эса фақат олға йўл бор, ортга эса йўқдир, деб хулосалайди шоир. Бу шўро даврида, аниқроғи, 60-йилларнинг бошида ёзилган, шоирнинг номини илк бор танитган, диққат-эътиборга тушган шеър. У даврда кураш мавзусида ёзиш нозик масала эди. Чунки кимга қарши кураш сиёсий томондан белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, Ўлжас Сулаймон бадиияти, маҳорати, қолаверса, жасорати бу қобилини ёриб чиқа олди. Лирик қаҳрамон аجدодларидан мадад сўраяпти. Улардаги курашчанликни, куч-қудратни ўзига сингдирмоқчи. Уларга муносиб авлод бўлмоқчи. Мана шу истакни шоир от орқали ифодаляпти. Нима учун айнан от? Чунки от- куч-қудрат тимсоли. Юрт учун, унинг эрку озодлиги учун ота-боболаримизнинг олиб борган жангу-жадалларини, жасоратларини отсиз тасаввур қилиб бўлмайди. қолаверса, от-ақлли жонзот, эгасига вафодор ва эътиқодли жонивор. Инсоннинг мушкулени осон қилувчи йўлдош, бир умрлик дўст. Шунинг учун ҳам адабиётда от тимсоли воситасида чуқур мазмунли, юксак ғоявий асарлар яратилган. Қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг чуқур меҳру муҳаббатга йўғрилган "Алвидо, эй Гулсари!" қиссаси қаҳрамони Танабойнинг ўз йўрғаси билан видолашаётгандаги сўнгги сўзларини эслайлик: "Сен буюк от эдинг, Гулсари. Сен менинг дўстим эдинг, Гулсари. Сен ўзинг билан бирга менинг энг яхши йилларимни олиб кетаяпсан, Гулсари. Мен умрбод сени эслайман, Гулсари. Ҳозир ҳам сени тилга олаётганимнинг сабаби шуки, сен жон беряпсан, донгдор отим Гулсари, қачонлардир сен билан у дунёда учрашамиз... Аммо мен тирик эканманки, сен ўлмайсан, чунки мен сени эслаб юраман, Гулсари. Туёқларингнинг тапир-тупури мен учун севимли қўшиқ сингари жаранглайди".

Тоғай Муроднинг "От кишнаган окшом" қиссасидаги бош қаҳрамон Зиёдулла калнинг севимли оти Тарлонга, Тарлоннинг эса эгасига бўлган меҳр-муҳаббатини, садоқатини сўз билан тарифлаш мумкинми?! Асар бош қаҳрамонининг куйидаги сўзлари билан яқунланади: "Аё Тарлон, сен менинг қиёматлик биродаримсан, қиёматлик биродарим!"

Ўлжас Сулаймон шеърларидаги лирик қаҳрамоннинг отга бўлган меҳр-муҳаббати юқорида келтирилган насрий асарлар қаҳрамони Танабой ва Зиёдулла калнинг меҳр-муҳаббатидан кам эмас. Фақатгина бу меҳр-муҳаббатни лирик шеърят хусусиятлари ва шоирнинг ўзига хос услубидан келиб чиққан ҳолда ҳис қила билиш керак. Лекин бу жонзотга бўлган меҳр-муҳаббат ҳаётдаги ва адабиётдаги кутилмаган ҳодиса эмас. Туркий халқлар оғзаки ижодидаги дostonлар бу жиҳатдан олганда ҳам чексиз бир уммон. Бойчибор, Ғиркўк. Бу отларнинг таъриф-тавсифи ўзи бир дoston. Алпомиш, Гўрўғли ва ўғилларининг қаҳрамонликлари мана шу отларнинг садоқати ва куч-қудрати билан амалга ошмаганмиди?! Отда дев қони бор, дейилади бу дostonларда. Агар ислом тарихига ҳам назар ташласак, унда Муҳаммад пайғамбаримизнинг меърож қилганликлари қайд этилган, яъни етти қават осмонга, тангри даргоҳига саёҳат қиладилар - Буроқ отга миниб. Шу ўринда Рабғузийнинг "Учар отлар ҳикояти"ни ҳам эслаб ўтиш мумкин. Ўлжас Сулаймоновнинг "Парвоз этай бир нафас" дейишида, балки, Дашти кипчок тулпорларининг афсонавий учар отлардан кам эмаслигига ишора бордир. қандай бўлмасин, шоир ижодидаги от тимсоли, аввало, туркий халқлар оғзаки адабиётидаги бир хусусиятнинг ёзма адабиётда анъанавий давом этишидир. Энг муҳими, шу фикрни ишонч билан айтиш мумкинки, туркий ёзма шеърятда от тимсолига янгича талқин билан ёндашилиши ва чуқур ғоявий мазмун юклатилиши илк бор Ўлжас Сулаймон ижодида кузатилди. Жаҳон адабиётида бу талаб даражасидаги ижод намуналари йўқ эмас. Лекин буларнинг ҳам машхурлари насрда яратилган.

Канадалик ёзувчи Э.Сетон-Томпсоннинг машхур "Ёввойи йўрға" ҳикоясида қўлга тушган айғир "қолган бор кучини йиғиб, озодлик йўлида жон жаҳди билан ёнбағир бўйлаб юқорига талпинди. Яна, яна юқорилади, баданига ботаётган арқонга ҳам, уни тўхтатиб, изига қайтариш учун узилган ўқ овозига ҳам парво қилмади, у озодликка талпинди". Ниҳоят, тик қоядан ўзини ташлайди. "У жонсиз сўлайиб қолди, аммо... озод бўлиб қолди".

Қоя-қуликка, қарамликка қарши нафратнинг, ғазабнинг энг юқори чўққиси. озодликка бўлган муҳаббатнинг энг юксак даражаси.

Ўлжас Сулаймон шеъриятидаги тўриқ ҳам ана шу чўққига, ана шу даражага кўтарила олиши мумкин бўлган тимсол. Бунинг учун асос бор. "Ёввойи йўрға"даги от қора рангли. Бундай отларнинг қандай бўлиши ҳам асарнинг ўзида айтиб қўйилган. "Агар қора тўриқни яхшилаб миниб ўргатса, ундан барака топса бўлади. Аммо лекин қора от эшакдай ўжар, итдай қаҳрли келади. қора отда тирноқ бўлса, арслонниям гумдон қилади". Бундай отлар баджаҳл бўлади. Уларни бўйсундириш осонмас. Уларда исёнкорлик руҳи кучлироқ. Демак, Ўлжас Сулаймоннинг айнан қора рангли тўриқ билан парвоз қилишни исташидан жуда чуқур ғоявий мазмунни англаш мумкин.

Еттисув даштида ёввойи отлар
Уймаланиб турар,
қирлардан ногоҳ
Намхуш ел кифтида келар булутлар,
И-и-и,
Дупур-дупурларга тўлар ҳаммаёқ.

Гумбур-гумбурлар.
қуёшни бўйлар излар.
Туёқлар чатнайди шўрхоқ ерларда.
қора қулон
оқсаб-тўксаб югурар,
И-и-и,
қонлари кўпирар томирда.

Бу парча "Оқсоқ қулон" номли шеъридан. Бунда ҳам қора рангли от. Бу шеърда айнан отларнинг фожеали тақдири орқали бериляпти юрт қисмати ва бу билан замонлар ўзгарганлигига, кучлар ўзгарганлигига ишора қилиняпти. Хулоса эса шундай:

Ҳансираб, ютоқиб ичишар бетин
Тентаксой сувини ёввойи отлар.

Умуман, бадий асарларда, айниқса, шеъриятда муаллифнинг очикдан-очик айтмаган ёки айтолмаган фикри ишора орқали етказилади. Буни бадииятдан хабардор бўлган сезгир китобхон англай олади. Чунки тимсоллар, рамзлар, ўхшатишлар-умуман бадий воситалар шеърни шеър қилади. Ҳар қандай фикрни турли йўллар билан ўраб беришга имкон яратади.

Ўлжас Сулаймон шеърияти айнан юксак бадииятга йўғрилганлиги ва бунинг замиридаги тарихий ҳақиқат, салмоқдор фикр ва умуминсоний ғоялари билан ажралиб туради. Унда ҳар бир сўз юрагингизга таъсир қилади, фикрлашга ундайди. Фикрлаганингиз сайин, мағзини чакқанингиз сайин шоирнинг юртига бўлган чексиз муҳаббатини сезасиз. Унинг дарду қувончи билан яшаётган, тарихи билан фахрланиб, келажагини ўйлаётган муносиб бир юрт фарзандини кўрасиз.

Байталими гангираб
қолган очликдан,
Жиловига бўй бермай,
қарайди ортга.
Йўл йўқ,
Бадбахт Дала,
Ўҳ, козоқ шўрлик,

қозоқ манглайига қисмат ёзилган-
каёққа юз бурса-фақат чўл, чўлдир,
Юзта йўл баравар
Элтар мозийга.
Агар юзта бўлса,
Мозийга-бари.

Бу сатрлардаги байтал, очлик, жилов, орт-бу каби яна бир қатор сўзларнинг ҳаммаси ишора ва шеър бутун борлиғи билан ишора. Мана шу ишорасиз шоирнинг юрак-юрагидаги дард ва изтироблари тўлиқ очилмаган бўларди. "Мамбет ботирнинг қатл олдидан айтганлари" шеърида "Эгарда туғилгандим, ўлмоқдаман кишанда" деган сатр бор. Бундаги "эгар" сўзи кўчма маънодаги, яъни "эрк, озодлик ва жангу жадал" маъносида қўлланиляпти. Юрт озодлиги йўлида эгарда ўтирган ва жангга отланган ботир учун бундан ҳам аянчли қисмат бўлиши мумкинми. Бошқа бир шеърда ёзади: "Бошим эгардадир... эгардан эса Анкир таним теру чанг иси... тўлғанар эзилган ўтлар остимда". Энди тасаввур қилиб кўринг. Эгарга бош қўйган ҳолат - нақадар аламли, изтиробли. Нима учун шундай. Чунки жангу жадаллар бостирилган. Юрт ботирлари эгарда эмас. Ўтлар эзилган - она тупроқ душман томонидан топталган. У тўлғоняпти. Қуйидаги сатрлар ҳам айнан шу шеърдан:

қаро осмон қаърида-бир чўғ.
Пешонамни уқалаб бирпас
Ўйлайман бу юлдузнинг отин,
Оти
Миррих, Миррих, яъни Марс!
Отхонада тасдиқлар отим,-
корабайир йўлдошим йўлбарс
Юганини шилдиратур жим.

Шўро тузумининг дастлабки йилларида истиқлол фидойиси Абдурауф Фитрат "заминдан, замондан, замондаги золимдан чора тополмай" кўкка-Миррих юлдузига: "Бизнинг ерда бўлиб турган тубанликлар, хўрликлар, Сўйла, юлдуз, сенинг доғи кучоғингда бўлурми?" деб илтижо қилган эди. Чунки Миррих юлдузи-жанговарлик, курашчанлик рамзи. Мана шу маънода Фитрат илтижоларига ҳамоҳанг туйғу шоир қалбини ўртайди. Илтижо қилишга тайёр. Албатта, Миррих юлдузига. Бу эса шоирнинг йўлдоши от ҳам тасдиқлайди - отхонада, юганда. Аслида ҳам мана шу фожеа эслатганди шоирга Миррих юлдузини.

Умуман олганда, Ўлжас Сулаймон ижоди умуминсоний ғоялари, юксак бадиияти, ўзига хос услуби билан шўро давридаёқ жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин топди. Бу туркий халқларнинг ютуғи. Бундай даражага етиш учун истеъдод, аввало, ўзи туғилган заминдан қувват олиши, ўз элининг орзу-умидлари, тақдири билан яшаши керак. Шоирнинг ўзи айтганидек, санъаткор сўзида асрлар кесишади, замонлар бир-бири билан боғланади. Асрлар кесишган, замонлар бир-бири боғланган шеъриятни ярата олиш унча-мунча истеъдодга ҳам насиб қилавермайди. Тулпори билан машҳур диёр шоири Ўлжас Сулаймон парвози янада юксалмоқда. Бир вақтлар шоирнинг "қойилмисан инсонга, замин" достони аэропландан сочиб тарқатилган эди. Бу адабиётдаги ноёб ҳодиса. Бутун инсониятга эзгулик тилаб ижод қилаётган шоирнинг "Хайрлашув" шеъри шундай яқунланади:

Яшангиз шоирлар васияти-ла:
улар сизга тилар
фақат яхшилик.

Шоир ижодида юқоридаги дoston каби сочиб тарқатиладиган инсоният тақдирин билан боғлиқ қисқа, лўнда фикрлар бисёрки бугунги кунда Ўлжас Сулаймон номининг ўзи унинг ғояларини жаҳон бўйлаб тарқатиш қудратига эга.

“...Дунёни поклай олмадим”

XX асрнинг дастлабки йилларида йигирма яшар йигит мана бундай деб ёзади:

"Миллат илм-маърифат эгаларига, халқ манфаатини ўзининг ҳар хил шахсий манфаатларидан, қорин ғамидан устун қўядиган, миллат манфаатини кўз қорачиғидай азиз деб биладиган миллат арслонларига муҳтож... миллат оталар ва оналарга, муаллим ва муаллималарга, мураббий ва мураббияларга, чин шоир ва адибларга муҳтож<...> Бизнинг миллат Пушкинларга, граф Лев Толстойларга, Лермонтовларга муҳтож. Хуллас, бизнинг миллатимиз ҳам бошқа миллатларнинг тараққий қилишига сабаб бўлган ҳақиқий адибларга, рассомларга... Янгидан-янги миллий шеърларга, музыкага ва ғайриларга муҳтож"¹.

Чиндан ҳам, мана шу ўтли сатрлар, ҳақли талабларнинг муаллифи "эркинликнинг тантанаси учун" ва "қашшоқлик билан қусурларни йўқ қилиш учун", "миллатнинг тараққийси учун" ҳаёти ва фаолиятини мазмуни деб билган Абдулла Тўқай эди. Татар халқининг истеъдодли фарзанди, татар реалистик адабиётининг асосчиси, атоқли шоир Абдулла Муҳаммадғарифович Тўқай - Абдулла Тўқай 1886 йилнинг 26 апрелида илм-фан, маърифат марказларидан бири бўлмиш Қозон губерниясига қарашли Қушловуч қишлоғида руҳоний оиласида туғилди. Ота-онасидан ёш етим қолган Абдулла Тўқай Уральск шаҳридаги мадрасада ўқиди. Унинг болалиги машаққат билан ўтди. Фақат болалиги эмас, унинг қисқа ёшлиги ва атиги етти-саккиз йиллик ижодий умри ҳам ғоят ҳар жиҳатдан қашшоқликда, маҳрумликда ўтди. Гўё темир қафасда яшашдан зада бўлиб ўтди. Лекин шоир, аввало, ўз шеърлятида яшади. Ҳар бир сўзнинг оҳангида унинг унинг юраги уриб туради. Абдулла Тўқай мана шундай ижодкорлар сафига мансуб эди. Унинг шеърларида туйғусиз урмаётган қалбнинг нозик чертимлари ҳам, даҳшатли тўлқинларнинг қирғоққа урилишидай ғазабкор туйғуларнинг жунбушга келишлари ҳам, тунда, ой нурида олислардан татар овулларига кириб келаётган араванинг чиғирлашлари ҳам, субҳидамда ўртаниб сайраётган булбулларнинг нолалари ҳам эшитилади. Буларнинг ҳаммасини қалбингизга муҳаббат туйғуси билан сингдиради.

Абдулла Тўқай муҳаббатли шоир. Унинг ижодида Ватанига, халқига бўлган муҳаббат, оддий инсонларга бўлган муҳаббат, севгилисига бўлган муҳаббат, шеърлятга бўлган муҳаббат алоҳида сезилиб туради. Нима учун шундай? Бу меҳр-муҳаббат кўрмаган бир инсоннинг - бахтга ташна бир инсоннинг юрак армонларидан туғилмаганмикин?! Болалигиданоқ етим қолган, эшикма-эшик юриб, қўлма-қўл бўлиб, урилиб-сурилиб, баъзан бир тўғрам нонга, бир умр ота-онанинг ширин сўзига зор бўлиб ўсган Абдулла Тўқай кейинчалик шундай хотирлайди: "Хуллас, бошимдан кўп можаролар кечган, кўп қийинчиликлар кўрганман, нима бўлса ҳам бўлганки, бу оила мени ўзига сиғдирилмаган. Кунларнинг бирида бувам кампирнинг маслаҳати билан бўлса керак, мени шаҳарга кетаётган бир аравакашнинг аравасига ўтқизиб, Қозонга жўнатган".

Аравакаш Қозонга келгандан сўнг (қозон билан бизнинг овулнинг ораси олтмиш чақирим келарди), пичан бозорига келиб: "Асранди бола олишни истаган борми?" деб жар солиб юрган. Бозор аҳлидан бир киши мени аравакаш қўлидан ўзига ўғил қилиб олган"².

Ҳа. Шоирнинг умри, хусусан, ижодий йўли ўта қисқа бўлишига қарамай, у ғоят гўзал, ўзига хос, баракали ҳамда теран мазмунли адабий мерос қолдирди. Абдулла Тўқай ижодининг илк давридаёқ "Озодлик ҳақида" (1905), Текинхўрларга (1906), "Давлат

¹ Абдулла Тўғай. Танланган асарлар. Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1961 йил, 4-5-бетлар.

² Абдулла Тўғай. Танланган асарлар. Тошкент, 1961 йил, 225-226-бетлар.

думаси" (1906) шеърларида жамият тараққиётига тушов бўлаётган иллатлардан норозилигини катъий суратда ифодалади. Инсон ва ижодкор сифатида ўзининг қандай мавқеда бўлиши лозимлигини белгилаб олди. 1908 йилда босилиб чиққан "Девон"ига бош шеър қилиб киритилган "Турмуш" шеърида ёзади:

Бу турмуш ким билан тўхтар талашдан?
Кураш сен чарчамасдан-тўхтамасдан.
Сенга ўхшаш биров у: бирга бўлгин
Курашганни енгасиз бирга, билгин.
Курашмоқ кўрқинч, кўп ҳоллари бор,
Бироқ, енгач ғанимат моллари бор.
У қонхўр ҳамда йиртқич йўлбарслардан:
қочарми йўлбарсдан бир арслон?³

Болалиги, ёшлиги бахтсизликда ўтган шоир, ақлини танибдики, ҳаммага бахт истади. Мана шу истак бора-бора ижтимоий фикрлар билан йўғрилди. Чекка бир овулдан бутун татарлар яшовчи юрт доирасича кенгайди, биргина ўзидан бутун бир татар миллатига айланди. "Юракдан севаман бахтин татарнинг, Кўрсайдим, улғайиш вақтин татарнинг. Татар бахти учун мен жон бераман." Бу сатрлар унинг ҳаёт мазмунига айланди. Шунинг учун унинг шеърларида юртига бўлган муҳаббат туйғуси самимий, ҳеч қандай кўтаринкилик, муболаға йўқ. Юракдан тўкилган сўз. Оддий ва тушунарли. Шу жиҳатдан олганда унинг "Юртимга" номли шеъри характерлидир.

Айрилиб кетсамда, сендан умримнинг тонгинда мен,
Эй, қозон юрти! Сенга қайтдим севиб тагин-да мен.
Ошино қирлар, чаманлар тортди аввал ҳиссимни,
Торта-торта қўймади, қайтарди охир жисмимни.
Эзса-да сенда фақирликлар, етимликлар мени,
Эзса-да ўз тенгларимдан хору камликлар мени. (52)

Муҳаббатнинг энг юксак даражаси севимли бўлган нарсани қандай бўлса шундайлигича, яъни ёмон томонларигача, ҳар куни, ҳар дамда сева олишда ва садоқатдадир. Юқоридаги шеър худди шу жиҳати билан ҳам эътиборли. Шоирни фақирликлар, етимликлар эзган, қашшоқлик эзган. Ҳаттоки "Сенда" деб, алоҳида урғу бериб, таъкидлаб айтади. Лекин шунда ҳам бу юрт унинг бутун ҳис-туйғу тўла юрагини тортди, бир вақтлар ундан айрилиб кетган жисмини охир қайтарди. қайтганда ҳам севиб қайтди. У ўз туғилган еридан жонига жондош жиҳатларни топа олди. Энди унга юртдаги ҳар бир нарса эзгулик бағишлайди. Унинг учун барча-барчаси севимли. Шеърнинг охириги байтига фикрни йўналтирайлик:

Подачинг, кўппакларинг, ҳам қирга тўлган подалар,
Бари яхши: бўрию-жин, шўрали-девзодалар. (52)

Эътибор қилинг, бари яхши деб, бўридан бошлаб саналганларнинг биронтаси ўз маъносида ҳам, кўчма маъносида ҳам Абдулла Тўқайгача адабиётда яхши сўзи билан қайд этилмаган. Айниқса, подачи, кўппак, пода билан ёнма-ён қўйганда. Ахир булар қарама-қарши куч. Шунда ҳам шоир "бари яхши", деб баралла айтади. Бу юртига бўлган муҳаббатнинг, садоқатнинг юксак ифодасидир.

³ Абдулла Тўғай. Танланган асарлар. Тошкент, 1961 йил, 225-226-бетлар. (Кейинги шеъринг парчалар шу тўпلامдан олиниб, шеър сағифаси Қавс ичида кўрсатилади-Б.Р.).

Муҳаббатнинг ҳамма ижодкорларга хос, анъанавий ҳисобланган ошиқнинг маъшуқага севгисини бадий ифода этишда ҳам Абдулла Тўқай ўзига хос бадий маҳорат кўрсатди. Шоир лирикасидаги маъшуқа гўзалликда тенгсиз:

Бу гўзал қизнинг фақат расмин кўриб қолса магар,
Шубҳасиз силтар қўлин Мажнун ҳам ўз Лайлосига.

Бўлса гар ужомқ тўрида илгари расми бунинг,
Илтифот этмас эди Одам-да ўз Ҳавосига. (87)

Шоир талмеҳ санъати воситасида қиз гўзалликда барчадан устун эканлигини юксак бадиият билан бера олган. Лайли-шарқ адабиётида ҳар томонлама етук, гўзал маъшуқа тимсоли. Мажнун ҳам уни бутун вужуди билан севувчи, усиз яшай олмайдиган, ниҳоят хижронида жон берган садоқатли ошиқ. Лекин Абдулла Тўқай таърифлаётган гўзалнинг фақат расмини кўриб қолса ҳам, Мажнун Лайлога қўл силтар эди. Агар жаннат тўрида бўлганда эди, бу гўзалнинг расми Одам Ато, ҳатто ўз Момо Ҳавосига илтифот этмай кўярди.

"Эй, гўзал! Мен ёнмас эрдим, ёндирувчи бўлмасанг", - дейди шоир. "қайдин олсин шеърни шоир, бўлмаса илҳомчиси", -қайд этади бошқа бир ўринда. Ҳақиқатан ҳам, шеър муҳаббатдан туғилади. Муҳаббат эса юракда. Юракчи?

Фойдасиз гўшт парчадир-гўштан иборатдир юрак,
Пора-пора кесмаса ишқу муҳаббат қайчиси. (79)

Шоир наздида юрак - агар унда муҳаббат бўлмаса - бир парча гўштдир.

Абдулла Тўқайнинг "Севгилимнинг қабр тошига" номли шеъри муҳаббатга садоқатнинг бадий тимсоли сифатида қайд этилади:

Ўлмади, ўлсангда, кўнглимда сенинг дардинг хануз,
Дўстлигинг, инсонлигинг қалбимда қолдирдинг хануз.
Мотаминг, бил, шубҳасиз, мотам эрур, эй нурли юз,
Суратинг чашмимдадир, зеҳнимдадир савтинг хануз. (28)

Шоирнинг муҳаббат мавзусидаги шеърлари асосан ғазал жанрида ёзилган бўлиб, арузнинг рамал баҳри вазнлари кўпроқ қўлланилган. Шу билан бирга Абдулла Тўқай муҳаббат лирикасида шарқ мумтоз адабиёти анъаналарини давом эттирибгина қолмай, балки ўз даври хусусиятларини сингдирди, янги мазмун ва янги ғоялар билан бойитди.

Маълумки, Тўқай ижодининг энг қизғин палласи Россияда авжига чиққан реакция йилларига тўғри келди. Юқоридаги тўпламига киритилган "Янги кесикбош", "Эшонниг зори", "Текинхўрларга", "Ойнабош", "Фарёд", "Усул қадимчи", "Бир шайхнинг муножоти", "Дин ва авом" дoston ва шеърлари ўша даврларнинг маҳсули эди. Тўқай ўзининг деярли кўп ҳажвий шеърларида шеърӣй ва насрий памфлетларида, сатирик ва публицистик мақолаларида миллат ва маданиятнинг тараққиётига ғов бўлувчи эски мафкуравий сарқитларни, реакцион урф одатларни ғзаб ҳисси билан ҳеч нарсадан ҳайикмай фош қилди, мавжуд иллатларни йўқотишга чақирди.

Тўқай татар адабиётида биринчи бўлиб ўткир сатирик мазмундаги асарлар яратди. Унинг сатираларининг ўткир тигидан ҳеч ким омон қолмади. "Текинхўрларга" шеърӣда бунинг ёрқин намунасини кўрамиз:

Текинхўр оқсуяк зотлар, қорин солган насоратлар,
Демас тўйдим, очофатлар: ажаб ҳай-ҳай, ажаб ҳай-ҳай! (22)

деб мазлумларнинг кучидан фойдаланиб, бойлик йиғувчи, манфаат топувчи, текин томок кимсаларни, хасис мулкдорларнинг жирканч қиёфасини аёвсиз танқид остига олди. Шу билан бирга:

Бўларди яхши, қарши чора кўрсак бу қоринларга,
Тутиб ёрмоқ керакдир, бу ғанимат дамни ўткармай!
Ёрайлик бу қоринни, чунки бизнинг бахтимиз шунда,
Шулар ютган умид-иқболимизни асти қизганмай.
Хужум вақти эшонларга, текинхўр каллахумларга,
Битир, қир, парчалаб ташла, югур, урра, ва "билбанзай".(22-24)

деб, зўр эҳтирос ва жўшқинлик билан, мавжуд кимсаларга қарши қатъий курашга чақирди.

1906 йилда ёзилган мазкур шеърда Тўқай умум манфаати учун қайғурувчи фаол курашчи сифатида гавдаланади. Реакциянинг қаттиқ қаршилигига учраган ушбу шеър халқ бошига не азобларни солган, уларга қаттиқ жабр-зулм ўтказган миллат қуртлари ва уларнинг малайларига, бир умр мудраган дилларга ўз вақтида айтилган айбнома бўлиб жаранглайди. Лекин шоир учун мураса йўли йўқ. қалби уйғоқ, курашга чорловчи рух бор:

Етар Абдулла, энди ёза кўрма, бунда сургун бор,
Осарлар дорга, тил тийгин бутунлай энди кўзгалмай!
Йўқ, асло тўхтамай ёзғум, улардан мутлақо кўрқмай,
Нечундир бу юрак куйлар ажалдан асти сесканмай!(24)

1906 йилда ёзилган Хуррият шеъри ҳам ана шундай шеърларнинг энг яхши намуналаридандир. Унда айблов янада кескинлашади:

Ичарлар қонларин аҳли башарнинг, чунки қон ичмак
Ҳаловатлидир унларга шакардин ҳамда ҳалводин.(9)

Келтирилган сатрлардан кўриниб турибдики шоир реакциянинг ҳар қандай ҳаракатидан чўчимаган. Дилидагини рўй-рост ўткир сатира тиги билан баён қилишга интиланган. Шунини таъкидлаш лозимки, реакция зуғумларидан чўчиган кўплаб татар зиёлилари ошкора равишда ўз қарашларидан қайтишга, мақсадларидан, бошлаб қўйган ишларидан воз кечишга мажбур бўлишган. Бу ҳолат зиёлилар орасида айниш ва тушқунликни келтириб чиқарганига қарамай, Тўқай ижоди ва фаолиятида замонга мослашиш, душманлари бисёр бўлсада, эътиқодидан қайтиш, ўзини четга тортиш ҳолатлари кузатилмаган. Аксинча, сотқин миллат зиёлиларига қарши беамон курашиб келган.

Абдулла Тўқай на фақат бадиий асарларида, балки реакция йилларида чоп этилган ҳажвий журналларда мақола ва феълетонлари билан адабиёт ва матбуотнинг бу тезкор имкониятларидан кенг фойдаланиб, миллат душманларини манфур башарасини очиб ташлади. Абдулла Тўқай зиёлиларнинг ўз халқига содиқ қолган энг яқин вакили эди, унинг асарлари халққа ёқарди, ҳеч бир ёзувчининг ижоди татар халқи орасида бу қадар оммалашмаган эди. Бунинг муайян сабаблари бу эди. Аввало Тўқай тарғиб ва ташвиқ қилаётган ғоялар халқнинг орзу-умиди, интилишлари, манфаатига мос бўлган бўлса, иккинчидан, шу ғояларни тушунарли шакл ва услубда, халқона оҳангларда маҳорат билан илгари сурилишида эди.

Унинг сатирасининг ўткир тили ва таъсир кучи "Янги кесик бош" достонида яна ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шоир айни реакция авжига чиқа бошлаган 1908 йилда реакцияни, миллат қадимчиларини, бойликка муккасидан кетган савдогар мешчанларнинг маркази бўлган пичан бозорининг жирканч ҳаётини фош этди. Достонда

кесик бошнинг ўзи ҳикоя қилиб берган таржимаи ҳолидан татар бой савдогарининг аянчли ички олами намоён бўлди. Бу воқеаларнинг мешчан, тубан кимса томонидан ҳикоя қилиниши шоир услубига янада ҳалқоналик ҳамда ҳаётийлик бахш этган.

Бошдан ўтганларни сўзлай тинглангиз
Етмиш уч бор ҳажга борган Ҳожи-биз!
...Билсангиз бўлган эдим дума яна
Бу шаҳарнинг думасида ўн сана,
Ҳамда Масковдан-да моллар олмишам
Сўмига тўқсон тийиндан солмишам.
Айлар эдим кунда бир қуръон хатим
Олмишам умримда ўн бешлаб хотин.
Окшом учрардим сатанглар дардига.
Айланиб кундуз киши суратига.(161-162)

Асарни синчиклаб ўқисангиз, дostonда биз қатор ижтимоий, замонавий социал факторлар ғоят зўр маҳорат билан сатира жанри орқали нишонга олинганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунини таъкидлаш лозимки, Тўқай сатираси хилма-хил адабий шакллардан, чунончи халқ қўшиқлари йўсинидаги байтлар, эпиграммалар, минатюралар, диалоглар каби оммабоп шаклларнинг турли хилидан озиқланди. Шунинг учун ҳам унинг сатираси тезкорлик, мукаммаллик касб этди.

Татар болалар адабиётининг раvнақ топишида ҳам Тўқайнинг хизмати ғоят каттадир. У болалар адабиётини янги мазмун, янги рух билан бойитди. Болалар учун бир қанча шеърлар ёзди. У бу шеърларни фақат шоир сифатида эмас, балки шоир педагог сифатида яратди. Маълумки, шоир болалик романтикасидан анча айрилган ҳолда яшашга мажбур бўлди. Лекин шундай бўлсада дунёга боланинг қалбидек покиза қалб билан боқиб, уни идрок этишга ҳаракат қилди. Унинг болаларга атаб ёзган шеърлари руҳига бола қарашларидек покиза туйғулар маҳорат билан сингдирилган деб айтиш мумкин. Тўпламдан ўрин олган шеърлар жуда содда ва раvон тил билан ёзилган бўлиб, уларда болаларда энг яхши инсонийлик сифатларни, чунончи, борлиққа ҳайрат, ота-онага, катталарга, меҳнатга, илм-фанга муҳаббатни, меҳр ва оқибат, софдиллик ва ҳалолликни, ростгўйлик ва тўғрилиқни, юксак инсоний фазилатларни, табиат, қуш ва ҳайвонларни севишга чорловчи фикрлар гўзал бадиий либосга ўраб берилади.

Шоир 1907 йилнинг охирида Уральскдан Қозонга қайтиб келди. Аммо бунда ҳам машаққатли ҳаёт қашшоқликдан қутулмади. Мунтазам раvишдаги қийинчиликлар, очлик, совуқ, иқтисодий танглик шоирни тўшакка михлаб қўйди. У сил касалига мубтало бўлди. Ўлим тўшагида ётган Тўқай "Шоир" сарлавҳали шеърида:

Куйлай-куйлай ўларман мен ўлганда ҳам,
Куйлагайман азроилни кўрганда ҳам.
"Биз кетармиз, сиз қоларсиз" деб куйларман
Жасадимни тупроқ билан кўмганда ҳам,-(72)

деб, ҳатто ўлим ҳам, машаққатлар ҳам уни курашдан қайтаролмаслигини қатъий, ишонч билан айтади.

Вафотидан бир қанча олдин касалхонада ёзган "қитъа" шеърида:

Олмадим ўч, битди куч, синди қилич, шу бўлди иш:
Кирланиб битдим ўзим, дунёни поклай олмадим,-(156)

дер экан, бунда умидсизликдан кўра дунёни қора кучлардан, уларни манфур қилмишларидан тозалай олмагани, асл орзу тилақларини рўёбга чиқара олмагани

ниҳоятда қайғуга солган эди. Шунинг учун у "Дунёни поклай олмадим" деб фарёд чеккан эди".

Абдулла Тўқай 1913 йилда оғир касаллик туфайли 27 ёшда вафот этди.

XX аср бошларида, айниқса, 1905 йилги биринчи рус инқилобидан сўнг собиқ чор империяси ҳудудидаги барча туркий халқлар шеърлятида бўлгани каби татар адабиётида ҳам муҳим ғоявий-бадий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу, айниқса, Абдулла Тўқай ижодида очиқ кўринди. Тўқай фақат татар янги миллий шеърляти учунгина эмас, балки тарихий урфи-одати, тили жиҳатидан яқин бўлган Туркистондаги туркий халқлар янги шеърляти учун ҳам муайян таъсир кучига айланди. бу жиҳатдан, айниқса, унинг чор мустамлакачилигига ва маҳаллий золимлар зулмига қарши халқнинг оғир аҳволига қайғуриш, жаҳолат ва қолоқлик, рижкорлик ва сотқинликни фож этиш, юртининг истиқлоли ва халқ аҳволининг яхшиланишига умид, маърифат ва тараққиёт учун курашиш руҳидаги "Кетмаймиз", "Бир татар шоирининг дегани", "Ўз-ўзимга", "Куз", "Юртимга" (1907), "Кўрсатур" (1908), "Жавоб" (1912) каби шеърлари муҳим касб этади. Унинг "Она тили" ҳақидаги машҳур шеъри бу даврда турли ўзбекча, қозоқча ўқиш китобларида, шеърлари 1908 йилдан бошлаб "Туркистон вилоятининг газети" саҳифаларида изоҳ ва тушунтиришлар билан эълон қилиб борилди.⁴

Абдулла Тўқай ижоди халқимиз орасида ҳам катта обрў-эътибор топган бўлиб, ўзбек китобхонлари бу улўғ шоирни ўз классикларимиздан кам кўрмайдилар. Ўзбек адиблари учун Тўқай ижодининг таъсири катта, ёзувчиларимиз унга доимо мурожаат этиб турадилар.

Улкан шоиримиз Абдулла Орипов: "Тўқай татар халқинигина эмас, балки айна вақтда, бизнинг ўзбекларнинг ҳам суюкли шоири ҳисобланади. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Чунки Тўқайнинг тили ҳам, руҳи ҳам ғоятда бизга яқиндир. Тўқай ижодида буюк шоирларга хос бўлган барча ҳислатлар яққол кўриниб туради. Улўғ шоирлар миллий чегарани билмайдилар. Ҳақиқий шоирнинг ижодида дунёвий мазмун ўзи миллийлашган бўлади. Тўқай шеърлятида биз Шарқ мумтоз адабиётининг энг гўзал анъаналари қаторида рус, Европа адабиётининг баракали таъсирини кўрамиз. <...> Абдулла Тўқай бошқа татар маърифатчилари қатори демократик фикрларнинг Шарқда, хусусан, Ўзбекистонда ёйилишида кўприк бўлди. Тўқай куйиб-ёниб курашган ижтимоий иллатлар, Ўзбекистонга ҳам хос эди. Диний мутаасиблик, миллатчилик, чекланганлик, манфаатпарастлик, ғайирлик, иккиюзламачилик каби иллатлар Тўқайни ниҳоятда қайғуга солган эди"⁵ - деб таъкидлаган эди.

Демак, XX аср биринчи чорагида татар халқи олдида турган кўпгина муаммолар ўзбекларга ҳам тааллуқли эди. Шунинг учун ҳам халқимиз Тўқайнинг ўтли шеърлятини осон ва бирданига қабул қилди. Тўқай мактабларда ўқитила бошланди, асарларининг барчаси тилимизга таржима қилинди. Илмий жамоатчилик унинг ижоди юзасидан салмоқли тадқиқотлар яратишга эришди.

Тўқай жуда қисқа умри ва ижоди давомида ўткир, бадий юксак шеърлари, илғор маърифатли қарашлари билан татар адабиёти тарихида ўзига ҳайкал яратди. "Жаҳонда қолдириб кетсам эди ёраб, гўзал изни,"-деб ёзган эди, шоир бир шеърида. Абдулла Тўқай ўз ижоди билан татар адабиётида гўзал из қолдириб кетди. Кейинги авлод мана шу издан бир бор юриб, ўз йўлларини топиб, қад ростлади. Бу эса Абдулла Тўқайни ҳақли равишда татар халқининг буюк шоирига айлантирди.

⁴ Шерали Турдиев. Нурли Тўғай "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1996 йил, 26 апрел.

⁵ Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тўртинчи жилд. 2001 йил, 102-бет.

Қадим юртнинг қадим адабиёти

Уйғурлар қадим даврларданок нисбатан узок худудларда истиқомат қилиб келаётганлар бўлсалар-да, лекин адабиёти ва маданияти билан туркий халқлар умумий хусусиятининг асосий бўғинларидан бири сифатида алоҳида ўрин тутаяди. Бунинг асосий сабабларидан бири қадимги турк давлати, яъни марказлашган турк хоқонлигининг ҳозирда уйғурлар яшаётган то Хитой худудигача давом этганлиги бўлса, иккинчидан, қошғар туркийларнинг шарқдаги марказий шахри даражасига кўтарилганлигидан, муштарак маданият ва адабиёт ривож топганидан, қолаверса, яшаш тарзи ва оғзаки ижодининг умумийлигидан деб билмоқ керак.

Халқ оғзаки ижоди ҳар бир миллатнинг энг қадимги бадиий тафаккур маҳсули ҳисобланади. Уйғур халқининг дастлабки адабий ёдгорликларидан бири "Чистони Эликбек" достонидир. Милоннинг VII асридаёқ шу каби эпик асарлар яратган миллатнинг кичик жанрларга мансуб халқ оғзаки ижоди намуналари, албатта, анча олдинроқ даврларга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам уйғур адабиётининг бошланиши анча қадимийдир.

Уйғур халқ оғзаки ижодини тўплаган ва ўрганган мутахассисларнинг фикрлари ҳам буни тасдиқлайди. Шу ўринда бир жиҳатни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, уйғур халқ лирик шеъриятида лапар, байт ва кўшиқ каби қадимда шаклланган жанрлар қаторида мустақил ноҳшо жанри ҳам мавжуд. Бу жанр ўзбек халқ оғзаки ижодидаги ашулага яқин туради. "Ноҳшо мазмундорлиги, ўзига хос ритмга эга бўлиши, куй билан матннинг бир-бирига уйғунлиги, ижрочининг ширали ва юқори овозли бўлиши, кучли авжларнинг нисбатан кўплиги билан алоҳида ажралиб туради. Ноҳшолар ҳажман турлича бўлиб, уларнинг ҳажмини конкрет мисралар сони билан белгилаб бўлмайди. Ноҳшоларда туйғу, ҳаяжон кучли бўлиб, уларнинг деярли ҳаммасида сюжетлилиқ мавжуд. Ноҳшо билан кўшиқнинг бир-биридан фарқи шуки, ноҳшоларда мазмуннинг салмоғи ва ҳис-туйғунинг кучлилиги, образларнинг мазмунан гўзаллиги, лирик характернинг кучлилиги, мусикий ритмнинг хилма-хиллиги, мантикий паузаларнинг нисбатан кўплиги, матннинг мазмунига қараб мисралар бошига, ўртасига ёки охирига "вой", "ай", "жонимай", "ўргилай", "додай", "оҳ", "ёрай", "жон", "дўстларай" сингари сўзларнинг кўшилиб айтилганлигида кўринади.

Ноҳшони уйғур халқ поэзиясининг гули деса бўлади".¹ Уйғурлар кўшиқ айтувчиларни кўшиқчи, ноҳшо айтувчиларни ноҳшочи ва баъзан ҳофиз деб аташади. Шундан ҳам англашиладики, ноҳшо уйғур халқ оғзаки ижодида алоҳида жанр бўлиб шакллангандан буён кўшиқдан фарқли ўлароқ ўзига хос хусусияти билан яшаб келди.

Бундан ташқари, уйғурлар ўз ёзувига ҳам эга бўлишган. Умуман, ўз ёзувларини яратган халқлар дунёда санокли. Билими, интилиши ва маданияти нисбатан юқори даражада бўлган халқлардагина ўз ёзуви яратилади. Исломига, араб ёзуви кириб келгунга қадар яратилган уйғур ёзуви то XVI асргача истеъмолда бўлди. Кўплаб бадиий манбалар шу ёзувда битилиб бизгача етиб келди. Маҳмуд Қошғарий ўзининг "Девону луғотит турк" асарида бу ёзув ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган. Уйғур адабиётининг, ҳатто умумтуркий адабиётнинг кўплаб намуналари шу ёзувда битилган. X асрларга келиб, ҳатто уйғур тилининг нуфузи анча кўтарилган. қорахонийлар давлатида уйғур тилидан умумдавлат тили сифатида фойдаланилган. XI асрга ўтиб эса туркий тилда ёзма адабиёт намуналари яратила бошланди. Туркий адабиётимизнинг дастлабки йирик манбаси - "кутағду билиг" достони битилди. Юсуф Хос Ҳожиб бу асарини қошғар ҳукмдори Товғач Буғрохонга тортиқ қилиши ва у томонидан "хос ҳожиб"лик унвони ва лавозимининг берилиши бежиз эмас. Бу ҳодиса туркий тилда соф ёзма адабиёт бошланганлигининг қўллаб-қувватланишидир. Кейинроқ эса Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ" асари яратилди. Бу ёзма адабий манбаларни келтириб ўтишдан мақсад нима? Уйғур адабиётига

¹ О.Боқиев. Уйғур халқ лирик шеърияти. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1978 йил, 150-бет

қандай тегишли жиҳати бор? "Бу ерда шуни уқтириб ўтиш ўринлики, деб ўз фикрини қайд қилади уйғур адабиёти мутахассиси Усмон Маматохунов- то XIII асрнинг охиригача ёзилган бу адабий ёдгорликларни Ўрта Осиёдаги туркий халқларнинг, хусусан, ўзбек ва уйғур халқларининг меърослари деб қараш керак. Чунки бу икки халқ тилининг ўхшашлиги ва маданий ўтмишининг бир-бирига яқинлиги уларни бир отанинг икки фарзанди каби тенг ҳуқуқли меъросхўрлар қаторига қўяди".² Агар ушбу фикрларга асосланиб хулоса қилсак, уйғур ёзма адабиётининг ўқ томири XI асрдан бошланади. XIV асрга келиб туркий тилларнинг ажралиш жараёни ниҳоясигна етгач, уйғур тили ҳам алоҳида шакллана бошлади ва соф шу тилда яратилган уйғур адабиёти ўзининг ривожланиш даврига кирди. Айниқса, XIII аср бошларида" мўғуллар таркибида бўлган уйғурлар XV-XVI асрларга келиб Шарқий Туркистонда ислом динининг кенг миқёсда тарқалиши натижасида мусулмон адабиёти билан яна таниша бошладилар. Айниқса, XVI аср бошларида бухоролик Хўжа Махдум Аъзамнинг қошғарда яшаб тасаввуф илмини ёйиши жуда жиддий таъсирга сабаб бўлди. Кейинчалик Офокхўжа эшоннинг фаолияти билан қошғар нафақат Шарқий Туркистон, балки бутун Мовароуннаҳрда яшовчи тасаввуф илми талабгорларини ўзига тортди. Бундан ташқари, мадрасаларда Фирдавсий, Рудакий, Низомий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби аллома ижодкорлар асарларининг ўқитилиши уйғур шоирларининг ижодига ижобий таъсир ўтказди. Бунинг натижасида туркий адабиётнинг ажралмас қисми сифатида уйғур адабиёти ўзига хос ривожланиш йўлига тушиб олди. Уйғур мумтоз адабиётидан мустаҳкам ўрин олган ижодкорлар етишиб чикди. XVII аср охири ва XVIII асрда яшаб ижод этган Хирқатий, Залилий, Навбатий, Арший, Юнус Ёркандий, Мулла Ниёз, Аъзам Шохёрий, Қосимий, Муҳаммад Раҳим Қошғарий каби шоирлар шарқ адабиёти анъаналарининг давомчиси сифатида уйғур адабиётини исломий дунёқараш ва тасаввуф ғояларини, ҳамда инсоний ахлоқ-одобни тарғиб этувчи бадий жиҳатдан мукамал асарлар билан бойитдилар. Бу ижодкорларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

Муҳаммад Имин Хўжамқули ўғли Хирқатий биргина асар "Муҳаббатнома ва меҳнатком" дostonи билан танилган. Бошқа ижодий мероси ҳали топилган эмас. Лекин уйғур адабиёти дostonчилигида Хирқатийнинг хизмати ва таъсири катта. Бу шубҳасиз дostonнинг ғоявий етук ва бадий жиҳатдан мукамал яратилганлигидадир. Шоир Мулла Аъзам Шахёрийнинг "Гул билан Булбул", Юнус Ёркандийнинг "Юсуф-Зулайҳо", Мулла Ниёзнинг "Тазкираи имом Заҳиҳулло", Қосимийнинг "Тазкираи Арслонхон" номли дostonлари ҳам уйғур адабиёти тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Шоир Залилий ижоди эса асосан лирик турга мансублиги, ғоявий ранг-баранглиги тасаввуф таълимотидан қувват олганлиги билан ҳам ажралиб туради. Умуман, Шарқ адабиётдаги ошиқ дарди ва ёр васфи орқали лирик қаҳрамон, яъни шоир ўз дунёқараш ва ғояларини анъана доирасида сингдириб юбориш усулини Залилий ижодида ҳам кузатилади. Бу эса, албатта, унинг ижодий маҳорати юксаклигидан далолат беради. Шоир маъшукани таърифлаб ёзади:

Тоби зулфингдин чекар қон ичра симоб изтироб,
Ой юзингнинг рашкидан кирди булутга офтоб.
Кокили мушкин санамнинг чехрасин пўшида тут,
Жилваи ҳуснида айлар варна аламни хароб.³

Бадий санъатлардан муболаға, жонлантириш, ҳусни таълил воситасида гўзаллик ва мукамаллик намунаси ҳисобланган юқоридаги каби шеърий санъатлар Залилий лирикасининг таъсир кучини оширган. Аммо таъсирчанлик шеъриятда фақат бу билан чекланмайди. Ўзгалар қалбида доимий мавжуд бўлган туйғуларни содда тилда ва равон

² Усмон Маматохунов. Уйғур адабиёти классиклари. Тошкент-1960, 7-бет.

³ "Торим" журнали. Урумчи, 1957 йил, 12-сон. 55-бет.

услугда маҳорат билан бера олиш ҳам таъсирчанликни таъминлайди. Худди шу жиҳат ҳам Залилий лирикасининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Масалан:

Ошиқ ўлмайду киши то кечмагунча жонидин,
Зулфига маҳрам бўлмас ўтмас имконидин.⁴

Бу соддалик, бу равонликда тасаввуф билан боғлиқ чуқур мазмун борилигини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда шоир маҳоратига тан бермай, мағзи тўқ ва гўзал сатрлардан ҳайратланмай иложимиз йўқ. Тасаввуфда ошиқ то фоний бўлмагунча, яъни ўлмагунча, жондан кечмагунча маъшуқа васлига етолмайди. Фоний бўлмагунча эса бу йўлга кирган ошиқ риёзиёт босқичларини, яъни машаққатларини чидам билан енгиб ўтиш керак. Бунда эса ошиқдаги имкон камлик қилади. Шунинг учун ошиқ имкон даражасидан ҳам ўтиб кетиши керак бўлади. Бу эса жуда катта машаққат, чидам ва сабр-тоқатни талаб қилади. Ҳақиқий ошиқ эса шу талабга мос, комиллик мақомига етишадиган инсондир. Шоир Залилий ошиқлик шунчаки интилиш эмас, балки инсоннинг қисматига айланиши кераклигини оддий ва гўзал сатрларда ифодалай олган. Залилий фақат лирик шеърлари билан эмас, балки бир қатор дostonлар муаллифи сифатида ҳам уйғур адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

Уйғур шеъриятига ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ҳам таъсири сезиларли. Лирик шоир Навбатий ижодида ҳам бу таъсирни кузатиш мумкин. Шоирнинг қуйидаги ғазалига эътиборни қаратайлик:

Бу менинг шум толеимдан ёр бокмайдур менга,
Ой юзини ёшуруб, дилдор бокмайдур менга.

Кўз учи бирла боқиб, бағрим жароҳат айлади,
Лабларининг малҳами зинҳор ёкмайдур менга.

Икки хиндуй сипоҳи ёстаниб рухсорина,
Парда ичра ғунчадек нигор бокмайдур менга...

Навбатийким ёрнинг кўйида бўлди бенаво,
Раҳми айлаб биргина гулнор бокмайдур менга.⁵

Навоийнинг лирик меросида "Менга" радифли ғазаллар ўттиз атрофидадир. Уларда асосан ошиқнинг дарду ғамлари бадий ифодаланган:

Жавру зулмунг гарчи ўлмаклик нишонидур манга,
Чунки сендиндур ҳаёти жовидонидур манга.⁶

Иккинчи бир шоирнинг ўша радифда ғазал ёзиши албатта, адабий таъсирсиз ҳам амалга ошиши мумкин. Лекин уйғур шоирлари Навоий ижоди билан таниш бўлганлар. Ундан илҳомланганлар, ўрганганлар. Навбатийнинг юқоридаги ҳамда бошқа кўплаб ғазалларининг яратилишида Навоий ижодининг аҳамияти катта ва бунга шубҳа йўқ, албатта. Умуман олганда, адабиётларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига таъсири табиий бир жараён. Бунда таржиманинг ҳам ўз ўрни ва аҳамияти борки, бусиз ҳар қандай адабиёт камалак жилосидан ранг олмаган, бир хил рангдаги гуллардан ташкил топган гулзорга ўхшаб қолади. XIII асрнинг ўзидаёқ уйғур адабиётида араб, эрон, хинд, ўзбек ва

⁴ Ўша журнал. 58-бет.

⁵ Ўша журнал. 1957 йил, 11-сон, 69-бет.

⁶ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, Тошкент, "Фан" нашриёти, 5-том, 17-бет.

озарбайжон адабиётининг сара асарлари таржима қилинди. "Олим ва шоир Муҳаммад Темур Қошғарий ҳинд адабиётининг классик асари "Калила ва Димна"ни 1711 йили таржима қилиб, унга "Осори имомия" деган ном берди. Форс тилидан Абулқосим Фирдавсий "Шоҳнома"сининг шеър билан 1731 йили уйғур тилига муваффақиятли таржима қилиниши Фозил Хомуш Ёркандийнинг моҳир таржимон ва етук шоир эканлигидан далолат беради. Уйғур шоирлари ва таржимонларининг Абдурахмон Жомий, Жалолиддин Румий, Муҳаммад Жувайр Табарий каби Шарқнинг машҳур олим ва шоирлари асарларини ўз она тилига таржима қилиши ва бу асарларнинг халқ ичида севиб ўқиши уйғур адабиёти тараққиётига катта ижобий таъсир кўрсатди. Уйғур халқининг ўзбек ва бошқа қардош халқлар билан бўлган маданий алоқаси Низомий, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур ва Ғузулий асарларининг уйғурлар орасига сингиб кетишига олиб келди. Уйғур адиблари ва шоирлари форс-араб тилларини мукаммал ўрганиб, тожик-эрон шоирларининг асарлари билан чуқур танишдилар, ўзларидан олдин яшаган шоирларнинг ижодий тажрибаларини ўрганиб, бадиий маҳоратларини камолотга етказдилар".⁷

XIX аср уйғур адабиёти тарихида кескин ўзгариш ва ўсиш даври бўлди. Аввалдан давом этиб келаётган мусулмон шарқ адабиётининг уйғур адабиётига сингиб бориши анча кучайди. Бунинг натижасида шарқ адабиётидаги янги тараққиётпарвар оқим билан уйғур адабиётининг қадимий анъаналари қўшилиб, мазмунан янги бир йўналишдаги адабий ҳаракат жонланди. Ҳақиқий воқеликни тасвирлашга интилиш кучайди. Бу даврда уйғур миллати ва адабиётининг Абдурахим Наззорий, Содир Полвон, Нозим, Мулла Шокир, Саид Муҳаммад қоший, Муҳаммад Содик Қошғарий Мулла Мусо Сайромий каби фидоий вакиллари етишиб чиқдилар. Буларнинг аксарияти ўзлари бевосита қатнашган ва кўрган воқеаларни қаламга олдилар. Адабиётни, ижодни миллатнинг тарихи ва келажаги, дарди ва армонлари, тақдири ва қисмати билан боғладилар. Шу жиҳатдан олганда Содир Полвон (1798-1872) ижоди алоҳида эътиборга лойиқ. У уйғур адабиётига ўткир ижтимоий мазмундаги қўшиқлари билан кириб келган ва ижоди фаолиятини билан қўшган ҳолда фидоийлик кўрсатган. У бутун умр оддий меҳнаткашларни қуллик исканжасидан озод этиш, ҳукуқи поймол бўлаётган, камситилган инсонларни бахтли қилиш учун курашди. У бир неча бор манжур феодал ҳокимиятининг зиндонларидан қочди, муқаррар қотилларидан - ваҳшиёна ўлдиришлардан қутулиб қолди. Шунинг учун ҳам Содир Полвон номи нафақат шоир, балки афсонавий қаҳрамон ва халқ озодлик курашининг рамзи сифатида тилга олинади. Унинг озодликка чорловчи ўтли қўшиқлари эса тилдан тилга кўчиб мангулик саҳифаларига муҳрланиб қолган.

Бу даврда ҳам уйғур адабиётида ҳаётни, воқеликнинг кенг кўламда ёритиш давом этди, лекин айнан бўлган воқеаларнинг қаламга олинishi билан олдингиларидан ажралиб туради. Мулла Шокирнинг "Зафарнома" тарихий достонида 1863 йилда Кучорда кўтарилган халқ кўзғалонинг сабаблари ҳаққоний кўрсатиб берилган бўлса, 1882 йили Или вилоятини Петербург шартномасига мувофиқ манжур ҳокимияти ихтиёрига топшириб кетаётган рус қўшинлари билан Ёттисув вилоятига кўчиб чиққан уйғур деҳқонларининг оғир аҳволи Саид Муҳаммад Қошийнинг "Шархи шикаста" достонида ўз аксини топган. Мулло Мусо Сайромийнинг "Тарихи амания" (кейинчалик бир неча боб қўшилиб "Тарихи ҳумайдия" деб номланган) асарида ҳам айнан шу даврдаги Синьцзянда бўлган тарихий воқеалар қаламга олинган. Синьцзян тарихини ёритувчи яна бир асар Муҳаммад Содик Қошғарий томонидан яратилган бўлиб, у "Тазкираи азизон" деб номланади. Унда XVI асрдан то XVIII аср охиригача Синьцзян халқларининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи ҳақида тўлиқ маълумот берилади. Асар диний-тасаввуф йўналишида яратилган. Шу каби бир қатор асарлар муаллифи бўлган Муҳаммад Содик Қошғарий машҳур тарихчи Муҳаммад Жувайр Табарийнинг "Тарихи Табарий" асарини араб тилидан ўгириб, уйғур таржима асарлари хазинасига ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

⁷ Усмон Маматохунов. Кўрсатилган асар, 14-бет.

Бу давр уйғур адабиётида Абдурахим Наззорийнинг номи алоҳида тилга олинади. У XVIII асрнинг охириги чораги ва XIX асрнинг биринчи ярмида (вафоти 1840 йил) яшаб ижод этган. У яратган "Муҳаббат дostonлари" ҳаётийлиги, бадий мукамаллиги, бой мазмунли ва ғоявий юксаклиги билан уйғур адабиётининг етук асарлари қаторидан ўрин олган.

"Муҳаббат дostonлари" шоир Наззорий ўз кўзи билан кўрган ва эшитган воқеалардан, шунингдек, халқ ичида кенг тарқалган сюжетлар асосида ишланган 18 дostonни ўз ичига олади. Бу дostonлар орасида "Робиа-Саъдин", "Вомиқ-Узро", "Маҳзун-Гулнисо", "Маъсуд ва Дилоро", "Фарход ва Ширин", "Лайло ва Мажнун", "Баҳром гўр" ва яна беш дostonни ичига олган "Чаҳор дарвиш" асари бор. Шоирнинг "муҳаббат дostonлари"дан ташқари "Дур-рин-нажот" асари топилган. Бу асар Муқбил Равшандил ва Мудбир Худбин деган кишилар ўртасида диний масалаларда бўлган савол-жавобни ўз ичига олади.

XIX аср уйғур адабиётида ҳақиқатан анъанавий ўлмас мавзулар янги талқинда давом эттирилди. Шу билан бирга асосий хусусиятлардан бири ўша давр воқелигидан келиб чиққан ижтимоий-сиёсий мавзулар ёритилди. Ватанпарварлик, халқпарварлик, озодлик ғоялари илгари сурилди ва бу давом этадиган вазифага айланиб бораётган эди. Чунки руҳан ва маънавий эзилган, иқтисодий ночор уйғур халқининг орзу-армонлари ҳали ушалганича йўқ эди. XX аср уйғур адабиётининг дастлабки вакиллари ҳам маълум бир йўналишларда мана шу орзу-армонли қалбнинг дардларини келажакка ишонч руҳида тасвирлашга ҳаракат қилдилар. 30-йилларда эса Шарқий Туркистонда инқилобий уйғур адабиёти юзага келди. М.Саидий, А.Айсо (Дардманд), Х.Толиб, Қ.Қамбаров каби шоирлар бу адабиётнинг дастлабки қалдирғочларидир. Сўнг Абдухолик Абдурахмон (Уйғур), Анвар Носирий, Аҳмад Зиёий, Нимшаҳид, Лутфулла Муталлиб, Билол Азизий, Нур Бўсоқов, Иброҳим Турди, Турғун Олмос, Турсун Қаҳҳорий, Турсун Воҳидий, Довут Тўрахматов, Иброҳим қурбон, М.Наврўзов, Раҳим Қосим, Турди Сомсоқ, Қамар Қурбонова каби шоирлар ўз ижодларини бу йўналишдаги янги уйғур шеъриятининг шаклланишига ва ривожига бағишладилар. Булар орасида Лутфулло Муталлиб ва Билол Азизий номи уйғур халқи тарихида ижоди ва фаолияти билан ўчмас из қолдирган барҳаёт сиймолар қаторида тилга олинади. Булар ижоди Ватан тақдири билан узвий боғланиб кетган. Шоир ва олим Рўзи қодирий ўзининг "Уйғур реалистик адабиётининг ривожланиши" китобида ҳам бу икки ижодкор ҳақида алоҳида тўхтаб ўтади. "Л.Муталлиб назаридаги Ватан таҳлили бошқачароқ, - деб қайд қилади олим. - Унда уйғур ўлкасида зиё билан зулмат, маърифат билан жаҳолат, ҳаққоният билан адолатсизлик, ажал билан ҳаёт ўртасидаги муросасиз курашнинг бўрони уфуради. Уйғур диёри тақдирининг нақадар оғир, нақадар мураккаб муҳитда қолганини, уни бу аҳволдан қутқариш учун кураш камарини маҳкам боғлаган Шарқий Туркистон меҳнаткашларининг ифодасини сезамиз. Шоир жўшқин ишонч, кўтаринкилик ва жанговарлик руҳи билан сугорилган мазкур ("Ватан аёло, халқ аёло") шеърида "қора булутлар тўқнашиб, чакмоқлар чаксин, жалалар қуйиб, дарёлар сел бўлиб оқсин, ажаллар жилмайсин, ёхуд ҳумрайиб боксин, шу чокда жондан Ватан аёло, халқ аёло" дея ўлимга тик боққани этиборимизни тортади.

Ватан ишқи кўкрагингда бўлса агар,
Ҳар ғарич йер сенинг учун бебаҳо гавҳар,
Бас, ҳам шу йарда ёш ва адоққи қон тўкилар,
Томчи қондин чўл қучоқлап чаманлар кўклар,
Ҳар минутто Ватан аёло, халқ аёло.⁸

⁸ Рўзи Қодирий. Уйғур реалистик адабиётининг ривожланиши. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1979 йил, 58-бет.

Билол Азизий ижодида ҳам бу мавзу, яъни ватан мавзуси етакчилик қилади. "Давр овозини шеъриятида акс эттиршни бош вазифа қилиб қўйди. Халқ оммасида озодликни қўлга киритишга ишонч уйғотиш асарларининг моҳиятини ташкил қилади. Буни "Гулумга" шеърида кўриш мумкин:

Гулум хўшол ўйнаймиз Ватан озод бўлганда,
қўл тутушуп ёйроймиз Ватан обод бўлганда,
Биз кўзлиган сузук тонг бўлғусидур муяссар,
Ваҳший қонхўр душманлар чўқум барбод бўлганда.

Озодлик учун кураш асарнинг бош поэтик ғоясидир. Шоирнинг лирик қаҳрамони одатдаги ёрдан бутунлай фарқланади. Шоирни куйлатаётган муҳаббат оддий маҳбубанинг севгиси эмас, асар матнида яширин ғоя борки, у озодлик, ободлик, тенглик ҳамда ўлка хотин-қизларининг келажак тақдири учун курашдан иборат. Кураш жараёнида фарёд, чидамсизлик, иродасизлик кабиларнинг мутлақо бўлмаслиги керак.

Муҳаббатдин завқлануп гулум олға босойли,
килич, найза кор қилмас кўкрак пўлот бўлгандо.
Жиғи, ҳасрат йўли-лан мақсадимиз ҳал бўлмос,
Кеча-кундуз ишимиз оҳу фарёд бўлгандо.
Гулум ҳаргиз қайғурмо, жасурликка амал қил,
Ҳар ишни қилиш мумкин чин эътиқод бўлгандо.

Билол ўз зиммасидаги буюк масъулиятнинг тубига етади. Энди у ҳар бир босган қадамида, ҳар бир сўзида, ҳар бир ишида биринчи ўринда Ватаннинг тақдирини қўяди. Ўз тақдири ватан тақдирининг бир зарраси эканини укади. Шарқий Туркистондаги муайян тарихий шароитларни кўзда тутган, меҳнаткашлар ҳаётидаги интилишларни дастуриламал қилади".⁹

Даврдаги муҳим масалаларни ёритишда китобхонга етказишда қадимдан устун бўлиб келаётган биргина шеърӣ шаклнинг ўзи етарли эмас. Туркий адабиётларда биринма-кейин шаклланиб келаётган каби уйғур адабиётида ҳам XX асрнинг 30-йилларида насрий шаклдаги жанрлар шаклланди. З.Самадий, Қ.Қамбарий ва З.Қодирийлар драманинг дастлабки намуналарини яратдилар. З.Самадийнинг 1934 йилда ёзилган "Равшангул" (кейинги номи "қонлиқ доғ") Қ.Қамарийнинг 1935 йилда ёзилган "Бузуқлик саргузаштаси" номли драмалари Шарқий Туркистоннинг барча театрларида ўйналди. 40-йилларга келиб драматурглар сафи кенгайди. А.Зиёий, Л.Муталлиб, Ш.Ёлқинлар бу жанрда ҳам ижод қила бошладилар. 50-йилларда эса бу қаторга Юсуфбек Мухлисов, Турғун Олмос, Али Азиз, Жаббор Аҳмад каби ижодкорлар қўшилди. Бу йиллар ичида яратилган Зиё Самадийнинг юқорида қайд қилинган драмасидан ташқари "Сир очилди", "Меҳрибон она", "Муҳаббат достони", "Сурлук минутлар", "Зулумғо завол", Зуннун Қодирийнинг "Ғунчам", "Учрошқонда", "Гулинисо", "Тўй", Лутфулла Муталлибнинг "Кураш қизи", "Тоҳир-Зухра", "Чингмўдан" драмалари уйғур драматургиясининг шаклланиши ва тараққиётига асос бўлиб хизмат қилди.

Драматургия билан бир қаторда тўла маънодаги уйғур насри ҳам тараққий эта бошлади. 30-йилларда Дардманд, А.Зиёий, А.Шарифий, Н.Бўсоқов, О.Юсуф, Х.Хусайн, А.Тотлик, А.Маъсудий, Ҳ.Ҳасан каби ижодкорларнинг дастлабки насрий асарлари яратилди. 40-50-йилларда чоп этилган Л.Муталлибнинг "Ажал талвасасида", З.Қодирийнинг "Дармон кетганда", "Муаллимнинг хати", "Шафқат ҳамшираси", З.Самадийнинг "Или дарёси бўйида", Ю.Мухлисовнинг "Содир полвон", Ю.Илёснинг "Сарик конверт", Т.Олмоснинг "қизил байроқ", С.Сатишевнинг "Хат", "Тонг олдидан бир

⁹ Рўзи Қодирий. Кўрсатилган асар. 72-73-бетлар.

кеча", А.Маъсудийнинг "Ўз йўлини топди", Ҳ.Ҳусайннинг "Гуландом", М.Нарўзовнинг "қишлоқда ўзгариш" каби ҳикоя ва қиссалари уйғур насрининг кейинги ривожига замин ҳозирлади.

Юқоридагилардан англашилиб турибдики, уйғур адабиёти XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб кескин ўзгаришга юз бурди. Ижтимоий воқеликдаги ўзгаришлар адабиётда ўз акс садосини берди, қолаверса, адабиётнинг ўзини янги шаклга солди, янги мазмун ва ғоялар билан бойитди. Маълумки, Шарқий Туркистонда амалга оширилган 1933 йил 12 апрелдаги халқ озодлик ҳаракати орзуларнинг ушалишига умид бағишлади ва ниҳоят, 1949 йилда Хитойдаги халқ курашининг ғалабаси уйғурларга ҳам бахтли ҳаёт куриш имкониятини яратди. Синьцзян Уйғур Автоном райони ташкил қилиниб, Хитойдаги бошқа халқлар қатори тенг ҳуқуқли ва эркин ҳаёт кечиришлари таъминланди. Бу ўзгариш адабиётни ҳам тараққиётнинг янги бир йўналишига буриб юборди. Уйғур адабиёти тарихини ўрганишга кенг имконият яратилди. Бошқа халқлар билан адабий алоқалар ўрнатишга жиддий эътибор қаратилди. Айниқса, тили ва дили бир-бирига жуда яқин бўлган ўзбек халқи адабиёти билан олдиндан давом этиб келаётган муносабат бу даврга келиб янада мустаҳкамланди. Уйғур халқининг бошқа халқлар адабиёти билан таништириш, яъни ўз она тилларида ўқиш имкониятининг доираси кенгайди. Жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш йўлга қўйилди. Бу даврга келиб уйғур ижодкорларининг асарлари ҳам бошқа тилларга ўгирила бошланди. Уйғур адабиёти нафақат Шарқий Туркистонда, балки Ўзбекистон, Қозоғистон каби туркий халқларнинг диёрида ҳам ривожлана бошлади. қадимда бир бўлган қардош халқларнинг ҳар томонлама узвий боғлиқлиги янада ёрқин намоён бўлди.

Умуман, XX аср уйғур адабиёти бошқа туркий халқлар адабиёти билан боғлиқ ҳолда ва рус, қолаверса, жаҳон адабиётининг таъсирида янгидан шаклланди, даврнинг муҳим ғояларини илгари сурган ҳолда, инсон муаммоларини, руҳий оламини очиқ беришга хизмат қилиб келди. Ваҳоланки, адабиёт замонга инсон ички оламида, яъни юрагида туриб баҳо беради, ўз муносабатини билдиради, ҳукм чиқаради. Адабиётнинг куч-қудрати ҳам шунда. Мана шундай кучга эга бўлган ҳар қандай миллий адабиёт, демак, ўз халқи олдидаги бурчини доимо адо эта олади.

Уйғур адабиёти ҳам мана шундай бурчини адо этган ҳолда XXI асрга қадам қўйди.

Уйғур халқининг шонли фарзанди

XIX аср уйғур адабиётининг кўзга кўринган сўз санъаткорларидан бири Билол Нозимдир. У 1827 йили Или вилоятининг Ғулжа шаҳрида камбағал қосиб оиласида

таваллуд топган. Унинг ҳаёти болалигиданок оғир кечади. Отасидан ёш етим қолди, 20 ёшга етар-етмас онасидан ҳам айрилди. Билол акаси Жалолиддин билан бирга етимликнинг ўксик дамларини бошидан кечирди. Уларга қариндошлари ҳам меҳр-мухаббат кўрсатмадилар. Аксинча, ўзига тўқ бўлган «жигарлари» буларга-қосибнинг фарзандларига паст назар билан қарадилар.

Билол 22 ёшида маҳалладаги бир ўртоғидан ўқиш-ёзишни ўрганди ва уйда мустақил мутолаа қилишга киришди. Акаси Жалолиддин бутун тирикчиликни ўз зиммасига олган мана шу йилларда Билол жуда кўплаб китобларни ўқиб чиқади, билимини оширади, ҳатто шеър машқ қила бошлайди. Икки етимнинг ўзини-ўзи эплаб, илмли бўлиб обрў-эътибор топаётганлигини кўролмадилар. Айниқса, Билолни масхаралаб, ҳақорат қилишгача боришарди. Қариндошларининг раҳмсизлиги ва ичи қоралиги нозик қалбли бўлажак шоирда чуқур нафрат уйғотди. У ўша пайтда ёзган шеърларидан бирида юрак дардларини куйидагича тўқиб солган эди:

Отам ҳам ўлиб кетган, онам ҳам ўлиб кетган,
қариндош бўлган билан кўнгли бўлиниб кетган.
Ёт халқ дарди чоғлиқдур қариндошнинг дардидан,
қариндош қилган дардлар ичимга тўлиб кетган.
Отам ҳам ҳаёт бўлса, онам ҳам ҳаёт бўлса,
Дардимни йиғлаб айтсам, ҳолимга шу дам етган.

Билол 25 ёшида Ғулжа шаҳридаги мадрасалардан бирига ўқишга кирди. У мадрасада 11 йил ўқиди ва форс ва араб тилини мукаммал ўрганиб, мусулмон шарқи адабиётининг кўзга кўринган намояндалари асарлари билан чуқур танишди. 1863 йили Билол мадрасани битириб, Ғулжа шаҳар масжидлари билан бирига имомлик лавозимига тайинланган вақтида Или ўлкасида манжур феодал ҳокимиятига қарши халқ қўзғалони бошланган эди.

Билол бу даврда Нозим таҳаллуси билан шоир сифатида бутун Синьцзянга танилган эди. Унинг лирик ғазаллари халқ орасида кенг тарқалиб қўшиқ қилиб айтилар эди. Меҳнаткаш халқнинг, айниқса, ёшларнинг энг севимли шоирлардан бири бўлиб қолган эди.

Шоир Нозим ўзининг чуқур халқпарварлиги ва ватанпарварлиги туфайли халқнинг озодлик ҳаракатига бефарқ қарай олмас эди. У акаси Жалолиддин билан қўлига қурол олиб, курашга отланди. 1863 йили Ғулжа ёнидаги Баяндай қалъасини ишғол қилиш пайтида шоирнинг акаси Жалолиддин ҳалок бўлди. Шоир акасининг ҳалокатидан сўнг жуда оғир тушкунликка, оғир ҳасрат кучоғига дучор бўлди. Яккаю ягона таянчи, кўнглининг овунчоғи, дардкаш ва мунгдош акасидан айрилган шоир, ўзининг тубандаги муҳаммасида юрагидаги бор ҳасратни, бошига тушган оғир мусибатни чуқур қайғу билан ифода этди:

...Юрак пора, бағир пора, бўлиб мен турфа бечора,
Юрак куйган қариндош ёнида ҳар бора, ҳар бора,
Кўчаларда юриб йиғлаб, бўлиб овора-овора,
Бу ғамдин бўлди эй дўстлар, юрак минг пора-минг пора,
На қилганимни билмасман бу ғамда айланиб бошим¹.

Шоирнинг ҳаёти бир умр оғир кечди. Ўз билими ва ҳалоллиги билан имомлик лавозимига кўтарилган бўлса-да, бошқа дин арбоблари каби амалдорлар олдида хушомад қилмасди. Аксинча, бу каби руҳонийларни ҳатто, шеърларида аёвсиз фош этарди. Шунинг учун ҳам амалдорлар ва руҳонийлар Нозимни ўзига яқин олмасдилар. У ҳам оддий

¹ Усмон Маматохунов. Уйғур адабиёти классиклари. Т.: 1960, 60-61-бетлар.

одамлар билан бўлганда кўнгли таскин топарди. Ниҳоят, 1870 йилда масжиддаги ишидан четлашди ва бутунлай ижодий ишга берилди.

80 йилларга келиб ўлкадаги ижтимоий муҳитнинг оғирлашиши, иқтисодий ночорлик, аҳолининг ярми ўз Ватанини ташлаб Ёркантга кўчиб кетишга мажбур бўлгани, кетишга улгурмаган кўзғолончилар ва уларнинг оиласи жазоланиши, солиқларнинг мажбурлик билан ундирилиши-халқ бошига тушган бу каби фожеаларни ўз кўзи билан кўрган Билол Нозим Жуда қаттиқ азоб билан яшайди. 1890 йилларга келиб шоирнинг кўзи ожизлашди. Уни йўқловчи дўстларининг деярли ҳаммаси Ёркант шаҳрига кўчиб кетган эди. Мамлакатда ҳукм сурган очлик ва муҳтожлик, ҳаддан ташқари зулм ва амалдорларнинг ўзбошимчалиги халқнинг моддий аҳволини оғирлаштириб юборган эди.

Шоир кўр бўлиб қолган бўлса-да, ижодий ишдан тўхтамади. Мамлакатда ҳукм сурган маънавий қашшоқлик саводсизлик авжига чиққан бир даврда шоирда ҳам умидсизлик туйғулари пайдо бўлди.

Мен ўлсам отим ўчар,
Бошимдан шамол ўтар.
Яхши кўрган дўстларим,
Ёнимда йиғлаб кетар.

Шоирни кадрловчи, уни йўқлаб ҳолидан хабар олувчи кишиларнинг кўпчилиги қамалганлиги, ёки қувғин қилинганлиги учун умрининг сўнгги йилларини ёлғизликда ўтказди.

Оғир муҳтожлик, маҳаллий манжур феодал ҳокимиятининг сиқуви натижасида Нозим 1895 йили ўз ватани Или вилоятини ташлаб, Ёркант шаҳрига кўчиб келишга мажбур бўлди. У бу ерда ҳам фақирона турмуш кечирди ва 1899 йилнинг кўз фаслида оғир касал бўлиб вафот этди².

Билол Нозим уйғур адабиёти тарихидан талантли лирик шоир сифатида мустаҳкам ўрин эгаллади. У ўз даврининг энг олди ижодкорларидан бири бўлиб, унинг ижодий мероси эпик ва лирик турдаги асарлардан ташкил топган эди. Унда достон, қисса, ғазал, мустазод, мурабба, муҳаммас, мусаддас асарлар ўрин олган. Шарқ мумтоз адабиётининг бошқа ижодкорларида бўлганидек, Билол Нозим шеъриятида ҳам ғазал жанри етакчилик қилади. Шоир ҳатто «Ғазалиёт» номи билан алоҳида бир девон тузган. Бу девон қайта-қайта кўчирилиб, қўлёзма ҳолида тарқалган ва шўхрат топган.

Шоир лирикасининг асосий мавзуси-муҳаббат. У севгини инсон қалбига гўзаллик олиб кирувчи, кўтаринки куч-қувват бағишловчи муҳим ва ўта зарур ҳис-туйғу тарзида талқин қилади.

Ваҳ, на хуштур, хасталикда кўрсалар ёрим келиб,
Ёки ёлғизликда ёнда турса дилдорим келиб.

Бу кўнгилни барча ғамлардин халос қилғай эди,
Бир назар қилмоқ била ул шўх хунхорим келиб³.

Хасталик, ёлғизлик-бу инсон ҳаётидаги энг оғир ҳолат. Мана шундай кўнгил ёришмайдиган дамда унга қувонч бағишлай оладиган куч борми? Шоирнинг лирик қаҳрамони бу кучни муҳаббатдан топади, ёрининг келишини истайди. Ёр эса гўзал. Адабиётда маъшуканинг назарини жон олувчи, жон олганда ҳам ошиқ қонини тўкиб ўлдирувчи (хунхор) сифатида тасвирланади. Яъни маъшуканинг қоши камонга, киприги эса ўққа ўхшатилади. Бир назар эса камоннинг тортилиб, ўқнинг ошиқ томон отилиш

² Юқоридаги асар. 63-64-бетлар.

³ Билол Нозим шеъриятидан. Т.: 1981, 12-бет.

ҳолатидир. Бу ёрнинг золимлигидан далолат. Бундай ўхшатиш ва мақсад шарқ бадиятидаги такрорланувчи, анъанавий усул ҳисобланади. Билол Нозим эса акси сифатида қўллаб, нозик дидлик китобхонни ҳайратлантиради. «Бу кўнгилни барча ғамлардин халос қилгай эди». Бу ерда ғамдан озод бўлиб яшаш ҳақида гап бораётгани йўқ, балки бу ёруғ дунёдан кетишга, ўлимга рози бўлаётган инсоннинг ҳолати тасвирланяпти. Лекин лирик қаҳрамон ёрнинг бир назар қилишидан ўлмоқчи. Истакнинг ушалиши эса бу-қувонч. Шу ҳолатда ёрнинг назари золимлик эмас. қолаверса, ошиқ ўлимни ҳам муҳаббатдан топишини ва садоқатини намоён этаяпти. Маҳоратни белгиловчи бу каби ғазаллар Билол Нозим ижодида кўплаб учрайди.

Шоир шеъриятини кўнгилга яқин қилувчи жиҳатларидан бири унинг ижодига халқ оғзаки ижодининг таъсирidir.

Гулмиди, ғунчамиди, ёрим сенинг бошингдаги,
Кечда таний олмадим кимлар эди қошингдаги?

Ёр эшигидан ўтдим олма шохини тутиб,
Сен уйингдан чиқмайсан мен кўчада қон ютиб-

каби сатрлари оғзаки ижод намуналарига яқин туради. Соддалик ва равонлик, аввало, шоир шеърларини халққа севимли қилди. Қолаверса, унинг шеъриятида юракни тўлқинлантирувчи жозиба бор. Сири шундаки, унда дил сўзлайди. Ҳис-туйғули юракдан тўкилган оддий сўз ҳам таъсирлидир. Билол Нозим шеърларининг юксаклиги ҳам шунда.

Сен дардингни менга айтсанг, сенинг ҳолингга мен етсам,
Ўзимнинг илкимда бўлсанг, чўлларга олиб кетсам,
Чўллар ичида юрсак, иккимиз бўлиб мунис.
Сийнамни ёриб тигда юрагимни кўрсатсам,
Менга марҳамат айлаб дардимни эшитганида,
Ўн тўққиз қилиб таъзим, мен ёримни хуш этсам.

«Нозим халқ кўшиқларини чуқур ўрганиш натижасида ўзига хос услуб яратдики, бу услуб уйғур халқ поэзияси ва асарлар давомида яшаб келаётган ёзма адабиёт анъаналарини ўзида мужассамлантирди. Унинг шеърларида уйғур халқининг миллий характери, унинг шўхлиги, мазмундор соддалиги ўз ифодасини топди. Зўр маҳорат билан ёзилган сатрлардаги сифатлашлар ва образли ифодалар шеърларга жон бағишлайди, уларнинг умрини абадийлаштиради:

Лочин бўлиб арчийман ҳовлингда, терагингда,
Балиқ бўлиб ўйнайман кўксингда, юрагингда.
Ўзим қарчиғай бўлсам, тўрингга илингтирсанг,
Мени қўлингга олсанг, тўлғонсам билагингда.
Ёз куни тўмизларда, ёз охири кузларда,
Қиш куни масжидларда, юрсам мен тилагингда.
Боғингда гулинг бўлсам, бошингда гулинг бўлсам,
Бокқа сувга кирганда, сув бўлсам челагингда.
Ғулжага бориб кузда, ётдим мен дала-тузда,
Нозим бўлибон бойкуш, қичқирур терагингда».⁴

⁴ Усмон Маматохунов. Юкоридаги асар. 68-69-бетлар.

Шоир ўзининг энг гўзал, нозик туйғуларини лирик шеърларида кўпроқ ифодаламаган бўлса, даврга, ундаги айрим табақаларга бўлган муносабатини, кўпроқ нафратини эпик асарларда очиб берди.

Маълумки, уйғур халқи тарихининг, айниқса, XX аср ўрталаригача бўлган кейинги икки асри босқинчилар билан кураш тарихидир. Билол Нозимнинг 1875 йилда ёзиб тугалланган "Ғазот дар мулки Чин" ("Хитой мамлақатида диний урушлар") номли достони бу мавзуга бағишланган асарларнинг энг яхшисидир. Асар ҳажми 6 минг мисрадан кўпроқ. Унда 1864-1867 йиллари бўлиб ўтган йирик халқ кўзғолони тасвирланган. Достоннинг муайян бош қаҳрамони аниқ ажралиб турмайди. Лекин воқеалар марказида ҳокимият учун бир-бирига қарши кураш олиб бораётган руҳоний феодаллар гуруҳи туради. Бу гуруҳ худди бир шахс каби ўзининг бутун мунофиқлиги, фисқ-фасодга, фитналарга мойиллиги ва ўтакетган разиллиги билан энг ёвуз бир салбий қаҳрамонни мужассамлаштиради.

Шоирнинг кейинги асарида, яъни 1881 йилда ёзилган "Чангмўза Юсуфхон" (Айрим манбаларда "Кўлоҳли Юсуфхон" номи билан қайд этилади) достонида ҳам руҳонийларнинг алдамчилиги, фирибгарлиги ҳаётини воқеалар асосида фош этилади. Достон қаҳрамони фирибгарлик мақсадида қишлоқлар оралаб юрган бир алдамчи хўжадир. Муаллиф уни ўз номи билан эмас, "Чангмўза" деган лақаб билан атайдиги, бу лақаб унинг бутун манфур қиёфасини очиб ташлайди. Яъни "Чангмўза" хитойча сўз бўлиб "узун қалпоқ" деган маънони билдиради ва алдамчилик, фирибгарлик рамзи сифатида қўлланади.

Чангмўза Юсуфхоннинг нодон маҳаллий бошлиқларнинг ёрдами билан халқ мулкини талаб бойлик орттириш учун келганлиги, унинг ўтакетган фирибгар эканлиги достонда баён қилинган воқеалар давомида янада ойдинлашади.

Чангмўза Юсуфхоннинг талаби билан унга ҳоли бир уй ажратилади ва эшик олдига ясовуллар қўйилади. Хўжанинг дуосини олмоқчи бўлган киши ясовулларга ўзининг ким эканлигини ва совға учун нима олиб келганлигини айтиши керак. Шундан сўнг унинг кириши ёки кирмаслиги тўғрисида фикр билдиради. Албатта, хўжанинг илтифотиغا сазовор бўлиш учун кўпроқ ва қимматлироқ мол келтириш керак. Шу каби фирибгарликлари фош бўлиб қолмаслига учун бир бегуноҳ одам ўзгалар қўли билан ўлдирилади. Сир очилгач, Чангмўза Юсуфхоннинг айби билан 80 киши дорга осилади, жазолаб ўлдирилади. Чангмўзанинг ким эканлиги маълум бўлгач, шоир достон хулосасида шундай дейди:

Бу Чангмўза ким аҳли имон эди
Ўзи аҳли замон мусулмон эди.
Ки сочлик учун они Чангмўза дер,
Киши куфридан муҳмолотларини ер.
Ота қўйган оти Юсуфхон эрур,
Отаси оти ҳам Умархон эрур.
қачон илоҳий ишга юзланиб,
Иродаи худо бирла мунда келиб,
казо етган эрди кесилди боши,
Анча афсус еманг бугун эй киши.

1825 йилги кўзғолоннинг фаол иштирокчиси аламзада аёл Нозугум ҳақидаги қиссасида эса унинг қисмати эзувчи ҳукмдорлар томонидан қуйидагича ҳал этилади:

"Бу хат кеча борса, кундузга қўймай ўлдирилсин.
Агар кундуз борса, кечга қўймай ўлдирилсин".

"Нозугум" насрий қиссасида келажакка ишонч ҳамда ватанпарварлик ғоялари, ўз халқининг тарихий тақдири ҳақида қайғуриш туйғуси ўз ифодасини топган.

Шоир ўз ҳаётида оддий халқнинг дин "уламо"лари томонидан алданаётганлигини, зулм чекаётганлигини, ортида эса уларни қўллаб-қувватлаб фойда кўрувчи юрт амалдорлари турганлигини ўз кўзи билан кўрди. Ўзи ҳам улардан азоб чекди. Нафратини яширмади. Бу нафрат сатрга кўчди. Сатрлар дoston бўлди. Бу дostonларда руҳонийларнинг, бой-амалдорларнинг ифлос қилмишлари фош этиб ташланди. Шунинг учун ҳам Билол Нозим ўз давридаги юрт бошида турганлар томонидан қадрланмади. Аксинча, ҳақоратланди. Лекин шоир ўз кудратига ишонди, ватанига бўлган чексиз мухаббатига ишонди:

Ёмон кўрманг мени дўстлар, эгамнинг бир қулидурман,
Киши қадримни билмайдур, ватаннинг гавҳаридурман.
Киши билмас латиф сўз дуррини халқлар уза сочдим,
Ки сўз бобига келганда суханварларнинг дуридурман.

Бугунги кунда Билол Нозим ўз ватанига, халқига чексиз мухаббатли бир инсон ва адабиётига фидойи, садоқатли бир ижодкор тимсолида қадрланмоқда.

Чўққиларга туташ тақдир

“Укам Умаралининг аҳволи кундан-кун оғирлаша бошлади. Дадам унинг касалини “кўз”дан кўрар эди. Умарали жуда бўлиқ, шўх, тили ниҳоятда бийрон бола эди. Дадам ҳар куни ишга кетишда ҳам, ишдан қайтиб ҳам уни қўлига олар, суяр, чуғирлатар, гапларига, қилиқларига завқ қилиб кулар эди. Онам уни “суқ кўз”дан асраб, тўни, ҳатто кўйлақларига ҳам кўзтумор, кўзмунчоқ таққан, ҳар куни эртаю кеч унга исириқ солар эди”.

Бу парча Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” қиссасидан олинди. Умарали А.Қаҳҳорнинг ёруғ дунёдан жуда ёш кетган укаси. Оила бошига тушган бу фожиа Абдулланинг мурғак қалбини ларзага солади.

Мақоламиз бу ҳақда эмас. Лекин қандайдир боғлиқлик томони бордай. Биз таниқли адабиётшунос олим ва танқидчи Умарали Норматов ҳақида фикр юритмоқчимиз. “Уйимизда бир бор меҳмон бўлган бу ёзувчи ўша-ўша бир умр уйимизнинг энг азиз кишисига, ўз одамига айланди”¹ – деб хотирлайди олим Абдулла Қаҳҳор ҳақида.

Баъзан исмлар ҳам қандайдир риштага айланиши, инсон ҳаёти билан боғлиқ жиддий нарсаларга туртки бўлиши мумкин. Балки ўша дамда қаршисида турган жонли бир инсон – Умаралига нисбатан адиб қалбида меҳр пайдо бўлган бўлса ажабмас. Ахир марҳум укасининг исмини эшитганда, бир бор бўлса ҳам А.Қаҳҳор кўз ўнгида акалик меҳрини беришдан бенасиб қолган ўша йиллар, ўша болалик хотиралари жонланмаслиги мумкинми. Мана шу табиийликка таянадиган бўлсак, мақоламиз бошида келтирилган парча ҳам ва унга қандайдир боғлиқлик томони бордай деган фикримиз ҳам ортиқча эмасга ўхшайди. Қолаверса, кўп нарсаси инсон қалбидаги англаб бўлмас нозиккина бир туйғудан бошланади.

Нима бўлганда ҳам Умарали Норматов Абдулла Қаҳҳордай унча-мунчани хушлайвермайдиган, талабчан ва нозик қалб эгасининг назарига тушди. “1960 йили кутилмаганда Абдулла Қаҳҳордан мактуб келиб қолса бўладими!...” деб ёзади юқоридаги

¹ Умарали Норматов. Адабий танқид жонкуяри (мақола). Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида. Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1987, 177-бет.

хотира мақоласида. Қуйироқда эса “Сал фурсат ўтмай, Абдулла Қаҳҳор мени устозим Озод Шарафиддинов орқали уйига – Дўрмондаги боғига таклиф этди”, - дейди ва мақола сўнгида қуйидагиларни алоҳида қайд қилади: “Ниҳоят, Абдулла Қаҳҳорнинг кўп ёшлар қатори менга кўрсатган шахсий ғамхўрлигидан, жонкуярлигидан, маслаҳат ва мададларидан беҳад миннатдор эканимни айтиб ўтишим керак. У менинг оилавий, моддий аҳволим, яшаш, ишлаш шароитим, ўқишим ҳақида доимо суриштириб турар эди”.

Айтиш мумкинки, Умарали Норматов ижодий фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ Абдулла Қаҳҳор таъсирида шакллана бошлади. “Униаерситетда, Ёзувчилар уюшмасида А.Қаҳҳор иштирок этган учрашувлару ҳар хил адабий анжуманларга қанда қилмай боргим, бу аллома адибнинг тўла мағизли, ниҳоятда зарур ва нишонга беҳато урадиган, гоҳо омбурдек узиб оладиган, даврани тўлқинлантириб юборадиган нутқларини мароқ билан эшитар эдим”, - деб ёзади олим ўша талабалик ва аспирантлик йилларини эслаб.

Ўша йилларда, аниқ қилиб айтадиган бўлсак, 1957 йилда ёш олимнинг биринчи мақоласи босилиб чиқади. Демак, унинг ёзганлари 11 йил Абдулла Қаҳҳорнинг “Ҳақиқат чиғириғи”дан ўтиб турган ва чиғириқдан бутун чикмаганлари ҳам бўлган. “Ёзувчилар уюшмасида қандайдир адабий йиғин бўлдию Абдулла Қаҳҳор сўз олди; Жумладан, ёшлар ижоди ва адабий танқидчилик хусусида тўхталиб, қутилмаганда: “Менинг ёш танқидчи Умарали Норматовдан умидим қатта эди, мен уни ҳалол, объектив мунаққид деб билардим...” “Маданият”даги кейинги мақоласини ўқиб қаттиқ ранжидим. Умарали худди цирк паҳлавонлари каби енг шимариб майдонга тушибди-да, иккита улўғга таъзим қилиб, сўнг кучи етадиган ёшларни роса дўппослабди...”, деса бўладими!.. Бу сўзларни эшитиб баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Абдулла Қаҳҳор ҳақ: ўша мақоламда иккита мансабдор ёзувчининг ўртачароқ асарлари кўкларга кўтариб мақталган, беозор ёшларнинг ҳикоялари эса хийла қаттиқ танқид қилинган эди. Бу дакки менга унутилмас сабоқ бўлди”.

Абдулла Қаҳҳор вафот этганидан сўнг асосан унинг ўғитларини олганлар, унга эътиқод қўйганлар, унинг жонкуярлигини, жасоратини маълум даражада давом эттира бошлаганлар ўзбек адабий танқидчилигининг савиясини, қолаверса, таъсирини сақлаб турдилар. Булар қаторида Умарали Норматовнинг алоҳида ўрни бор. Тўғри, Шўро даври адабиётшунослиги ва танқидчилигидаги сиёсий қолипга мажбуран тушишдек қисматдан ҳеч ким қутула олган эмас. Лекин Озод Шарафиддинов айтганидай, бу авлод ўз соҳасида қўлидан келган ишларни қилди. Шу ўринда мен олдинги мақоламда айтган фикрларимни яна бир бор эслатиб ўтишни жоиз деб биламан: “У.Норматов ҳеч вақт методни догматик тушунган эмас, аксинча, ҳамиша социалистик реализмни “очиқ система” деб билганлар қаторида бўлган, унинг рамакаларини кенгайтиришга интиланган”. Агар мана шу интилиш бўлмаганда эди, олим юрагида чўкиб ётган ҳақиқатлар мустақилликдан сўнг бу қадар шижоат билан юзага чиқмасди. Мустақиллик яна бир муҳим синов бўлдики, бунда эркин фикрлай олмайдиган, жаҳон бадиий тафаккуридан беҳабар мутахассислар бадиий асарларни янгича идрок этишдек давр қўйган муҳим вазифа олдида ожиз бўлиб қолдилар.

Умарали Норматов истиқлол йилларида, аввало, энг фаол ижодкорга айланди. Олимнинг ҳар бир мақоласи, ҳар бир китоби янгича фикрлашнинг маҳсули сифатида дунёга келди. Шу йилларда нашр қилинган “Абдулла Қодирийнинг бадиий дунёси”, “Қодирий боғи”, “Ўтган кунлар ҳайрати”, “Тафаккур ёғдуси”, “Умидбахш тамойиллар”, “Қаҳҳорни англаш машаққати”, “Устоз ибрати”, “Уфқларнинг чин ошиғи”, “Ижод сеҳри” каби китоблари, ҳозирги адабий жараён муаммоларига бағишланган кўплаб мақола, суҳбат ва тақризлари ҳақиқатан ҳам меҳнаткаш, фидойи, жонкуяр, изланувчан, ҳақиқатгўй, хурфикрли, камтар ва самимий бир олимнинг маънавий қиёфасини намоён этиб турибди. Мустақиллик йилларида Умарали Норматов яна бир жиҳатга кўпроқ эътибор қилганлигини сезамиз. “Танқиднинг энг асосий вазифаси – истеъдод билан ёзилган асарларни кашф этиш”, - деган экан Абдулла Қаҳҳор. Олим дастлаб Қодирий асарларини қайтадан, янги бир нигоҳ билан кашф этишга куч берди. Сўнг Абдулла Қаҳҳор асарларига: “Қаҳҳорни англаш машаққати” номли мўъжазгина китобчасида мунаққид

адиб асарлари катидаги шу пайтга қадар англамаган мазмунларни очиб берди. Китобни ўқигач, 80-йиллар охири 90-йиллар бошидаги Шўро даври адабиётига нигилистик муносабатнинг асоси бўшлигига амин бўламиз. Шуниси эътиборлики, У.Норматов Абдулла Қаҳҳор ижоди билан XX аср Ғарб адабиётидаги оқимлар орасида муштарак нуқталарни кўради. Хусусан, адибнинг асарларида “абсурд туйғуси” борлигини ёзади. Тўғри, бу фикрга кўпгина адабиётшунослар қўшилмади, матбуотда баҳслар бўлиб ўтди. Бироқ мунаққиднинг фикрини буткул асоссиз деб бўлмайди. Ҳали бу ҳодисани - 70 йил изоляция ҳолатида қолган ўзбек адабиётига ўша давр Ғарб адабиётининг таъсири масаласини ўрганишга бағишланган асарлар яратилади, баҳсли масала ҳал қилинади. У.Норматов билдирган фикрлар эса муаммога илк бор диққатни жалб этиши, ўша ишларни амалга оширажак тадқиқотчиларнинг фикрига тўртки бериши жиҳатидан катта аҳамиятга эгадир. Ҳатто бугунги ўзбек модерн шеърятини ҳақидаги баҳсли, мунозарали тортишувларда ҳам олимнинг тағ-заминли, илмий, қолаверса, бағрикенглик билан айтган фикрлари мутахассисларни ҳам ҳолисона ҳулоса чиқаришга ундайди. “Эҳтимол, - деб ёзади мунаққид, - ҳозирги ўзбек модерн шеърятини ҳам, насрида ҳам Ғарб ёки Шарқ “модерн”чиларига қандайдир тақлидлар учрар. Бироқ яхлит олганда ҳозирги ўзбек модерн адабиёти миллий заминда, бугунги глобаллашув ва информатика даври тафаккури маҳсули сифатида дунёни янгича кўриш, англаш эҳтиёжи сифатида туғилган, туғилаётган табиий адабий ҳодисадир”. Бу фикр модернизмга кескин танқидлар ёғилиб турган бир пайтда айтилганлигини ҳисобга олинадиган бўлса, унинг таъсир кучи, қуввати нечоғлик эканини англаш қийин эмас.

Истеъдод билан ёзилган асарларни кашф қилиш танқидчи учун ўзини кашф қилиб беришдек бир гап. Бу жараёнда унинг ўзига хос фазилати очилади.

“Ёшлик”да чиққан “Тафаккур” номли ҳикоянгиз мени Сизга мактуб йўллашга ундади, - деб ёзади олим Зулфия Қуролбой кизига. – бошқа ҳамкасбларимда қандай, билмайман, шахсан ўзим ўртача ёки бўш асарни ўқиганимда ҳар доим “танқидчи” ҳолига тушаман, асарларнинг кам-кўстлари, ожиз жиҳатларини, сунъий-ясамалигини баралла кўриб, йўл-йўлакай таҳлил этиб бораман. Ҳақиқий санъат намуналарига дуч келганимда эса мунаққидлик ҳунаримни бутунлай унутиб муайян муддат ўша асар ичида яшайман, асар персонажлари менинг учун тирик одамларга айланади, воқеалар “иштирокчиси” сифатида персонажлар билан мулоқотга киришаман, уларнинг ташвишу қувончлари, оҳу зорлари, ўй-мушоҳадаларига шерик тутинаман. Кейинги йилларда миллий адабиётимизда пайдо бўлган икки асар мутолааси чоғи айни шундай ҳолатга тушдим. Олдинроқ бир суҳбатда Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи мутолааси мени не кўйларга солгани хусусида сўзлаган эдим. Мана энди сизнинг “Тафаккур”ингиз билан танишиш чоғи кўнглимда кечган армону аламлар, ўй-мушоҳадалар ҳақида гапирсам дейман”.

Асар мутолаа қилганда бундай ҳолатга тушиш фақат қалбли инсонларгагина хос. Бундай қалб соҳиблари агар танқидчи бўлса, бу албатта, китобхоннинг ютуғи. Чунки юрак ҳаяжонидан, эҳтиросидан тўкилган ҳар қандай сўз юракка етиб боради. Ҳатто танқид бўлса ҳам. Умарали Норматовдаги асардан гўзаллик излаш, ундан ҳайратланиш ва шу ҳайратини ўқувчиларга “юктириш”га интилиш унинг илк адабий танқидий чиқишлариданоқ бошланган эди. Шуниси муҳимки, худди шу нарса мунаққиднинг бутун фаолиятига хос ўзак хусусият, унинг асосий ижодий принципи бўлиб қолди. Ҳатто кейинги йилларда “Умарали ака шоирона эҳтиросларга бериладиган бўп қолдилар”, деган танқидлар ҳам айтилди. Тўғри, бу эҳтирос, бу ҳайратга мунаққиднинг яна бир фазилати – бағрикенгликнинг қўшилиши баъзан биров орттириб баҳолаш ҳолларини ҳам келтириб чиқарди. Бироқ бу мутлақо беғараз орттириб баҳолаш, аниқроғи, ғараз бўлса бордир, фақат у ижодкордан яхшироқ асарларни кутиш, китобхонни ушоққина гўзалликни ҳам қадрлашга ўргатишдан иборат ҳолос.

Танқидчилик шундай аччиқ бир санъатки, истасангиз ҳам ҳаммани миннатдор қилиш мумкин эмас. Ҳақиқат билан иш кўришнинг қонуниятини – шу. Лекин ҳақиқий талант соҳиби танқидчидан нима кутиши мумкин. Асаридан кўнгли тўқ бўлса, мактовлар

ёғилиб турган бўлса. Энди унинг кутгани шу: асарида айтмоқчи бўлган юрак дардларини, аламлари ва орзу-армонларини топиб уни юрак билан китобхонга етказа олса. Ишонч билан айтиш мумкинки, кўплаб истеъдодлар Умарали Норматовнинг нозик қалби, эҳтироси, ҳайрати ва ўткир қалами орқали ўз кутганларини топа олганлар ва ундан миннатдор бўлганлар. Мана шунга биргина мисол. Олимнинг ўзи ёзади:

“Шу кунларгача Тоғай Мурод тўғрисида ёзган нарсаларим савия-даражаси ўзимга аён, улар ҳар жиҳатдан Тоғай Мурод бадиий кашфиётлари даражасида эмаслигини сезиб тураман. Лекин Тоғай Муроддек ғаройиб сиймо, ноёб истеъдод эгаси ёзганларимдан мамнун бўлгани, бу дунёдан менинг камтарона ишларим учун миннатдор ҳолда кетганлигидан кечикиброқ бўлса-да хабардор бўлиш мен учун катта бахт!”

Мақоламизни Абдулла Қаҳҳордан бошлаган эдик. У адабиётимиз ва танқидчилигимизнинг юксак чўққиларидан эди. Лекин танқидчилигимизда яна бир чўққи қад кўтарган. Бу – Ўзбекистон Қаҳрамони, жасоратли ва фидойи олим Озод Шарафиддинов. Умарали Норматовнинг бахти шуки, тақдир уни шу икки чўққига туташтирди. Чўққиларга туташ ҳар қандай тақдир эгасининг ўрни ҳам, албатта, юксакларда бўлиши табиий.

Олимнинг олами

Ҳар гал Қамчиқ довонидан ўтаётганимда нимагадир Меҳри холанинг "Тоғдан эҳтиёт бўлиб ўтгин" деган сўзлари қулоғим остида такрорланадиган бўлиб қолди. Бу сўзларни севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" китобида ўқиган эдим. Мен бу аёлни умримда кўрмаганман. Лекин шаҳри азим Тошкентнинг Дўмбиравот маҳалласидаги Меҳри хола яшаб ўтган хонадонда бир неча бор меҳмон бўлиш менга насиб этди. Чунки бу аёлнинг ўғиллари Ўзбекистон Миллий университетининг профессори, таниқли адабиётшунос олим, устозимиз ва қадрдон домламиз Абдуғафур Расулов бўладилар. Мен ҳам буни кейинчалик билдим. қачонки домланинг Ўткир Ҳошимов ҳақидаги "Ардоқли адиб" портрет китобини ўқиганимдан сўнг. "кисседа менинг онамга бағишланган "Ҳавас" ҳикояси бор, - деб ёзади муаллиф. -Эсимда, "Ҳавас"ни Ўткиржон ҳеч нарса бўлмагандай, навбатдаги ҳикоядай ўқий бошлади. Мен яп-янги "Москвич"имни, ўғилларимни танидим. Онамнинг кўзлари бир йилдан ортиқроқ вақт ёруғ дунёни кўрмай қолди. Машҳур доктор, ажойиб инсон Муҳаммаджон Комиловга операция қилдириб, кўзларини очтириб олди. Ҳикояда бу воқеалар бор эди. Ҳамманинг онаси меҳрибон. Аммо мен онамнинг ёлғиз ўғиллари эдим.

-Ўткиржон, -дедим "Ҳавас"ни тинглаб бўлгач. -Онани, сайёҳ дўстингизни, унинг "шпана" ўғилларини танидим. Майли, уларнинг номлари "тўқима" бўла қолсин. Сиздан илтимос ойимни ўз номлари билан ёзсангиз. Меҳри хола деб атасангиз, бир хотира бўлиб қоларди-да, қолаверса, Пошша холам билан ойим ниҳоятда аҳил, дардкаш эдилар.

"Дунёнинг ишлари" ёзилиб бўлинганидан бир неча йил ўтгач, менинг онам - Меҳри хола ҳам вафот этдилар. қачонки "Ҳавас"ни ўқисам, онамнинг "хол-хол доғ босган кўлларини" силаб-сийпагим, кўзларимга суртгим келади".

Бу сатрларни ўқиб "Дунёнинг ишлари"ни яна бир бор кўлимга олдим. "Ҳавас"ни ўқидим. Ҳақиқатан ҳам, Меҳри холанинг ўз фарзандига бўлган оналик меҳр-муҳаббати жуда таъсирли қилиб берилган экан. Менинг диққатимни тортган яна бир жойи ҳикоянинг охиридаги ёзувчининг юрак-юрагидан тўкилган қуйидаги сўзлари бўлди:

"Сенга қанчалик ҳавас қилаётганимни билсанг эди!"

Ҳа, онаси тирик фарзандларга ким ҳавас қилмайди. Лекин ўз ахлоқ-одоби билан, юксак инсоний фазилатлари билан, тинимсиз меҳнат-машаққатлари туфайли эришган ютуқлари билан, эл-юртга қилаётган хизматлари билан ҳавас қилгулик инсон даражасига етишдек бахтга ҳар ким ҳам сазовор бўлолмайди. Истеъдодли олим Абдуғафур Расулов мана шундай даражага етишган бахтли инсонлардан биридир.

Менинг домлага бўлган диққат-эътиборим, қолаверса, ҳурматим китобдан бошланган эди. Эсимда, 1978 йил. Эндигина Тошкент Давлат университетида қабул қилинган пайтларим. Сентябрь ойидаёқ пойтахт вилояти хўжаликларида меваларни йиғиштириб олишда ёрдам бериш учун юборилдик. Ўшанда, Ғазалкентдан Абдуғафур Расуловнинг "Янги замон-янги қаҳрамон" китобини олдим. Тоғ ён бағирларидаги бу сўлим гўшанинг сокин оқшомларида китобни ўқиб чиқдим. Ўқиб чиқдим, юрагимга тоғнинг мусаффо ҳавосидай покиза туйғулар кириб келгандай бўлди. Адабиёт ҳаётнинг гўзал фалсафаси эканлигини ҳис қилдим. Китоб "Келажак масъулияти" номли мақола билан бошланган. Абдулла Ориповнинг "Йироқ авлодларга бизлардан аммо қай бир ҳислатимиз қоларкин, ажаб?" шеърий сатрлари эпиграф қилиб олинган. Бу бежиз эмас, албатта. Мақола ҳам мана шу руҳда бошланади: "Кўҳна тарихнинг вақт ўлчагичи инсон умрини эҳтимол лаҳзаларга тенг деб топар. Тарих одимида лаҳзалару инсон учун туганмас бойлик бўлган умрнинг фавқуллоҳда катта маъноси, кўриниши бор. Инсон умрга замону маконни жо қилмоқчи, унинг ҳар онини мазмун билан безаб, мақсад билан ёритмоқчи бўлади. Умр мазмуни деганда аждодлар олдидаги қарзу авлодлар қаршисидаги бурч тушунилади. Унинг мақсади ҳақида ўйлаганда инсониятнинг эрк, бахт ҳақидаги асрий орзулари хотирга келади". Ўшанда мен - ёш талаба балки бу сўзларнинг маъзини қақиб кўрмагандирман. Лекин бир нарсани очиқ айта оламанки, бадий асарни юрак билан қабул қилиб, ақл билан ҳулоса чиқариш кераклигини тушуниб етгандим. Ниҳоят нуфузли даргоҳда китоб муаллифини кўриш, суҳбатлашиш ва маърузаларини тинглаш бахтига ҳам муяссар бўлдим. Мана шунга ҳам чорак асрлик муддат ўтди. Бу даврда домланинг бир қатор китоблари чоп этилди. Айниқса, газета ва журналларда кўплаб мақолалар эълон қилдики, улар долзарблиги билан, адабий жараённинг қайнаб турган муаммоларини ёритганлиги билан, яхши асарларнинг тарғиботи ва адабиётимиз софлиги учун қайғуриш руҳида ёзилганлиги билан аҳамиятлидир. Домланинг устози, даврнинг етук олими Озод Шарафиддинов "Танқидчилик касби ҳақида" мақоласида "Танқидчининг кучи, танқидчининг қадри унинг адабий жараёнга таъсири билан белгиланади", деб ёзган эди. Абдуғафур Расулов - садоқатли ва эътиқодли шогирд. Танқидчиликда чуқур билим ва истеъдоди, ҳалол ва тўғрисиўзлиги билан устозининг ишончини оқлаган олим. У ўз касбининг - танқидчиликнинг жонкуяри сифатида шаклланди. 1985 йилда чоп этилган "Танқидчилик уфқлари" китобидан тортиб "Илми ғарибани кўмсаб" (1998) номли рисоласигача бўлган изланишларида танқидчилигимизни ўзининг чуқур илмий ўзанига буриш ҳаракати яққол сезилади. Шарқ адабиётшунослигидаги талқин илми ҳақида фикр юритиб, танқидчиликда янгича ёндашувларнинг шаклланиши зарурият эканлигини илмий асослаб беради. Бу илмий фикрлар янада сайқалланиб, бойитилиб, жаҳон адабиётшунослигидаги илғор назарий қарашлар ва тушунчалар билан қўшилиб, олимнинг "Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси" (2002) номли докторлик тадқиқотида ўзининг мантиқий якунини топди: Абдуғафур Расулов танқид назариётчиси сифатида эътироф этилди. Ниҳоят, 2006 йилда домланинг "Танқид, талқин, баҳолаш" номли китоби босилиб чиқди.

Халқимиз орасида "Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин", деган ибора юради. Балки одамгарчиликни, инсонийликни унутган, фақат ўзини ўйлайдиган, ўзи учун қайғуриб, фақат ўзимга бўлсин деб яшайдиган кимсалар тез ва осонгина олим бўлар. Лекин илм тараққиётини ўйлайдиган, эл-юрт манфаатини юксак тутадиган ҳақиқий олим учун илм қилиш осон ва машаққатсиз йўл эмас. Абдуғафур Расулов ҳам олим бўлишдек, ҳам одам бўлишдек икки қийин йўлни босиб ўтди. У фахрланишга арзигулик фарзанд, ўрнат олгулик оила бошлиғи, жонкуяр маҳалла аъзоси, кадрдон ва садоқатли дўст, эътиқодли шогирд, меҳрибон устоз, тажрибали мураббий, салоҳиятли олим... Бу фазилатларни кўпчиликда учратиш мумкин. Лекин Абдуғафур ака бошқаларда камдан-кам учрайдиган ноёб бир фазилат соҳиби ҳамдир. У фикрга жон бағишловчи, фасоҳат билан сўзловчи нотик. қадимда нотиклик санъат даражасида кадрланган. Чунки тингловчининг руҳига таъсир этиш, уни ишонтириш, ром этиш учун, аввало, чуқур билим

ва теран фикр, сўнг мафтункор услуб керак. Домланинг маърузаларини тинглаган талабалар нафақат билим олишган, балки сўзнинг гўзаллиги, унинг куч-қудрати олдида ҳайратланишган ҳам. Мен Абдуғафур аканинг дарсларини "бир актёр театри"га ўхшатгим келади. Чунки ҳар бир оҳанг, ҳар бир тўхталиш, ҳар бир қайтариқ, ҳар бир ҳаракат нутқнинг гўзаллигига гўзаллик, кучига куч қўшарди.

Нотиклик домланинг мақолаларига ҳам ўзгачалик, ўзига хослик бағишлайди. Мириқиб ўқийсиз. Ҳатто танқидий руҳда ёзилган мақолаларида "хамирдан қил суғургандай" услуб шундай маромига етказиладики, натижада ёзувчининг ўзи ҳам ҳақ сўзнинг гўзал аччиғидан озор топмайди. Лекин мақсадга эришилади. Нотиклик санъатининг ютуғи ҳам шу, қолаверса, олимнинг ҳам. Аслида ҳам Абдуғафур ака табиатан самимий, ширинсухан, сўзамол ва дилкаш инсон. Унинг адабиёт ҳақида вазминлик билан юритган мушоҳадалари ўзига хос ички маданиятнинг юксаклигидандир. Зеро, бу фазилат олимнинг маънавий қиёфасига янада салобат бағишлайди.

Мақоламиз аввалида олимнинг Ўткир Ҳошимов ҳақидаги "Ардоқли адиб" китобини тилга олган эдик. Ҳавас ҳақида гапиргандик. Буни қарангки, Абдуғафур Расулов китобни шундай тугаллабди: "Мен 60 ёшга тўлаётган ёзувчини кузатар эканман, нурли ҳаёт йўлини, ажойиб ижод пиллапояларини босиб ўтаётган бу файзли инсонга ҳавасим келди".

Яхши инсонлар доимо ҳавас қилиб яшайди, деб эшитгандим. Балки ҳавас яхшилиқнинг абадийлиги учун бир ҳалқадир. Агар шундай бўлса, сиз боғланган ва сизга боғланган ҳалқалар ҳеч қачон узилмасин.

Олимнинг салоҳияти ундаги тафаккур қувватининг қай даражада эканлиги билан ўлчанади. Лекин бу ўлчов ҳам юксак билим соҳибининг сурати ва сийратини бир бутун ҳолда борица намоён эта олмаслиги мумкин. Чунки ҳақиқий олим ҳар томонлама шундай шаклланиб борадики, охир-оқибатда бир ўлчовга сиғмай қолади. Мана шу сиғмасликнинг замиридан олим шахсини юксалтирувчи фазилатлар бўй чўзади. Агар бу фазилатлар фан равнақи, эл манфаати ва инсон камолоти учун йўналтирилган бўлса, тафаккурнинг куч-қудрати жамият тараққиётига ўз таъсирини ўтказишдан тўхтамайди.

Мана шундай эзгу мақсадда қалам тебратаётган олимлардан бири, таниқли адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулдир. Фозилу уламолар юрти кўҳна Бухоро заминиди ўсиб улғайган олимнинг ҳаёти ва фаолияти яна бир муқаддас замин кўҳна Шош – шаҳри азим Тошкент билан боғланган. Балки бунда ҳам бир ҳикмат бордир. Чунки бу икки муқаддас заминдан не-не улуғ зотлар етишиб чиқмаган дейсиз. Мана шундай муҳитдан руҳий қувват олишнинг ўзи ҳам олимнинг шаклланишда мададкор бўлган бўлса ажабмас.

Иброҳим Ҳаққул тан олинган олимлар сирасига киради. Адабиётшунослигимизнинг забардаст вакиллари билан, Ўзбекистон Қаҳрамони, марҳум Озод Шарафиддинов ўзининг “фикр эркинлиги – зарур эҳтиёж” номли “Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулга очик хат”ида ёзади: “Аввало шуни айтмоғим керакки, мен биринчи қадамларингизданок ижодингизни катта қизиқиш билан кузатиб келаман. Мени мақолаларингиз ва китобларингиздаги теранлик, мулоҳазалар ҳамда хулосаларнинг чуқур билимга асослангани, фикрдаги, илмий тафаккурдаги дадиллик ва ниҳоят, деярли ҳар бир саҳифадан барқ уриб турадиган самимият ўзига жалб қиларди. Айниқса, Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотларингиз, унинг бир қатор ғазалларига берган таҳлилларингиз, тасаввуф борасидаги изланишларингиз сизни адабиётшунослигимиз соҳасида олдинги ўринлардан бирига олиб чиқди. Сиз халқимиз ўртасида мумтоз адабиётимизнинг етук ва баркамол тадқиқотчиси ҳамда тарғиботчиси сифатида танилдингиз”. (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2004 йил, 14 май, 19-сон). Оқни оқ, қорани қора дегувчи ҳақ сўзли олимнинг яна бир ҳақ сўзларидан бир парчасигина холос бу. Ушбу хат Иброҳим Ҳаққулнинг “Абдулла Қаҳҳор жасорати” мақоласи муносабати билан ёзилган. Айниқса, шу мақолада Иброҳим аканинг эзгу дардлари, армонлари, қолаверса, чинакам олимлик қиёфасининг бир қатор муҳим белгилари кўзга янада яққолроқ ташланган эди. “Тапнинг индаллосини айтсак, - деб бошланади мақола, - адабиётимизнинг мустақилликдан кейинги қиёфасини мен бошқача тасавур қилганман. Истиклол адабиёти – ҳақиқат адабиёти, шижоат адабиёти, ҳавасга арзигулик ҳуррият ва маърифат адабиёти ўлароқ шаклланади, деб ўйлаганман. Юрти озод, тили, дили эркин ижодкор нега мутелик ва ожизликка кўнсин? Ёлғон ва тилёғламаликка не ҳожат? Саёзлик, маддоҳлик, офаринбозликдан ижод аҳли ҳар қалай холос бўлар, деб умид қилганман. Истеъдодсиз ижодкорлар, яроқсиз асарларнинг йўли тўсилишига ишонч бўлган менда”. (“Тафаккур” журнали, 2004 йил, 2-сон, 28-47-бетлар).

Биз мақоланинг бутун бир руҳини белгилловчи айнан шу жойини бекорга келтирмадик. Чунки олимнинг ўзига хос, бошқалардан ажратиб турувчи муҳим бир хусусият, зарур бир фазилат сингиб кетган ҳар бир сўзга. У ҳам бўлса, адабиётимизнинг поклиги ва тараққиёти учун қайғуришдир, жонкуярликдир. Иброҳим акадаги бу жонкуярлик унинг дастлабки ижодиданок бошланган десак асло муболаға бўлмайди. Олимнинг ўзи юқоридаги мақолада ижодининг илк бошланиш давлари ҳақида ҳам қуйидагиларни қайд қилиб ўтган эди: “Мен ҳам нимадир ёзгим, қай бир китобларга муносабат билдиргим келар, аммо ёзишга қийналардим, бордию ёзсам ҳам қониқмасдим. Шунда Абдулла Қаҳҳорни бир неча бор ўқиганим “Ёшлар билан суҳбат” ва олти жилдлигининг охиригисиди ўзимга жуда ёққан мақолаларни кўчириб ёзишга киришдим... шундан сўнг наинки танқид – адабиёт, бадиийлик, истеъдод ва ҳақиқат тўғрисидаги фикрларим ҳам тиниқлашди. Шунда мен Абдулла Қаҳҳор танқидчиларнинг ҳам донишманд устози эканини, унинг сабоқларига риоя қилиш, ғоявий-эстетик талабларини

бажариш бағоят қийинлигини билдим”. Шундан ҳам англашиниб турибдики, олимдаги қайғуриш ҳисси ўша йиллардаёқ улуғ устозлардан юкди ҳамда ўқиб изланиш орқали ўқиб борган дид, савия даражаси ҳам бадий асарларга талабчанлик билан муносабатда бўлишга ундади. Талабчанлик бора-бора дадилликка, дадиллик эса адабиёт майдонидаги аччиқ ҳақиқатлардан огоҳ этиб туришга олиб келди. 1987 йилда нашр қилинган “Бадий сўз шукуҳи” номли дастлабки адабий-танқидий мақолалари тўпламида: “Шеърятни “қундалик ёвғонга”, “кичкина дунёга” ошно этганлар, афсуски, кейинги йилларда оз бўлмади. Шеърят уларнинг қўлида айтарли “хирслар, тамалар” воситасига айланди. Шулар шеърятнинг кўзига хас ташлаганлар”, - деб куюнган бўлса (205-бет), йигирма йилдан сўнг чоп этилган “Тақдир ва тафаккур” китобида яна шундай фикрларни қайд қиладики, бундан маълум бир хулосага келиш мумкин. Олим ёзади: “Шеърят тарихининг ҳамма даврларида шеър ёзадиган иқтидорли, иқтидорсиз қофиябозлар кўп бўлган: бирлари шухрат ва шахсий манфаатларни кўзлаб шеърбозлик қилишган, яна бошқалари кўрқоклик, эътиқодсизликдан истеъдодини маддоҳлик билан хароб этишган” (194-бет). Ҳа, бу кабилар адабий муҳитга нохуш таъсир ўтказибгина қолмай, энг ачинарлиси китобхон савиясини пасайтириб юборади, қизиқишни сўндира боради, ниҳоят, адабиётнинг таъсир кучини сусайтириб ташлайди. Шунинг учун ҳам Иброҳим акадаги мана шу салбий ҳолатга қарши жонсарақлик ижодининг бошланишида куртак ёйган бўлса, бора-бора у бир дарахт каби мустаҳкам илдиз отди. Бу эса, албатта, мумтоз адабиётнинг улуғвор заминидан тер тўкиш заҳмати ила шаклланганлиги табиий. “Буюк санъаткор – инсон қалби ва ақлига теран таъсир ўтказа олган руҳ алломаси”, - деб англаган олим, аввало, ана шундай руҳ алломаларига мурожаат этди. Улар Яссавий, Навоий, Бобур, Машраб, Огахий, Увайсий, Аваз Ўтардан тортиб Чўлпону Ойбеккача; Рудакий, Аттор, Румий, Юнус Эмро, Жомий, Фузулий, Маҳтумқулидан тортиб Робиндранат Тагоргача; Лев Толстой Достоевский, Шекспир, Бальзак... қисқартирилган бу рўйхатни тўлдириш ва яна давом эттириш мумкин. Булар ўзбек ва Шарқ, рус ва Ғарб бадий тафаккур дунёсининг юксак чўққиларидир. Мана шу юксакдан туриб назар ташлаш, юксакдан туриб фикрлаш ва баҳо бериш, юксакдан туриб қайғуриш, ҳозирги ижодкорларни ҳам юксакларга чорлаш – буларнинг барчаси олимнинг ўзини ҳам юксалтирди.

Бугунги кунда Иброҳим Ҳаққул тинимсиз меҳнат ва изланиш натижасида Навоий ижодининг юксалишини таъминлаган бақувват томирларигача ҳақиқат кўзи билан қарай олиш даражасига ета олган ва буюк санъаткор тафаккур меваларининг ўз таъми, ширасини тақдим этишга жазм қилган ва бу йўлда дадил давом этаётган олимлар қаторида ўзига хос мустаҳкам мавқега эга.

Шўро даври адабиётшунослигидаги сиёсий жиҳатдан чекланишлар сабаб айримлар мумтоз адабиётимиз вакиллари ижоди ҳақида ногўғри хулосалар чиқаришга, ҳатто ҳақиқатга тубдан зид бўлган фикрларни илмий жараёнга ҳақиқатдай олиб киришгача бориб етидилар. Иброҳим ака илми мана шундай чалғитувчи фикрлардан тозалашдек муҳим ва зарур илм олдида доимо ўзини бурчли деб ҳис қилган. Бунга мисоллар етарли. Шу ўринда нафақат биттасига тўхталиб ўтмоқчимиз: “Навоийнинг кейин кириб келгани катта ҳаёт йўли, аччиқ ҳаёт тажрибалари унинг кўзини очди, тасаввуф уни, унинг севгилиси бўлган инсонни қаерга олиб боришлиги, нималарга эга қилишлиги унга ойдин бўлади. Тасаввуфнинг ғайри ҳаётийлиги фош бўлади, Навоий ундан узоқлашади...”. Бу ўша Шўро даврининг нуфузли олими томонидан айtilган, замон сиёсатига мос, лекин Навоий ҳаёти ва ижодига хос бўлмаган фикр эди. “Аксинча, - деб ўз хулосасини қайд этади Иброҳим Ҳаққул, - Навоийнинг “катта ҳаёт йўли, аччиқ ҳаёт тажрибалари” тасаввуфга уни янада яқинлаштириб, улуғ шоир илоҳий ишқ, мутлоқ ҳақиқат, руҳий камолот муаммоларини ҳар қачонгидан кенг ва теранроқ тадқиқ қилган”. (“Тасаввуф ва шеърят”, 131-бет). Бундай қарама-қарши хулосани кескин бир тарзда қўйишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун шу фикр айtilган даврга нисбатан маълум бир масофа оралиғидан ташқари, Навоий ижоди ва тасаввуф моҳиятига ҳақиқатни очишдек даражада

кира олган мутахассис ҳам бўлиши керак. Бунинг исботи сифатида эса олимнинг узок изланишлари маҳсули ҳисобланган “Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти” мавзuidaги докторлик диссертациясини келтириб ўтишнинг ўзи кифоя. “Занжирбанд шер қошида”, “Тасаввуф ва шеърият”, “Тасаввуф сабоқлари”, “Навоийга қайтиш”, “Тақдир ва тафаккур” каби бир қатор китоблари эса юксак тафаккур ва бадиият оламининг улуг вакиллари ижодига Навоий ижоди ҳамда тасаввуфга янгича фикрлаш билан ёндошилган ва шунинг учун ҳам ҳозирги давр илми талабларига жавоб бера оладиган, ҳатто бу борадаги кейинги тадқиқотларга асос ва замин бўла оладиган қимматли илмий манба ҳисобланади. Шунинг ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоизки, Иброҳим Ҳаққул Шарқ ижтимоий-фалсафий, адабий-маънавий тараққиётида муҳим ўрин тутган тасаввуф таълимотини ва мумтоз адабиётни ўрганиш муаммоларига кўпроқ жон куйдириб келмоқда. Тасаввуф ва тасаввуф адабиётини тадқиқ ва тарғиб қилишда ҳозирги даврнинг ўзига хос ахлоқий, маънавий, ижтимоий, сиёсий талаб ва эҳтиёжларини, албатта, ҳисобга олиш кераклигини алоҳида уқтиради олим. Шу борадаги дунё илмида қилинган ва қилинаётган ишларнинг сарҳисобидан келиб чиқиб эса қуйидаги аччиқ бир ҳақиқатдан илм аҳлини огоҳ этади: “Агар тасаввуф ва тасаввуф адабиёти бўйича чет элларда сўнгги йигирма-ўттиз йилда қилинган тадқиқотлар бирма-бир шарҳланадиган бўлса, демак, бу жабҳада юртимизда ҳали жиддий ҳаракат ҳам бошланмаган экан-да, деган хулосага келишга мажбур бўласиз... Шунинг учун тасаввуфни ўрганиш ва тадқиқотлар яратишда ўзибўларчилик ҳолига кўникиб, дунёда ортда қолишга ҳаққимиз йўқ”. (“Тақдир тафаккур”, 299-бет). Мен ушбу иқтибосдаги охириги жумлага эътиборингизни қаратмоқчиман: “Дунёдан ортда қолишга ҳаққимиз йўқ”. Бу Иброҳим аканинг энг оғир эзгу дардларидан деб ўйлайман. Буни эса олимнинг “кўп ва хўп” дегулик ижоди, қолаверса, фаолиятидаги жонкуярлик фазилати ҳам тасдиқлаб турибди.

Илму фан йўлида йилдан йилга янгидан янги тафаккур чечакларини очилтириб бераётган олим борки, доимо навқиронлашиб бораверади. Бу йил 60 ёш остонасини ҳатлаб ўтган Иброҳим Ҳаққул ана шундай заҳматкаш илм соҳибидир. Биз ҳам жонкуяр олимимизга тафаккур дунёсидаги навқиронлик ҳеч қачон тарк этмаслигини тилаб қоламыз.

Устозни эслаб...

Адабиёт илмидек сеҳрли оламга устоз билан учрашгунимга қадар университетни битирган, чалароқ бўлса ҳам дунёқараши шаклланган каминани иқтидорли олим, раҳматли Шарафиддин Шарипов илм қилишга рағбат уйғотгани ҳамиша ёдимдан чиқмайди. Айнан Шарафиддин ака Баҳодир Саримсоқовнинг олдиға етаклаб олиб боргани мени домлага таништириб, мавзу белгилаб, раҳбарликни бўйнига олишга кўндиргани ва ўртадаги бир соатлик икки истеъдодли олимнинг қизғин суҳбатини бот-бот эслаб тураман. Ўша учрашувда Баҳодир Саримсоқов жиддий, халқ таъбири билан айтганда қандайдир сири бор одамдай кўринса-да, менда дилкашгина, очиккўнгли киши сифатида таассурот қолдирганди. Уларнинг бир-бирини алқовчи чўнг муносабати, улардаги чуқур ақл-идрок, ўзига хос истеъдод, ички ҳиссиётлар, фикрларидаги муштарак жиҳатлар, ўзларининг суҳбатидан, дийдор кўришиб турганлигидан ўта мамнунлик ҳисси шундай сезилиб турар эдики, бу хушфеъллик, одамохунлик ҳар қандай одамга хуш ёқар, истаган кишини оҳанграбо каби ром этар, кўнглини эритиб юборар эди. Назаримда ота-боболаримиздан қолган кўркам фазилатлар бу икки олимнинг феъл-атвориға айланган эди. Уларнинг камтарлигида мутелик, ўзларини муносиб тутишида мағрурликнинг йўқлиги, бағрикенглик муомаласи ҳар қандай манфаатпарастликдан ҳолилиги мени жуда ҳайратга солган эди. Аввало тақдирнинг ўзи бизни Шарафиддин ака билан яқинлаштирган эди. Шарафиддин ака асли Ғузорлик бўлиб, талабалик йилларимизнинг бошидан охириға қадар унинг ҳамюрти Туйғунжон билан ижара уйлар ва талабалар ётоқхонасида бирга яшадик, таҳсил олдик. Шунинг учун ҳам дўстим Туйғунжон баҳона биздан тез-тез хабар олиб турар эди. Раҳматли Шарафиддин акани ҳам худди Баҳодир ака сингари жуда билим доираси кенг, сўз санъатини ҳар томонлама ҳис қилган, гапирганда ҳам катта илм билан гапирадиган олим сифатида кўпчилик билишади. Шарафиддин акадаги илмий дунёқараш одамларга бўлган муҳаббат билан уйғунлашиб кетган эди. Шунинг учун бўлса керак, ҳаммага яхшилик қилгиси келадиган беғубор инсон эди. Биз ҳам кўпчилик қатори дўстим билан у кишининг марҳаматидан бебаҳра қолмаганмиз. Яъни, Шарафиддин ака туфайли мен Баҳодир Саримсоқовдек илмий жамоатчилик орасида ўзига хос обрў-эътиборға эга бўлган олимга шогирд бўлиш бахтиға муяссар бўлгандим.

Баҳодир Саримсоқов қарийиб чорак аср мобайнида биз ва биз каби ўнлаб шогирдларининг бошини силаб, йўл-йўриқ кўрсатиб, хато-ю камчиликларимизни астойдил тушунтириб, адабиётшуносликнинг долзарб масалаларини сабр ва кунт билан ўргатиб келди. Мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида маърузалар ўқиб, ўз билими ва тажрибаларидан ёшларни баҳраманд этди. Мазкур маърузалар ўзининг илмий-услубий савияси билан анча баланд, тингловчини ҳайратга соладиган даражада ўзига хослиги билан ажралиб турар эди. Домланинг вилоятлардаги йирик олимлар билан ҳам илиқ муносабатларини жуда кўп марта гувоҳи бўлганман. Баҳодир ака иқтидорли олимларни жуда қадрлар, ҳурмат қилар, улар билан суҳбат қилиш, мулоқотда бўлиш унинг жони дили эди. Лекин Баҳодир акада инсонни ҳурмат қилиш аввало инсонийликдан келиб чиқиб ёндошиш хусусияти бирламчи эди. Шунинг учун ҳам Баҳодир ака бирор кишини мартабасига қараб муносабат ўрнатмаган эди. Андижонлик марҳум олимлар филология фанлари докторлари Фатҳиддин Исҳоқов, Исмоил Тўлаков, доцент Абдулазиз Абдулҳамидовлар билан ўз давралари бор эди. Айниқса, таниқли тилшунос олим, профессор Абдулҳамид Нурмоновға айрича ҳурмат билан муносабатда бўлиб, унинг илмий салоҳиятиға катта ишонч билан қарарди. Андижонға келганида домла билан дийдор кўришмасдан қайтмасди. Уларнинг соатлаб адабиётшунослик ва тилшуносликнинг долзарб муаммолари тўғрисида суҳбатлари ҳар қандай такаббурлик, баландпарвозлик ва нигилистик кайфиятлардан ҳоли эди. Адашмасам уларнинг ҳамкорликда лингво-поэтика ҳақида мақоласи ҳам чоп этилган эди. Домла камина, С.Мирзаева, Д.Қуронов, Ҳ.Карим каби ёшларни нафақат шогирд ёки ҳамкасб, балки, яқин иниси сифатида қадрлар, ўзгача самимий муносабатда бўлар эди. Домланинг маъруза ўқишға, дарсға бўлган муносабатига ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Биз шогирдларига олий ўқув юрти педагог мутахассиси учун биринчи навбатда дарснинг сифати асосий

мезон бўлиши лозимлигини ҳамиша уқтириб келадиган ўғитларидан эди. Баҳодир аканинг маърузаларида қатнашиш биз учун чинакам байрам билан баробар эди. Чунки аудиторияни тўлдириб ўтирган профессор-ўқитувчилар, талабалар анча мураккаб бўлган танлов фанлари бўйича домла томонидан олиб борилган ҳар бир машғулотлардан олам-олам таассуротлар билан бойиб чиқардик. Бир сўз билан айтганда, Баҳодир ака ўқитувчиликни касб эмас, балки ҳунар деб биладиган, уни санъат даражасида тасаввур этадиган мутахассислардан эди. Ана шу жараёнларнинг фаол қатнашчиси сифатида айтишим керакки, домланинг турли тадбирлар, меҳмондорчилик, ортиқча дабдабаларга на хуши, на тоқати бор эди. Домла мезбонларни имкон қадар безовта қилмасликка уринар, уларнинг турли хил таклифларини ҳам бирор баҳонани рўқач қилиб, рад қилишга ҳаракат қиларди. Ўша ташриф чоғларида бирга бўлиш давомида унинг ишлаш услубидан озми-кўпми хабардор бўлдим. Баҳодир ака кам ухлаб, кўп ўқирди. Тунлари асосий дам олиш фурсатларининг салмоқли қисмини китоб мутлоғасига ажратган эди. Бу фазилят домлага одатга айланган бўлсада, Андижонга келганда бу одатидан анча ўзини ноқулай сезар, шу сабабли ҳамиша мутлоғ қилишдан таскин топадиган хоҳишини қондириш учун меҳмонхона ёки ётоқхонада ўзи ёлғиз яшашни маъқул топарди. Университетимизга ташрифларидан бирида маърузани тугатгач, домлага ўзимизнинг профессор-ўқитувчиларнинг ҳажман салмоқли иккита китобини тақдим этдик. Эртасига домланинг мазкур китоблар ҳақидаги батафсил, теран мулоҳазаларини эшитиб, ўзимиз ҳам ҳайрон қолдик. Ҳа, домла Баҳодир Саримсоқов ана шундай заҳматкаш мутахассис, иқтидорли олим, меҳрибон мураббий ва фидоий зиёли инсонлардан эди.

Баҳодир Саримсоқов бутун умри давомида Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида хизмат қилди. У ана шу илм даргоҳининг ўзига хос бўлган овози, ўз услубига эга бўлган тадқиқотчи, тинимсиз изланишни ҳаёти ва фаолиятининг асосий меъзони деб билган олимларидан эди. Домла илмий жамоатчилик орасида аввало зукко фольклоршунос сифатида шуҳрат қозонган, ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг толмас тадқиқотчиси ва тарғиботчиси эди.

Айниқса, унинг бу борадиги фазилатлари институтнинг фольклор бўлимида фаолият кўрсатган пайтларида бўй кўрсатди. Унинг "Ўзбек адабиётида сажъ" монографиясида ўзбек фольклори ва адабиёти материаллари асосида сажъ санъати теран таҳлил этилган бўлса, "Ўзбек маросим фольклори" монографиясида ўзбек фольклоридаги қадимий урф-одатлар, эътиқодий тасаввурлар, расм-русумлар, рамзлар, умумтуркий халқлар маданияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилди.

Шунингдек, олимнинг фольклоршунослик муаммолари юзасидан эълон қилган барча мақолаларида теран фикр, изчиллик фазилатларини кузатиш мумкин. Айниқса, "Ўзбек фольклорининг жанрлар состави", "Эпик жанрлар диффузияси", "Фольклоршунослигимиз уфклари", "Халқ мақоллари ҳақида", "Фольклор ва адабиёт муносабатлари масаласига доир" каби мақолаларида фольклор ва замон муносабатларининг энг муҳим проблемалари қамраб олинган.

Баҳодир Саримсоқов фольклор экспедицияларида фаол қатнашиб, халқ меросини тўплаш, тартибга солиш ва унинг сара намуналарини нашр этиш сингари ҳайрли ишларга ҳам муносиб ҳисса қўшди. Мана шу ишларнинг натижаси ўлароқ "Кулса гул, йиғласа дур" эртаклар, ҳамкорликда икки жилдлик "Ўзбек халқ мақоллари", тадқиқотчи Фарида Йўлдошева билан биргаликда "Ўзбек халқ латифалари", заҳматкаш олима Зубайда Ҳусаинова билан ҳамкорликда "Юсуф ва Аҳмад" достони, шунингдек, "Иброҳим Адҳам қиссаси", "Або Муслим жангномаси", "Нурали" халқ китоблари, матал ва лофлар тўпламлари каби нашрлар вужудга келди.

Баҳодир Саримсоқов фольклоршунослик муаммоларини чуқур англаб, масалага янги соғлом назар билан қарай оладиган, ўз соҳасининг нозик сирларини теран илғаб оладиган билимдон мутахассислардан эди. Хусусан, фольклоршуносликда "Алпомиш" достони аввал эртак сифатида пайдо бўлган, сўнг дostonга айланиб, қуйлана бошлаган деган ҳукмрон қарашларни асоссиз эканлигини ўзининг "Алпомиш" эпоси ҳақида уч

этиюд" мақоласида жаҳон фольклоршунослик фанининг энг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда мантикий асосда исботлаб берди: "қаҳрамонлик эпосининг тарихий асосларини баҳодирлик эртақларига олиб бориб боғлаш уни халқ тарихидан, реал воқеликдан айрича олиб қарашга олиб келади. Чунки эртақ сюжети соф бадиий тўқимага, ҳаёлий уйдурмага асосланса, қаҳрамонлик ҳамда тарихий эпос халқ тарихининг нисбий аниқликдаги бадиий инъикосидан иборат... Бизнингча, қаҳрамонлик эпоси ҳеч қачон, ҳеч бир халқда эртақ сюжети асосида яратилмаган.

...Тарихий воқелик эртақка айланса, у реал воқелик қолипидаги ёлғонга айланади. қаҳрамонлик эпоси эса ёлғонни, уйдурмани эмас, балки нисбатан аниқ тарихий воқеликни тасвирлайди. Эпос таркибида нисбий тарихий воқелик даврлар ўтиши билан ўз илдиэларидан узоқлашиб, мифологик ёки уйдурма мотивлари билан бойиб боради. Илмий тилда айтганда, меморат фабулатга айланади...

...Хуллас, ўзбек "Алпомиш" достони олтой, татар, бошқирд ва ўғиз баҳодирлик эртақлари сюжетлари асосида вужудга келмаган. Мазкур сюжетлар асосида "Алпомиш" номи билан боғлиқ ягона бобосюжет мавжуд бўлган кўнғиротларнинг татар, бошқирд, олтой, қозоқ, қорақалпоқ каби бошқа халқлар таркибига кириб қолиши уларнинг барчасига ана шу бобосюжетнинг турли жанрлар шаклида ўзлаштирилишига сабаб бўлган". Шу билан бирга иқтидорли фольклоршунос олим "Алпомиш"ни эртақдан, яъни ҳаёлий тўқимадан ўсиб чиққанлигини даво қилувчи қарашлар замирида улкан ғараз яширинганлигига эътибор қаратади: "Алпомиш" достонига уюштирилган хужум ботинан бу ўзбек халқининг алоҳида халқ сифатида мавжудлигига қилинган ҳуруждан иборат эди. Чунки қаҳрамонлик эпоси бўлмаган халқнинг баҳодирона ўтмиши, миллий ғурури йўқ халқ бўлиб чиқиши табиий". Баҳодир Саримсоқовнинг миллий ғурур уфуриб турган бу қарашлари ҳозиргача ҳам фольклоршунослигимиздаги ягона дадил хулоса эканлигини яна бир иқтидорли олим, профессор Қозоқбой Йўлдошев ўзининг "Алпомиш" талқинлари" китобида таъкидлаб ўтган эди.

Баҳодир Саримсоқов анъанавий фольклор жанрларининг замон билан муносабатининг илмий таҳлил ва талқин этилиши лозим бўлган назарий масалаларига, оғзаки бадиий ижоднинг замондошимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини белгилаш, бутунги кунда фольклор жараёнида юз бераётган ўзгаришларни аниқлаш муаммоларига ҳам биринчилардан бўлиб, кўпчиликнинг диққатини тортган. Масалан, халқ эпосининг бахшичиликда ижодийликнида сўниш жараёнларининг объектив ва субъектив сабабларини изчил илмий асослаб берган. Домла бундан анча йиллар муқаддам бахшилик санъатида ижодийлик анъанасининг сўнаётганлиги ҳақида ачиниш билан шундай ёзган эди: "Ёзма шеърятимиз вакиллари тинмай ҳам мазмуний, ҳам шаклий изланишлар, ижодий тажрибалар олиб бориб, турли йўллар билан замондошимиз қалбида этилиб турган туғёнларга, миясида пишиб турган фикрларга йўналиш берса-ю, халқ бахшилари ҳамон қуруқ мақтов ҳамда декларативликдан чиқа олмасалар, ҳали ёзув кашф этилмаган узоқ даврлардан буён то шу кунларга қадар халқ дилини мафтун этиб келган бахшилик санъатининг куч-қудратига шубҳа билан боқиб қолар экан, киши". Дарҳақиқат, халқ бахшилари ҳозир фақат жонли ижро билан яшамоқдалар, уларда ижодийлик, айниқса, замон муаммоларини акс эттириш мутлақо йўқ. Чунки, Баҳодир Саримсоқов ҳақли қайд этганидек, янги ҳаётий мазмунга мос келувчи бадиий шакл совет даври халқ эпосида кашф этилмади.

Таниқли адабиётшунос, академик Матёкуб Қўшжонов "Ижодкорлар борки, улар бутун бор вақтини фақат ўзи эгаллаб олган ижод турига бағишлайдилар. Ижодкорлар борки, улар касб-корини кенг тушунадилар, фақат ижод билангина банд бўлмасдан ижод сирлари ҳақида ҳам чуқур ўйлайдилар, фикр юритадилар, ўзи яратган ижод маҳсулини, баъзан бошқаларнинг бадиий изланишларини ҳам таҳлил қиладилар, ақл ўлчовига соладилар, мантиқ тарозисида тортиб кўрадилар. Шу йўсинда улар биринчи тоифадаги ижодкорларга нисбатан икки, уч баробар масъулиятни ўз бўйнига оладилар" деб ёзади. Баҳодир Саримсоқов ана шу хилдаги серкирра ижодкорлардан эди.

Баҳодир Саримсоқов ўзбек мумтоз, форс-тожик адабиётининг мукамал билимдони, адабиёт назарияси ҳамда ҳозирги адабий жараёни атрофлича ўрганиш бўйича тадқиқот олиб бораётган заҳматкаш олим эди. Унинг фаолиятидаги ўзига хос кўркем, олимона фазилатлар унинг адабий жараёнга муносабатида ҳам ўзининг тўлақонли ифодасини топган эди. Давра суҳбатлари ва илмий-адабий жараёндаги том маънодаги фаоллиги, охори тўкилмаган мулоҳазалари, ўзига хос академизми унинг илм-фан тараққиётидаги алоҳида ўрнини белгиларди. У ниҳоятда қизиқувчан, ўз фикрида собит, адабиёт илмидаги ҳар қандай баҳсларга ҳамиша тайёр эди. Шу боис Баҳодир Саримсоқов каби етук олимлар фаолиятининг мустақил юртимиз илмий-адабий ҳаётидаги бекиёс аҳамиятини алоҳида таъкидлагим келади.

Баҳодир Саримсоқов юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Бевосита унинг илмий раҳбарлигида 4 киши докторлик, 20 дан ортиқ мутахассис номзодлик диссертациясини муносиб ҳимоя қилишди. Шу билан бирга домла олий ўқув юртлари ва мактаблар учун яратилган дарслик ва қўлланмаларнинг ҳам муаллифларидан эди.

Баҳодир Саримсоқов узоқ йиллардан бери саломатлиги ёмонлашганлигига қарамай зўр илҳом, ғайрат-шижоат билан илмий ижодий фаолиятини давом эттираётган эди. Домла билан учрашган пайтларимизда уйқусизликдан кўзлари қизарган ҳолда ёзаётган илмий тадқиқотлари, кейинги режалари ҳақида ўртоқлашиб, шундай шароитларда ҳам самимий, беғубор муомалалари билан биз шогирдларини қўллаб-қувватлаб, ёрдамини аямасди. Домланинг яқин йилларга мўлжаллаб қўйган ниятлари кўп эди. Шунинг учун ҳам баъзан адабиётшунослик ва фольклоршуносликдаги муаммоларни тадқиқ этишда тўғри ечимини топмаётган ҳолатлардан нолиб ҳам қолар эди. Айниқса, олий ўқув юртлари учун "Адабиёт назарияси", "Халқ оғзаки поэтик ижоди" бўйича дарсликларни янгилаш кераклигини, "Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати"ни қайта кўриб чиқиш зарурлигини бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан деб ҳисобларди. Мазкур ишлар юзасидан бошлаб қўйган ҳаракатларидан, қиёмига етказиб қўйган ишларидан ҳам хабаримиз бор эди. Хуллас, халқ оғзаки бадиий тафаккури, мумтоз адабиёт ва адабий жараённинг истиқболли ривожланиш йўллариини ўз вақтида идрок этиш ва уларни назарий жиҳатдан асослаш, ҳаққоний талқин этиш Баҳодир Саримсоқов иқтидорининг муҳим жиҳатларидан эди.

Тўғриси, сен билан чорак аср суҳбатдош, илмий мулоқотда бўлган азиз ва қадрли инсон ҳақида ўтган замонда сўзлаш ниҳоятда оғир. Барча инсонлар учун ўлим ҳақ. Лекин Баҳодир Саримсоқов каби иқтидорли олимларнинг умри улар қолдирган илмий ижодий меросида давом этади. У киши билан ҳамсуҳбат бўлган, уни энг оғир дамларда ҳам англаб, қўллаб-қувватлаган ҳамкасблари, шогирдлари қалбида узоқ сақланади. Таниқли олим, камтарин инсон, меҳрибон устозимиз Баҳодир Саримсоқовнинг Аллоҳ жойларини жаннатда қилган бўлсин.